

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари иқтисоди кафедраси
“Туркия иқтисодиёти” фанидан маърузалар тўплами

Тузувчи: ўқитувчи Зуфар Мушаррапов

Тошкент-2008 йил

Мундарижа.

№	Мавзунинг номи	Саҳифа
1	Туркия иқтисодиёти ҳақида умумий тушунча. Режа: 1. Туркия давлатининг иқтисодий географик ўрни. 2. Туркиянинг тарихи. 3. Туркия аҳолиси ва унинг таркиби. 4. Туркия иқтисоди ривожланишининг асосий сабаблари. 5. “Туркия модели”нинг аҳамияти. 6. Туркиянинг қишлоқ хўжалиги хўжалиги. 7. Туркия давлатининг жаҳон иқтисодида тутган ўрни. 8. Молиявий тузилиши ва иқтисодиёти.	4
2	Мавзу: Туркиянинг иқтисодий ривожланиши РЕЖА: 1. Туркиянинг иқтисодий ривожланиш хусусиятлари. 2. Туркияда валюта тизими.	17
3	Мавзу: Туркияда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат. Режа: 1. Туркиядаги иқтисодий ислохотларнинг макроиқтисодий натижалари. 2. Туркияда инфляция ва ишсизлик масалалари.	21
4	Мавзу: Туркия саноатининг ривожланиши. РЕЖА: 1. Туркия саноатига қисқача тасниф. 2. Қайта ишлаш саноати ва энергетика. 3. Мамлакат тўқимачилик саноатининг ривожланиши. 4. Мамлакат иқтисодиётида енгил саноатнинг ўрни. 5. Енгил саноат маҳсулотлари бозорида Туркия Республикасининг эгаллаган мавқеи.	32
5	Мавзу: Қишлоқ хўжалигини тармоқлар бўйича ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари. Режа: 1. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар. 2. Мамлакат қишлоқ хўжалигидаги инвестицион иқлим	55

	хорижий сармоядорлар учун жудаям қулай. 3. Дехқончилик тармоғи. 4. Чорвачилик тармоғи. 5. Ўрмон ва балиқчилик хўжалиги.	
6	Мавзу: Туркияда молия тизимининг ривожланиши Режа: 1. Туркия банк тизими: ўзига хос хусусиятлари ва тузилмаси. 2. Иқтисодийётни бюджет томонидан тартибга солиш.	69
7	Мавзу: Туркияга инвестиция жалб этиш ҳолати. РЕЖА: 1. Туркиянинг инвестиция сиёсати. 2. Туркияда инвестиция қилинаётган капиталга солиқ имтиёзлари. 3. Туркияда бевосита хорижий инвестициялар оқими. 4. Туркияда портфель инвестициялар. 5. Туркияда эркин иқтисодий зоналар(ЭИЗ)нинг ривожланиши.	85
8	Мавзу: Туркия ташқи иқтисодий алоқаларининг ривожланиши. РЕЖА: 1. Ривожланаётган мамлакатлар ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари 2. Туркиянинг ташқи савдо стратегияси 3. Туркия Республикасининг хорижий капиталлар бозоридаги иштироки хусусиятлари 4. Туркия ва Ўзбекистон иқтисодий муносабатлари ривожланиши	94
9	Мавзу: Туркиянинг халқаро иқтисодий ташкилотлар билан алоқалари. РЕЖА: 1. Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЧЭС). 2. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ).	110

Маъруза – 1.

Мавзу: Туркия иқтисодиёти ҳақида умумий тушунча.

Режа:

- 1. Туркия давлатининг иқтисодий географик ўрни.**
- 2. Туркиянинг тарихи.**
- 3. Туркия аҳолиси ва унинг таркиби.**
- 4. Туркия иқтисоди ривожланишининг асосий сабаблари.**
- 5. “Туркия модели”нинг аҳамияти.**
- 6. Туркиянинг қишлоқ хўжалиги хўжалиги.**
- 7. Туркия давлатининг жаҳон иқтисодида тутган ўрни.**
- 8. Молиявий тузилиши ва иқтисодиёти.**

1. Туркия давлатининг иқтисодий географик ўрни.

Ҳар бир мамлакатнинг ўрганиш жараёнида, аввало унинг географик ўрни кўз олдимизга келади. Шунинг учун ҳам, Туркиянинг географик ўрни, унинг яқин тарихи ва ўтмиши ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак...

Туркия давлатини (Turkiya Cumhuriyeti), “Европа билан Осиёни боғловчи кўприк” дейишлари бежиз эмас, албатта, чунки ҳақиқатдан ҳам Туркиянинг географик ўрни жаҳон мамлакатлари ичида ниҳоятда қулай мамлакатлардан бири ҳисобланади. Туркия Қора денгиз ва Ўрта денгиз оралиғида жойлашгандир. Шу билан бирга Туркия икки материк ўртасида, яъни Европа ва Осиёда жойлашган давлат бўлиб, уни Мармар денгизи, Босфор ва Дарданэли бўғозлари ажаратиб туради.

Туркия жанубда Сурия ва Ироқ, шарқда-Эрон, шимоли-шарқда Грузия, Озарбайжон, шимоли-ғарбда Болгария ва Греция билан чегарадош.

Унинг **худуди**-780,6 минг кв.км.ни ташкил қилади, шундан Европа қитъасида 23,7 минг кв.км, ҳамда Осиё материгида 755,70 минг кв.км. ер майдонини ташкил қилади. Демак, мамлакат худуди жаҳон худудининг 0,6 %ини ташкил қилади. Мамлакат худудининг энг баланд нуқтаси-катта Арарат тоғидир (5165 метр). Умумий худуднинг 30%ини ўрмонлар, яйлов ва қир адирлар-12%ини ташкил қилади.

Мамлакат 73 та вилоятдан ташкил топган. Пойтахти-Анқара шаҳри, аҳолиси тахминан 5 миллион атрофида.

Йирик ривожланган ва индустриал, ҳамда аҳолиси кўп бўлган шаҳарларга Анқара, Истамбул-10 млн., Измир-3 млн., Адана-2 млн., Бурса шаҳарлари киради.

Йирик порт шаҳарлари қаторига Истамбул, Измир, Трабзон шаҳарлари киради. Истамбул порти Европадаги йирик порт шаҳарлари қаторидан жой олган.

Давлат ва расмий тили –турк тили. Дини-ислом дини.

Давлат арбоби-Президент. Парламент томонидан Президент лавозимида 7 йил сайланади. Ҳозирги Президент Аҳмет Неждет Сезер Бош Вазири Б.Эжевит.

Миллий байрами-29 октябрь (Республика эълон қилинган кун).

Пул бирлиги-турк лираси: 1\$=1.650.000 лирга тенг (2002). Жаҳон валюта жамғармаси томонидан 1990 йилда турк лираси эркин алмаштириладиган валюталар қаторига киритилган.

Булардан ташқари, Осиё мамлакатларида буюк химик Менделеевнинг рўйхатига кирувчи барча “жисм”ларга бой қитъадир.

Агарда мамлакат бўйича алоҳида мамлакатда табиий ресурсларни кўрсак:

Мамлакатда кўплаб табиий ресурслар мавжуддир. Жумладан, сурма (жаҳон бўйича сурма захирасининг 25%и), симоб (жаҳон бўйича симоб захирасининг 25%и), хром (жаҳон бўйича хром захирасининг 8%и, тахминан 25 млн.тонна), вольфрам рудаси (жаҳон бўйича захиранинг 7%и), уран рудаси (жаҳон бўйича уран рудаси захирасининг 5,5%), мис (жаҳон бўйича мис захирасининг 4,5%и) айнан Туркияга тўғри келади.

2. Туркиянинг тарихи.

Турк халқининг миллий-озодлик ҳаракати 1918-23 йиллар мобайнида рўй бериб, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб республика тузилишига олиб келди. 1923 йилнинг 29 октябридан Туркия Республикаси эълон қилинди. Мамлакатнинг миллий мустақиллиги ва Туркиянинг жаҳондаги етакчи мамлакатлар билан дипломатик муносабатларни йўлга қўйишида ва мамлакат иқтисодини кўтаришда таниқли турк давлат арбоби Мустафо Отатурк ташаббуси катта аҳамиятга эга. Мустафо Отатурк (у 1938 йилда вафот қилади) Туркия Республикасининг биринчи Президенти бўлди.

- 2-жаҳон уруши пайтида Туркия ўзини бетарафлигини, яъни нейтрал деб эълон қилади, лекин амалда у яширин тарзда Германияга ҳарбий ва иқтисодий ёрдам бериб келади.

- 1947 йили АҚШнинг Туркияга ҳарбий ёрдам бериши тўғрисидаги ва 1948 йилги Туркия-АҚШ ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик битимлари асосида АҚШ Туркияга моддий ва иқтисодий ёрдам бериши ҳақидаги бир қанча битимлар икки мамлакат ўртасида имзоланди. Бундан ташқари, АҚШнинг берган иқтисодий ёрдамлари эвазига Туркия ҳудудларида АҚШнинг бир неча ҳарбий базаларини қурилишга олиб келди.
- Туркия 1952 йилда НАТОга аъзо бўлиб киради ва у узоқ вақт ғарб мамлакатларига қараб иш тутди.
- 1959 йили АҚШ-Туркия ўртасида ҳарбий ҳамкорлик ҳақидаги битим имзоланди, шу тузилган битим асосида АҚШ Туркия ҳудудларида ҳарбий базаларга эга бўлиши ва уни қуриш ҳуқуқини берди. Кейинчалик бу икки мамлакат ўртасида 1980 йили «биргаликда мудофаа ва иқтисод бўйича ҳамкорлик» битими имзоланади, ҳамда яна икки йилдан кейин, яъни 1982 йилнинг 29 ноябридан эса «Ишонч меморандуми» битими имзоланиб, ҳозирги кунгача икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликлар мана шу битимга амал қилиниб келинмоқда.
- 1960 йилда мамлакатда давлат тўнтарилиши бўлди ва мамлакатнинг янги Конституцияси эълон қилинди.
- 1980 йилнинг 12 сентябрида армиянинг олий раҳбарияти ҳарбий тўнтариши натижасида тузилган Миллий хавфсизлик кенгаши бутун ҳокимиятни 1983 йилгача ўз қўлига олди. 1982 йилнинг 7 ноябрида эса умумхалқ муҳокамасидан кейин мамлакатнинг янги қомуси, яъни конституцияси кучга кирди. Ушбу ҳукумат мамлакат бюджетидан 20%гача бўлган қисмини ҳарбий ҳаражатлар учун сарф этади ва бунинг оқибатида мамлакатда иқтисодий қийинчиликлар вужудга келади, яъни саноат тармоқларида ва кишлоқ хўжалигида турғунлик бўлишига, ишсизларнинг кўпайиб кетишига, валюта-молиянинг кескин ёмонлашувига олиб келди.
- 1983 йилда парламент сайловларидан кейин ҳукумат бошқаруви фуқаролар қўлига ўтади. Мамлакат раҳбарияти Туркияни Европа Иттифоқи Ҳамкорлигига аъзо қилиш ва шу асрнинг охирига бориб мамлакат ўз тараққиётида Ғарбий Европа мамлакатларига етиб олишга эришиш ниятида эканлигини эълон қилди. Туркия қисқа вақт ичида иқтисоди, саноати ва маданияти жиҳатидан жаҳондаги нисбатан ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олди.

3. Туркия аҳолиси ва унинг таркиби.

Туркиянинг **аҳолиси** 2003 йил ҳолатига 68 миллион кишини ташкил қилади (1995 йил 62 млн., 1990 йил 56 млн.). Унинг аҳолисини асосан икки миллатга мансуб кишилар, жумладан турклар-82% ва курдлар-11% ташкил қилади. Бундан ташқари араблар, грузинлар ва бошқа кавказ халқига мансуб миллат кишилари ташкил қилади.

Умумий аҳолининг 60%ига яқини шаҳарларда истиқомат қилади.

Аҳоли зичлиги 1 кв.км.га ўртача 85 киши тўғри келади. Мамлакат аҳолиси жаҳон аҳолисининг 1%ини ташкил қилади. Аҳоли йилига 2-3%дан ўсмоқда, яъни тахминан ўртача 1,5 млн.кишига.

4. Туркия иқтисоди ривожланишининг асосий сабаблари.

Туркия мамлакати 20-аср сўнгида ривожланаётган мамлакатларнинг энг етакчи мамлакатлар қаторидан жой олиши ва 80-йилларнинг охирида Янги индустриал мамлакатлар қаторига киришига асосий сабаблар қуйидагичадир:

1. Туркиянинг иқтисодий-географик қулайлиги.
2. Туркия ўзининг иқтисодида саноатнинг ривожланишига катта эътибор бериши.
3. Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши (ғарб мамлакатларини ғалла билан таъминлаши).
4. Туркия ҳукуматининг Германия мамлакати билан иқтисодий ҳамкорлиги.
5. 50-70 йиллар мобайнида АҚШ томонидан катта иқтисодий ёрдам берилиши.
6. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экспорт қилиниши.
7. 80-йилларда мамлакат иқтисодида «турк модели» номи остида иқтисодий ислохотни олиб борилиши.
8. Турк халқининг ишбилармонлиги ва меҳнатсеварлиги (Ҳозирги кунда тахминан икки ярим миллиондан ортиқ турклар хорижда ишлашади. Буларнинг асосий қисми Германияда фаолият кўрсатишади².)
9. Мамлакатнинг қазилма ресурсларига бойлиги - Мамлакатда кўплаб табиий ресурсларнинг йирик захиралари мавжуд. Жумладан, сурма (жаҳон бўйича сурма захирасининг 25%и), симоб (жаҳон бўйича симоб

² «Халқаро луғат», Тошкент –1998 йил.
Туркия иқтисодиёти Зуфар Мушаррапов

заҳирасининг 25%и), хром (жаҳон бўйича хром заҳирасининг 8%и- тахминан 25 млн.тонна), вольфрам рудаси (жаҳон бўйича заҳиранинг 7%и), уран рудаси (жаҳон бўйича уран рудаси заҳирасининг 5,5%и), мис (жаҳон бўйича заҳиранинг 4,5%и) айнан Туркияга тўғри келади. Бундан ташқари, мамлакат қуйидаги табиий ресурсларга бойдир: тошкўмир, темир рудаси, газ, нефть, олтин, кўрғошин, ҳар хил рангли металллар ва бошқа қазилма бойликлар қазиб чиқариш бўйича жаҳон мамлакатларида олдинги қаторлардан жой олган. Қазилма бойликларни қазिश ва излаш компанияларининг 80%и давлат секторига қарайди. Анқара, Кўния ва Синоп вилоятларида йирик нефть заҳиралари мавжуддир. Туркияда газ қазिश чиқариш фақатгина 1985 йилдан бошланди, ҳамда газ қазिश чиқариш мамлакатнинг энг ёш тармоқларидан бири ҳисобланади.

10. Мамлакат иқтисодини ривожлантиришда Туркия ҳукуматининг хорижий сармоядорлар учун «очиқ эшиклар сиёсатини» олиб бориши.
11. Мамлакат ҳукумати томонидан тадбиркорликнинг ривожлантиришидаги аҳамияти.
12. Мамлакатда 90-йилларда туризмнинг ривожланиши - Туркиянинг уч томони денгиз билан ўралганлиги, мусаффо ҳавоси, шифобахш чиройли табиати дунёнинг барча мамлакатларидан миллионлаб саёҳатчиларни ўзига чорлайди.

Туркиянинг иқтисодий ривожланиш босқичларини биз асосан тўртта даврга бўлиб ўрганамиз:

- 1) Инқилобгача бўлган давр (яъни 1923 йилгача), бу биринчи босқич иқтисодий ривожланишда ишлаб чиқаришда давлат мулкнинг ҳукмронлиги, ижтимоий соҳада бир партияли бошқарув тизимининг мавжудлиги билан характерланади;
- 2) Инқилобдан 1940 йилгача бўлган давр, яъни энг асосий ислоҳот бу 1933 йилда қабул қилинган 1-беш йиллик режасидир.;
- 3) 1940-1970 йилларнинг охирларигача;
- 4) 1980 йилдан то ҳозирги кунгача бўлган иқтисодий ўсиш даври.

5. Туркия моделининг аҳамияти.

1980-йилларнинг охирларида Туркиянинг дунёни ҳайратга солган иқтисодий ислоҳотлари, яъни “туркия модели”, ёки бошқача қилиб айтганда

“туркия мўжизаси” каби иборалар жаҳон ҳўжалигида вужудга келди. Бу иқтисодий ислоҳотлар натижасида яқин йилларда Туркия “янги индустриал мамлакатлари” қаторига қўшилиш имконини берди².

Бу модел жаҳоннинг илғор мамлакатлари эришган ютуқлари асосида ўз миллатининг урф-одатлари, табиий, тарихий ва иқтисодий хусусиятларини тўлиқ ҳисобга олган ҳолда, бозор иқтисодиёти принципларини тўлиқ қўллашдир. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, Туркиянинг расмий маълумотларига қараганда улар тўртта устивор йўналишлар орқали белгиланади:

- Молиявий ресурсларни жамлаш;
- Табиий ресурслардан самарали фойдаланиш;
- Аҳолини ялпи иш билан таъминлаш;
- Бошқарув ва тадбиркорлик тизимларини ривожлантириш.

Ушбу тўртта йўналишни қараб чиққанимизда энг асосий муаммо молиявий ресурсларни ўзлаштириш ҳам, янги ходимларни тайёрлаш ҳам молиявий ресурсларни талаб қилади. (Таққослаш учун, Ўзбекистон 15-20 йил олдинги Туркиядан кескин фарқ қилади. Бизнинг миллий иқтисодий ва илмий қудратимиз бирмунча юқори³. Мамлакатимиз эндиgina мустақилликка эришгач, кўпгина иқтисодчи олимларимиз мамлакатимизнинг иқтисодини ривожланишида “Туркия модели”дан кетяпмиз деган ибораларни ишлатгандилар. Нима учун деган савол туғилади. Биз бу жавобга, юртбошимизнинг 1992 йилги Мисрга қилган расмий ташриф пайтида Мисрдаги “Ал-аҳром” рўзномаси мухбири билан ўтказган интервьюсидан қуйидаги жавобни оламиз:

“биринчидан, Ўзбекистон билан Туркияни маданият, тил, тарих, дин муштараклиги ва ўхшашлиги боғлаб турибди;

иккинчидан, Туркияда кейинги 8-10 йил ичида шаклланаётган иқтисодий модел, ҳўжалик қурилишнинг мақсад ва қоидалари бизни қизиқтирмоқда;

учинчидан, ўз дини, анъаналарини ҳурмат қилиши билан бирга, Туркия ижтимоий муносабатлар нисбатини бузмагани ҳолда дунёвий давлат барпо эта олди.

Мана шуларнинг ҳаммаси бизга “Турк модели”га хайрихоҳлигимиз ҳақида гапириш имконини, аммо биз ундан асло кўр-кўрона нусха кўчирмоқчи эмасмиз, балки ўзимизнинг бетакрор хусусиятимизни, маҳаллий анъаналаримиз ва шарт-шароитимизни эътиборга олиб, Ўзбекистон учун энг мақбул жиҳатларни ўрганиб олмоқчимиз-деган эдилар.

² «Международ.экономика и международ.отношения», 1992 йил сентябр.

³ «Туркистон» рўзномаси (1992 йил, 23 февраль).

6. Туркиянинг қишлоқ хўжалиги .

Мамлакат қишлоқ хўжалигида буғдойчилик, пахтачилик, тамаки етиштириш, қанд лавлаги етиштириш кабилар энг асосий тармоқлар ҳисобланади.

Туркия ҳукумати мамлакатда қишлоқ хўжалигининг ривожлантиришни инкилобдан кейиноқ бошлаган эди. 1923-31 йилларда Туркиянинг иқтисодий ривожланишида давлатнинг иқтисодий сиёсати қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан иборат бўлган эди.

Мамлакат субтропик иқлимда жойлашган бўлиб, қишлоқ хўжалиги тармоқлари деярли барча соҳалари ривожланган. Қишда, аниқроғи январ ойида 5С иссиқдан -15С совуқ бўлади.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган асосий дарёлари Евфрат, Тигр, Қизил Ирмоқ ва Сакаръя дарёларидир. Шу билан бирга Туркияда иккита кўл мавжуд бўлиб, улардан қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайди, яъни Ван ва Туз.

Қишлоқ хўжалиги ЯИМнинг 18%ини ташкил қилади. Қишлоқ хўжалигида тамаки, пахта, ғалла, қанд лавлаги, доривор ўсимликлар ва бошқа турли ҳил экинлар экилади. Бундан ташқари, мамлакатда чорвачилик ҳам ривожланган.

Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши билан мамлакат аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини тўла қоплайди.

Мамлакат қишлоқ хўжалигида жами ишчи кучининг деярли 50%и фаолият кўрсатади.

Мамлакатда 6700 га яқин турли ҳил ўсимлик турлари мавжуд.

Мамлакат йилига ўртача 12 млн.тонна қанд лавлаги етиштиради.

1945 йилда мамлакатда аграр ислохот қабул қилиниб, ушбу ислохотда деҳқонларга ер ажратиш ҳақидаги қонун қабул қилинади. Қонунга мувофиқ 5 гектаргача ерга эга бўлганлар фермерчилик, 5 га.дан 50 га.гача – ўрта, 50 га.дан ортиқ ер эгаларини йирик ер эгалари ҳисобланди.

Туркия йилига ўртача ҳисобда буғдой -19 млн.тонна, маккажўхори -2,1 млн.тонна, гурунч-0,2 млн.тонна, шакарқамиш -19 млн.тонна етиштиради.

7. Туркия давлатининг жаҳон иқтисодида тутган ўрни.

Туркия ҳозирда аграр-индустриал мамлакатдир.

Туркиянинг ташқи савдо-сотиқдаги энг асосий шериклари: Германия, АҚШ, Россия, Италия ва Буюк Британия мамлакатлари киради.

Туркия экспортининг асосий улуши Ғарбий Европа мамлакатларига тўғри келади, худди шундай ҳолат мамлакатнинг импортида ҳам, яъни мамлакатнинг асосий импортдаги улушининг 55%и Ғарбий Европа мамлакатларига тўғри келади. Умумий экспортини 40%ини тўқимачилик маҳсулотлари ташкил қилади.

Мамлакатнинг энг асосий денгиз портлари: Измир, Истамбул, Измит, Искандаруп, Зангулдак, Мерсин, Самсол, Трабзон кабилар.

Мамлакатда автомобил транспортининг аҳамияти катта. Темир йўл транспорти бошқа транспорт турларига қараганда анча орқада қолган, сабаби, юқорида айтганимиздек, мамлакат худудларининг кўплаб жойлари тоғ-ён бағирлари ташкил қилганлиги боис, темир йўл транспорти унча ривожланмаган.

Мамлакатнинг ташқи қарзи 1110 млрд.АҚШ долларини ташкил қилади (2001 йил ҳолатига).

Валюта заҳираси-37 млрд.АҚШ долларини ташкил қилади.

1998 йилда мамлакатнинг умумий маҳсулот айирбошлаш 77 млрд.АҚШ долларини ташкил қилди, шундан 49 млрд. импортни ташкил қилди.

Туризмдан тушадиган даромад деярли 8,5 млрд.АҚШ долларини ташкил қилади.

Туркиянинг ҳозирги иқтисодий-сиёсий муаммолари.

- 1) мамлакатнинг кўплаб ерлари тоғлиқ жойларда жойлашганлиги сабабли, қишлоқ хўжалигининг баъзи тармоқларида қийинчилик туғдирмоқда;
- 2) кўшни Ироқ мамлактадаги нотинчлик.
- 3) Инфляция;

8. Молиявий тузилиши ва иқтисодиёти.

Туркия иқтисодиётининг тузилиши 1999 йил охирида бошланган валюта курси асосидаги барқарорлик дастурининг амалга оширилиши даврида ўзгарди. Ушбу ўзгаришлар давлат истеъмолини анча қисқартиришини кўзда тутди. Демак, хусусий сектордаги истеъмол ва сармояларга кетадиган сарф харажатларга бўладиган ижобий таъсирни олдиндан айтиш мумкин. Валюта курси янги тартибни жорий этилиши натижасида харидоргир ва харидоргир бўлмаган товарларнинг нархи ҳам ўзгаради. Бу эса ўз навбатида импорт кўрсаткичларига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Туркия иқтисодиёти тизимидаги баъзи ўзгаришлар бошқаларга нисбатан узоқ давом этиши шубҳасиз. Маълумки ташқи бўҳронлар (масалан, асосий савдо шерикларидаги валюта девальвацияси) юзага келган

тақдирда белгиланган курс иқтисодиётни мутаносибликда сақлаш жараёнини секинлаштиради. Шу сабабли Туркия ҳукумати айти пайтда амалда бўлган валюта курсидан воз кечиш стратегиясини амалга ошириш мажбуриятини олди. 2003 йилгача турк лираси яна “бошқариладиган сузиш” тартибига ўтиб, “эгиловчанлик” қобилияти 2001 йил ўртасидан оша бошлайди. Валюта курсининг “эгиловчанроқ” тартиби ҳозирги пайт билан таққосланганда фоиз ставкаларини бошқариш учун катта имкониятлар беради. Туркия Республикаси раҳбари Туркия Марказий банки 2001 йилнинг ўртасидан бошлаб инфляциянинг зарур суръатига эришиш мақсадида мамлакат валюта ва молия сиёсатини бошқаришда қатъий шартларни қўллай бошлашини билдирди. Бундай пул-кредит сиёсати Марказий банк учун жуда муҳим бўлган мақсад инфляция суръатларини пасайтиришга эришиш билан боғлиқ бўлади. Шу боис айти пайтда амалга оширилаётган инвестициялар сарф-харажатининг ошиши келаси йил тўхташи кутилмоқда. Яқин йилларда иқтисодиётнинг ўсиши башорат қилинаётган бўлса-да, буни узок фойдаланиладиган товарлар ва автомобилларда яққол кўриш мумкин бўлади.

Турк инқирозининг асосий сабаблари кейинги йилларда бошқа кўпгина мамлакатларда юз берган инқирозлар билан бирга тўртта талқинда (моделда) кўриб чиқилмоқда. Уларнинг ҳар бири ушбу инқирознинг илдизларининг муайян соҳада, яъни сиёсат, бюджет-қарз, валюта ва таркибий соҳаларда излашмоқда. Бунга яна анъанавий бўлиб қолган: “Барчасига Халқаро валюта жамғармаси айбдор”, деган фикрлар ҳам қўшилган. Аксарият изоҳлардан талқинлар бир бирига қўшилиб ва боғланиб кетган, бундан ташқари, турли омиллар ҳам ҳисобга олинган.

Шу ўринда 1994 йили Ўрта Осиё республикалари тегишли таъминот ва назоратсиз 100% хориж сармоялари ҳисобига ишлаб чиқаришни ташкил этиш йўли билан кўп миқдорда хориж капиталини жалб этишга мўлжалланган ушбу ривожланиш моделининг (тарафдорлари) бўлганликларини айтиш жоиз. Бирок мазкур моделнинг етарли даражада барқарор эмаслиги боис кўпгина мамлакатлар ундан воз кечишди. Айти пайтда ушбу модел қатор камчиликларга эга бўлиб, улар мамлакатнинг валюта-молия соҳасидаги турли шаклга эга инқирозлар кўринишида авж олмоқда. 2000 йил май ойида етакчи жаҳон валюталарига нисбатан турк лирасининг тушиб кетиши бунга ёркин мисол бўла олади. Долларга нисбатан турк лираси курсининг кескин сакраши мамлакатдаги йирик биржаларда шов-шув ва ваҳимани юзага келтиради. Хорижий йирик сармоядорларнинг ҳам ишончи йўқола бошлади. Бу эса бевосита ва билвосита хориж сармояларининг

келиши борасида мамлакат иқтисодиёти учун салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Туркияда юзага келган бугунги инқироз тўғрисида гапираётганларнинг барчаси ривожланиш моделининг тўғри келмаганлиги сабабларидан бири сифатида кўрсатишмоқда. Аксарият экспертларнинг фикрича, турк инқирозининг бевосита сабаби (баъзи МДХ мамлакатларида бўлганидек, жумладан Россияда ҳам) нотўғри валюта сиёсатининг олиб борилганлигидир. Асосий сабаб сифатида эса иқтисодий бошқарувчи давлат институтларининг заифлиги ва нотўғри йўлга қўйилганлигини кўрсатиш мумкин. Бироқ ушбу омил “етиб олаётган” ривожланишдаги барча мамлакатларда мавжуд бўлиб, у йиллар давомида етишади, иқтисодий инқирозлар бўлса йилига бир неча марта юз бериши мумкин.

Иқтисодиётдаги тушкунликни барқарорлаштириш мақсадида Халқаро валюта жамғармаси Махсус ҳуқуқларга мувофиқ 271 миллион миқдорида учинчи транш кредитини ажратишни маъқуллади. 2000 йил декабр ҳолатига кўра давлатнинг ташқи қарзи 103.5 миллиард АҚШ долларига тенглашди. Май ойидан июнгача эса саноат ишлаб чиқариши 3.6 фоизга ошди. 1999 йил августидаги зилзилалар оқибатида жиддий зарар кўрган нефтни қайта ишлаш секторидаги ишлаб чиқариш хажмининг нисбатан пастлиги ҳақиқий иқтисодий кўрсаткичларни акс эттирмайди. Агар ушбу секторни индекслар билан боғламайдиган бўлсак, дастлабки беш ойда саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиши 8.9 % га етганлигини кўриш мумкин. Жаҳон банки иқтисодий ислохатлар учун ажратиладиган 760 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредитни маъқуллади.

Турк инқироzi 90-йиллардаги қатор валюта тажрибаларининг охиргиси бўлса ажаб эмас. Бу тажрибаларнинг муваффақиятсизлигини пул сиёсатидаги икки элементнинг, яъни инфляцияни кескин камайтириш ва шу билан бир вақтда миллий валюта курсини бошқа валюталарга боғлаш орқали бошқариш ҳамда руҳсат этилган девальвация коридорини беришнинг бир-бирига қўшилиб кета олмаслигидир.

Туркиядаги ҳозирги молиявий инқироз мамлакатда инфляциянинг авж олишига ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин секинлашувига олиб келди. Европадаги кўпгина нуфузли экспертлар ҳам худди шундай хулосага келишган. 2002 йилда инфляция даражаси тахминан 45 %ни ташкил этиши, ЯИМ эса аҳвол яхши бўлган тақдирда 1%га ўсиши кутилмоқда. Аксинча бўлган тақдирда эса у 3%га қисқариши мумкин. Анқарада мамлакат раҳбарлари Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки вакиллари билан музокараларни давом

этирилатган бир пайтда турк лирасининг курси долларга нисбатан тезкорлик билан тушиб кетган..

Мамлакатнинг етакчи иқтисодчилари, марказий банк ва Молия вазирлиги юзага келган вазиятни барқарорлаштириш бўйича қатор чораларни кўрмоқда. Туркия иқтисодиёти валюта курси асосида барқарорлаштириш дастурига амал қилаётир. Валюта курси асосида барқарорлаштириш дастурини амалга ошираётган барча мамлакатлар фоиз ставкасини камайтиришмоқда, бу эса истеъмолнинг ва шунга мувофиқ узок муддат фойдаланиладиган товарлар харажатининг ўсишига олиб келмоқда. Ушбу схемага амал қилинадиган тақдирда маҳаллий валюта курсининг аста-секин ўсиши ва жорий тўлов баланси тақчиллигининг ошиши мантиқан тўлов балансининг инқирози билан якунланиши мумкин. Туркия Республикаси ҳукумати худди шу нарсани амалга оширмоқчи.

Банк тизими.

Айни пайтда Туркияда Марказий банк билан бирга 59та банк фаолият кўрсатмоқда. Улардан 10таси давлат банклари (марказий банк, 6 та тижорат банки, 3та инвестиция банки). 29 таси хусусий миллий банклар, 20 таси эса чет эл банки бўлиб, шулардан 9 таси хориж сармояси иштирокида ташкил этилган ва Туркия қонунчилигига биноан рўйхатдан ўтказилган, қолган 11таси чет эл банкларининг Туркиядаги филиаллари ҳисобланади. Фақат инвестиция банкларининг сони 9 та: 3 таси давлатга қарашли, 3 таси маҳаллий хусусий банклар ва 3 таси хориж сармояси иштирокидаги банклар.

Туркия банк тизимининг аҳамиятга молик хусусиятларидан бири унинг тузилишининг универсаллигидир. Бу тижорат банкларига молия бозорларида турли банк фаолиятини олиб бориш имконини беради. Тижорат банкларининг фақат кўчмас мулк билан тижорат мақсадларида олиб борадиган амалиётлари қонунчилик томонидан таъқиқланган.

1930 йили ташкил этилган Туркия Республикасининг Марказий банки банк-кредит тизимида алоҳида ўринга эга. Банк капиталининг ярмидан зиёди давлатга, шу жумладан 51%и бевосита Туркия хазинасига тегишлидир. Бундан ташқари, хорижда унинг 3 та бўлими очилган. Марказий банк вазифасига қуйидагилар киради:

- 1) ривожланиш режалари ва дастурларига мувофиқ давлатнинг пул ва кредит сиёсатини амалга ошириш;

- 2) миллий валюта ҳажми ва муаммосини тартибга солиш, қонун доирасида банкларни кредитлашни амалга ошириш;
- 3) банк қўйилмаларининг турлари ва шартларини белгилаш;
- 4) миллий валютанинг олтин ва чет эл валюталарига нисбатан курсини аниқлаш;
- 5) амалдаги қонунчилик асосида ва ҳукумат қарорлари доирасида давлатнинг иқтисодий манфаатларига мувофиқ ҳолда олтин ва миллий валюта захираларини бошқариш;
- 6) чет эл валюталари ва қимматбаҳо металллар билан бўладиган биржа амалиётларини амалга ошириш;
- 7) жамғарма маблағларни суғурталаш фондида бошқарувни амалга ошириш.

Марказий банк ўз вазифаларини бажариши учун фоиз ставкаларини, банклар учун қўйилмалар шартларини, чегара фоиз ставкаларини белгилаш, инвестицияларни тартибга солиш ва иқтисодиёт соҳалари ва секторлари бўйича банк кредитларини тақсимлаш ваколатига эга. Шунингдек, марказий банк иқтисодий ва молиявий маслаҳатчи ҳамда Хазинанинг молиявий инструменти вазифасини ҳам бажаради.

Туркия банк тизими капиталнинг юқори даражадаги жамлануви билан характерланади. Мамлакатдаги бешта йирик банкда барча активларнинг 54% и, депозитларнинг 56% и, кредит манбаларининг 59 %и жамланган. Агар 10та йирик банкни оладиган бўлсак, кўрсаткичлар шунга мувофиқ 79, 82 ва 81.5% бўлади. Давлат банкларининг камлигига қарамай, уларда банк капиталининг 50%и жамланган. “Ziroat Bankasi” , “Emlak Bankasi” , “Yapi kredi Bankasi” , “Akbank” банклари эса энг йирик хусусий банклар ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Россияда Туркия капитали иштирокидаги 5та банк фаолият кўрсатмоқда: “Финасбанк-Москва” , “Иқтисодбанк- Москва” , “Япыкреди-Москва” , “Гарантибанк-Москва” , “Ziroat Bankasi-Moskva”.

Ўзбекистонда эса 1994 йилдан буён қўшма ўзбек-турк “УТ-Банк” банки тўлақонли фаолият юритмоқда. Банк соҳасидаги ушбу ҳамкорлик икки мамлакат ўртасидаги молиявий тузилмалар ҳамкорликка ҳам асос солди. Айни пайтда ушбу банк кенг хизмат турларини кўрсатмоқда: касса амалиётлари, нақд ва нақдсиз валюта билан конвертация амалиётлари, шунингдек, аккредитивларни очиш ва уларга хизмат кўрсатиш йўли билан савдо битимларини молиялаш. Ўзбекистон банклари эса ҳозирча Туркияда ўз филиаллари ёки ваколатхоналарига эга эмас.

Туркияда хориж сармояси иштирокидаги банкни таъсис этиш ёки чет эл банки филиалини очиш учун Туркия Марказий банкида қарийб 12 миллион доллар миқдоридаги маблағни низом сармояси кўринишида депонентлаш лозим. Рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжат олинганидан кейингина чет эл банклари миллий банклар билан бир қаторда қонунчилик томонидан руҳсат этилган банк амалиётларининг барча турлари билан шуғулланишлари мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. И.А.Каримов. “Ўзбекистон –бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”,
2. И.А.Каримов. “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”.
3. И.А.Каримов, «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» Тошкент, 106-107 бетлар.
4. «Ўзбекистон 21 аср бўсағасида», И.А.Каримов, Тошкент-1999 йил.
5. “Вашингтон таймс” (АҚШ) рўзномаси (1991 йил 21-декабрь).
6. «Мировая экономика», Москва-2000 год.
7. «МЭ и МО» журналы, Москва, сентябрь 1998 йил.
8. «Ҳаёт ва иқтисод» журналы, Тошкент, 1998 йил.
9. «Экономика зарубежных стран», сборник, Высшая школа-1994 год.
10. “Statistical outline of Turkey 1998-99”, Туркия, Анкара, 2000 йил.
11. «Жаҳон мамлакатларида», Жаҳон ахборот агентлиги-1999 йил.
12. «Туркия-1999», Москва, 2000 йил.
13. «Заман» рўзномаси (Анкара, Туркия), 1991 йил, 18 декабрь.
14. Turkey-2000, Стамбул, 2001 йил.
15. «Азия и Африка», Москва, 1996-2001 йиллар.

Таянч иборалар:

1. Ялпи миллий маҳсулот.
2. Ялпи ички маҳсулот.
3. Иқтисодий ривожланиш модели.
4. Иқтисодиёт таркиби.
5. Молиявий тизим.
6. Конвертация.

7. Пул-кредит сиёсати.
8. Бевосита сармоя.
9. Билвосита сармоя.

Саволлар:

1. Туркиянинг иқтисодий географик ўрнига умумий тасниф.
2. Туркия иқтисоди ривожланишига таъсир кўрсатган омиллар.
3. Туркия моделининг ўзига хос хусусиятлари.
4. Жаҳон иқтисодида Туркиянинг тутган ўрни.
5. Туркия молия-банк тизимининг ривожланиши.
6. Ўзбекистон-Туркия ўртасидаги алоқалар.

Маъруза -2.

Мавзу: Туркиянинг иқтисодий ривожланиши

РЕЖА:

3. Туркиянинг иқтисодий ривожланиш хусусиятлари.
4. Туркияда валюта тизими.

1.Туркиянинг иқтисодий ривожланиш хусусиятлари.

Туркия иқтисодий ривожланишида 30-йилларда кузатилган таркибий ўзгаришлар урушдан кейинги ўн йилликда ҳам жадал ривожланишда давом этди. Унинг доимий тарақиқиёти (йилига ўртача 4-5%) нисбатан барқарор эди. Фақт охирги 50 йил мобайнида мамлакат бир қанча иқтисодий пасайишларни бошдан кечирган бўлиб (1949, 1954, 1979-1980, 1999, 2001 йиллар), бу кўп жиҳатдан ноқулай ташқи конъюнктура билан изоҳланади.

Агар 1948 йилда ЯИМнинг 50 фоизини қишлоқ хўжалиги, деярли 10 фоизини саноат ва 40 фоизини хизмат кўрсатиш соҳаси ташкил қилган бўлса, 2003 йилда қишлоқ хўжалиги 13 %га пасайди, саноат улуши (қурилиш соҳасини қўшганда) 26 %гача ўсди, хизмат кўрсатиш – 61 % бўлди.

90-йилларда Туркия ўзининг бир қанча ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари билан Шарқий ва Жанубий-Шарқий Европа мамлакатлари даражасига яқинлашди. Шу пайтнинг ўзида у Ғарбий Европа мамлакатлари анча

қолоқ ҳолатда эди. Шунинг учун Туркия янги индустриал мамлакатлар деб номланувчи мамлакатлар қаторига қўшилишга муваффақ бўла олмади. Унинг чекланган имкониятлари қувиб етиш суръатларини кучайтиришга имкон бермади ва бу бир қатор омиллар билан изоҳланади.

80-йиллар бошларигача Туркия импорт ўрнини босиш стратегиясини қўллаб-қувватлаган бўлиб, уни амалга оширишда асосий ролни давлат бажарган. Давлат сектори ёрдамида йирикроқ инфратузилма иншоотлари ва саноат корхоналари қурилган. Божхона протекционизми, бюджет томонидан субсидиялар ажратиш ва имтиёзли банк кредитларини бериш билан боғлиқ ҳолатдаги давлатнинг тадбиркорлик фаолияти замонавий хусусий тадбиркорликни тезда оёққа туриши ва ривожланиши учун қулай шароитлар яратиб берди.

80-йиллардан бошлаб Туркия экспортга йўналирилган моделга ўта бошлади, бир қатор хўжалик тармоқларидаги давлатнинг кескин тартибга солиш ва монопол ҳолатидан воз кечилди, Туркия иқтисодиётини очиқ рақобатбардош тизимга айлантириш ишлари бошланди, хусусий сектор иқтисодий ривожланишнинг асосий субъектига айлантирилди. У 90-йилларда илғор тадбиркорлик фаолиятини саноатда, банк-кредит тизимида, туризм индустриясида ва бир қатор бошқа тармоқларда намоён қилди.

Давлат доимий равишда ўз фаолиятини корхоналарни хусусийлаштириш, ўз инвестицияларини қисқартириш ва уларни саноат (энергетика, транспорт ва алоқа, ирригация ва шу кабилар) ва ижтимоий инфратузилма (бошланғич, ўрта ва қисман олий таълим, илмий тадқиқот ишлари, соғлиқни сақлаш ва бошқалар) объектларида чегаралаш билан қисқартириб бормоқда. 1984 йилдан бошлаб тахминан 170та компания хусусийлаштирилди. Аввалги тартибга солишни буйруқбозлик ва чекловчи услубларидан воз кечиб давлат диққат эътиборини стратегик режалаштиришга, илғор йўналишлар, ички ривожланиш вазифалари ва бошқа мамлакатлар билан минтақавий ва глобал даражада ўзаро ҳамкорлик қилишга қаратди. Ташқи ресурсларни жалб этилиши ишлаб чиқаришда ички манбалардан самарали фойдаланиш имкониятини берди.

2. Туркияда валюта тизими.

Туркия миллий валютаси Турк лираси (TRL) ҳисобланиб, 1 турк лираси 100 курушга тенг.

Туркия иқтисодиёти деярли икки ўн йиллик мобайнида юқори иқтисодий ўсиш даврларини ҳам, жиддий иқтисодий инқироз даврларини ҳам босиб ўтди. Туркия иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларидан бири юқори ва доимий инфляция ҳолати ҳисобланади. Айнан ушбу ҳолат билан боғлиқ равишда Туркия миллий валютаси 2005 йил 1 январдан бошлаб деноминация (пул қийматини ўзгартириш) қилинди. Мамлакат паламенти шундай қарорни қабул қилди. Туркия лираси олтига нолга қисқартирилди.

2-жадвал.

Туркияда инфляция даражаси, 1991-2003 йиллар (фоизда).

йил	1991	1993	1995	1997	1999	2001	2002	2003
	6	6,4	3,1	5,3	3,6	3,9	4,8	5,2

Манба: <http://www.tcmb.tr/> –Туркия Республикаси Марказий банки сайти, Статистика бўлими.

Тижорат банкларини хорижий валюталарга алмашинуви бўйича операцияларда иштирок этиши учун рухсат берилгандан ва резидентларнинг ўз ҳисоб-китоб рақамларини хорижий валютада очиш муҳимроқ эканлигини тушуниб етганларидан сўнг 1983 йил декабрида Туркия банкларининг хорижий валютадаги операциялари кенгайди ва хорижий валюта шаклидаги депозитлар “кенг қўламли пуллар” нинг таркибий қисми бўлиб қолди. Ушбу ҳолат, шу билан бирга юқори инфляция суръатлари оқибатида миллий валютага нисбатан ишончсизлик юзага келиб, иқтисодиётда юқори “долларизация қилиш” жараёни пайдо бўлди. Бунга албатта мамлакат миллий валютасининг юқори даражадаги инфляцияси сабаб бўлган Масалан, 2001 йил бошларида 1 АҚШ доллари 670 623 Туркия лирасига тенг бўлган бўлса, йил охирига келиб 1 448 704 лирани ташкил этган. Яъни миллий валютанинг қадрсизланиши 2,16 баробарга тенг бўлиб, инфляция даражаси 53 %дан ибоят бўлган.

3-жадвал.

Туркия лирасига нисбатан АҚШ долларининг курси (минг лира).

йил	1992	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003
\$	,8	9,7	5	1	52	60	20	23	225	505	493

Манба: <http://www.tcmb.tr/> –Туркия Республикаси Марказий банки сайти, Статистика бўлими.

2004 йил бошларида алмашинув курси 1АҚШ долларига 1 325 977 лирадан иборат бўлган. Ушбу ҳолат аввалом бор АҚШ долларини девальвация қилиш натижасида юз берди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Буниятов З.Н. Актуальные проблемы современной Турции М.1998
2. Маматказин А.Мухторов А экономика Турции: история и современность Т. 1993
3. Розалиев Ю.Н. Экономическая история Турецкой Республики М., Наука 1980
4. А.Х.Холматов Турция: Государство и рыночные отношения М, 1992
5. Шодиев Т.Ш. Рыночная экономика Турции Т., 1993
6. Ломакин В.К. Мировая экономика.2003
7. Ломакин В.К. Мировая экономика. Учебник для ВУЗов. М. Финанск, ЮНИТИ, 2004
8. <http://www.foreigntrade.gov.tr>
9. <http://www.tcmb.tr/> –Туркия Республикаси Марказий банки сайти, Статистика бўлими.

Таянч иборалар:

1. Ялпи ички маҳсулот.
2. Валюта.
3. Инфляция.
4. Конвертация.
5. Экспорт, импорт.
6. Квота.
7. Девальвация.

Саволлар:

1. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар.
2. Инфляцияни келтириб чиқаришга таъсир этаётган омиллар.
3. Туркия экспорт таркиби.
4. Туркия импорт таркиби.
5. Туркия ташқи савдо географиясининг ўзгаришига сабаб.

Мавзу: Туркияда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат.

Режа:

- 3. Туркиядаги иқтисодий ислохотларнинг макроиқтисодий натижалари.**
- 4. Туркияда инфляция ва ишсизлик масалалари.**

1. Туркиядаги иқтисодий ислохотларнинг макроиқтисодий натижалари.

Ҳозирги пайтда иқтисодий назарияда ва миллий иқтисодиётни макроиқтисодий тартибга солиш амалиётида бандлик ва барқарор сиёсатнинг анъанавий концепциялари билан бир қаторда монетар сиёсат, рационал тахмин ва иқтисодиёт таклифининг муқобил макроиқтисодий концепциялари кенг тарқалди. Неокейнсиан мактабининг ёрқин замонавий вакиллари бешта Нобел мукофотининг лауреатлари – Поль Самуэльсон, Франко Модильяни, Роберт Солоу, Джеймс Тобин ва Лоуренс Клейн ҳисобланади. 1976 йили иқтисодиёт бўйича Нобел мукофоти лауреати Милтон Фридман иқтисодий фаоллик ва нарх даражасини белгилашда пуллар муҳимроқ рол ўйнашини кўрсатувчи монетар сиёсатнинг эмпирик (тажрибага асосланувчи) ва назарий тадқиқотларини олиб боришни бошлади.

Кейнсианчиларнинг фикрига кўра эркин бозор тизими туғма иллатлардан азият чекаётган бўлиб, иқтисодий барқарорликни таъминловчи механизмдан маҳрумдир. Режалаштирилаётган инвестиция ва жамғармалар ўртасидаги номувофиқлик мавжуд бўлиб, улар даврий инфляция ёки ишсизликда акс этувчи иқтисодий фаолликни ўзгариб туришига олиб келади. Кўпгина бозорлар рақобатбардош бўлмай, улар нарх ва иш ҳақи ставкасини эгилувчанлигига олиб келмайди. Шундай экан умумий харажатларни ўзгариб туриши биринчи навбатда нархларга эмас, балки ишлаб чиқариш ва бандлик даражасига таъсир кўрсатади. Шунинг учун давлат иқтисодиётни барқарорлаштиришда фаол иштирок этиши лозим; муддатли фискал ва пул-кредит сиёсати кесин иқтисодий ўсиш ва пасайишларни камайтириш учун зарур, акс ҳолда унинг иқтисодий ўсиш жараёнларига таъсир кўрсатади.

Монетар концепциянинг моҳияти шундан иборатки, бозорлар етарли даражада рақобат ҳолатида ва бозор рақобатчилиқ тизими макроиқтисодий барқарорликнинг юқори даражасини таъминлайди. Шундай қилиб бозор

рақобатчилиги таъминлаётган нарх ва иш хақи ставкасининг эгилувчанлиги умумий харажатлар ўзгариши ишлаб чиқариш ва бандликка эмас, балки маҳсулот нархи ва ресурсларга таъсир кўрсатишига олиб келади. Шундай қилиб бозор тизими, агар унга давлат халақит бермаса, сезиларли даражада макроиктисодий барқарорликни таъминлайди. Давлатнинг минимал иш хақи ставки ҳақидаги қонуни, касаба уюшмаларининг фаолияти, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархини қўллаб-қувватлаш, бизнес манфаатларидаги монополия ҳақидаги қонунчилик, муддатли солиқ ва пул-кредит сиёсати ва бошқа чора тadbирлар нарх ва иш хақининг эгилувчанлиги, барча иқтисодий тизимни даврий ўзгариб туриши ва nobарқарорлигини келтириб чиқаради. Бу ердан монетаристлар шундай хулоса чиқарадилар: пул-кредит муассасаларининг бошқарувчилари реал ЯММ ўсиш даражасида пул таклифи ўсиш суръатини барқарорлаштиришлари керак (монетар коида).

1986 йил октябрида Эрзурумдаги Туркия палаталари Иттифоқининг йиғилишида Т.Озал сўзга чиқиб қуйидагиларни баён қилди:

“Аралаш иқтисодиёт бўйича сўз ўйини ниҳоясига етди. Ҳозирда аралаш иқтисодиёт мавжуд бўлмай, эркин иқтисодиёт тизими мавжуд, модомики унда ўйин қоидаси аниқ белгиланган ва ундаги ҳар ким ушбу қоидаларни билади. Иқтисодиётдаги давлат ролига келсак у ушбу қоидаларни назорат қилиб боришдан иборат – бозор фаолияти эркин амалга оширилмоқдами ёки маълум аралаштиришлар орқали чекланмоқдами... Агар ўтган 80 йил ичида ҳукумат тепасига келган иккита сиёсий йўналишни, улар концепциясини кўриб чиқсак, улар асосида аралаш иқтисодиёт ғояси ётади, улар ўртасидаги фарқ ёки давлат, ёки хусусий секторнинг кўп ёки оз даражадаги ролидан иборат. Шунинг учун мен шуни айтмоқчиманки: бундан буён унинг ўрнига эркин демократик тизим келди ва у Туркия тузилмасини ташкил қилади. Орқага қайтиш мумкин эмас. Ушбу эркин тизим барча бўғинларда фаолият юритилиши давр талаби. Бу албатта маълум бир вақтни талаб қилади.....

Умуман иқтисодий сиёсатдаги давлат роли, давлат сектори роли қанақа? Мен юқорида таъкидлаганимдек – давлат роли – бу маълум маънода иқтисодиётни бошқариш, бошқача айтганда иқтисодиётни ривожлантиришда қандайдир аниқ бир юкни олмаслик. Давлат – иқтисодиётда тақсимотчи, арбитр: хато қилиб қўймаслик учун у макродаражада аралашиб туради.

Давлат роли шундаки кимдир ўзига олиш имкониятига эга бўлмаган ҳолатларда давлат ўз зиммасига олади. Ўз моҳияти жиҳатидан давлат – ота эмас, у ўз муассасалари орқали халққа хизмат қилади. Хато қилинаётган томонлардан

бири шу: биз давлатни “отамиз” деб ҳисоблашда давом этсак, у бизни уришини ҳам тан олишимиз керак. Шундай фикрлашларни ўзгартиришимиз керак. Замонавий жамиятларда давлат ҳеч қачон ота ролини ўйнамаган. Биз ҳукумат сифатида давлат муассасалари орқали давлатни бошқарамиз ва халққа хизмат қиламиз.... маълум муддатгача давлат роли сақланиб қолади, аммо вақт ўтиши билан шундай кўринишлар ўзгаради. Умуман ишлаб чиқариш ва савдодаги давлатнинг иштироки тўғри эмас. Баъзи ҳолатларда истисно қилинади ва биз шундай истисноларни ўз дастуримизга қўшганмиз... Биз хоҳлаймизки, Туркияда бизнинг одамларимиз, корхона эгалари иқтисодиётни эгаллашлари керак. Биз номлаётган корхона эгалари сонига миллионлаб деҳқонлар киради. Чиндан ҳам уларда ер майдонлари йўқми, улар ўз нонларини ер туфайли олмаяптиларми?... Ўйламайларки, биз фақат йирик корхона эгалари билан биргамиз. Бизнинг йирик корхона эгалари билан бирга бўлишимиз биз майда ишлаб чиқарувчиларга қарши эканлигимизни англатмайди”.

Туркия барча иқтисодиётини бошқарилиши ва амалга оширилишида давлат секторининг роли ва аҳамияти ҳақида юқорида келтириб ўтилган маълумотларнинг гувоҳлик беришича, иқтисодий ислохотларни амалга оширувчиларидан бирининг баёноти бир-бирига зиддир. Туркияда бозор иқтисодиёти ўзи мавжуд бўлган. Унда ҳар доим хусусий мулк, тадбиркорлик фаолияти мавжуд бўлган. Бошқа томондан, баъзи мамлакатдаги сиёсий арбоблар ва олимларнинг таъкидлашларича, 80-йилларгача бу ерда импортни кескин чегаралаш ишлари амалга оширилган бўлиб, иқтисодий сиёсат ўз-ўзини таъминлашга йўналтирилган ва самарали божхона тўсиқлари билан қўллаб-қувватланган. Шундай сиёсат миллий иқтисодиётни комплекс равишда ривожланишига имкон берган. Аммо мамлакатда 70-йиллар охирларига келиб тез ва носоғлом урбанизация, ишсизлик, инфляция, иқтисодий ўсиш суръатининг пасайиши каби шундай ижтимоий-иқтисодий муаммолар бирданига кескинлашди.

Шундай шароитларда 1980 йил бошларидан бу ерда экспорт ҳажмини кескин кўпайтирилишига устунлик берилди, моля соҳасида ислохотлар ўтказилди, халқаро конъюктурани ҳисобга олган ҳолда валютани тартибга солиш ишлари амалга оширила бошланди. Шундай қилиб иқтисодиётга таъсир этиш бўйича кейнсиан услубларидан фойдаланган ҳолда хорижий капитал бозорини эркинроқ, очиқроқ амалга оширилиши учун шароит яратиб берилди. Аммо шунга қарамай 1980 йили кўзда тутилган ижобий натижалар юз бермай, жамиятда макроиқтисодий ва сиёсий нобарқарорлик бирданига кескинлашди.

Ҳарбий тўнтариш амалга оширилгандан кейин сиёсий кураш ва иқтисодий сиёсатнинг қонунчилигининг асосий иштирокчилари бўлган сиёсий партиялар фаолияти тўхтатилиб улар тарқатилиб юборилди. Шунга қарамай ҳарбийлар томонидан тузилган Миллий хавфсизлик кенгаши ҳукумат томонидан қабул қилинган барқарорлаштириш дастурини давом эттирди. Уни халққа мурожаатида таъкидланишича “ 1980 йил январидан қўлланилган барқарорлаштириш бўйича чора тадбирлар ижобий натижалар берди. Аммо ушбу тадбирларни тўла амалга ошириш учун зарур бўлган солиқлар ҳақидаги қонун ва меҳнатни тартибга солувчи қонунга ўзгартиришлар киритиш қонунчилик органини фаолият юритмаётганлиги ва сиёсий нобарқарорлик сабабли қабул қилинмади”. 1983 йил ноябрида ўтказилган парламент сайловлари ҳарбий диктатурани ниҳоясига етканлигини ва иқтисодий сиёсатда эркин бозор муносабатларига тамомила ўтганлигини англатади.

Ҳукумат томонидан ушбу сиёсатни амалга оширишнинг аниқ йўлларида қуйидаги ҳолатларга устунлик берилди: жамғармаларни рағбатлантириш ва капитал қўйилмалардан оқилона фойдаланиш; ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бозорни кенгайтириш, ташқи тўловлар барқарорлигига эришиш; экспортни ва миллий даромаддаги унинг улушини кўпайтириш; туризм, ишчи кучи экспорти, хориждаги воситачилик ва транспорт хизматлари каби шундай валюта тушумлари манбаларини қўллаб-қувватлаш, инфляцияни жудаям паст даражада ушлаб туриш; нарх барқарорлигини таъминлаш; иқтисодий, молиявий ва кредит сиёсатларини мувофиқлаштириш. Ушбу макроиқтисодий дастурни, яъни машҳур “иқтисодий ривожланишнинг Туркия модели”ни амалга оширишда Туркия эришган асосий ютуқларни кўриб чиқамиз.

Маълумки, инфляция ва ишсизлик кўрсаткичларини қўшган ҳолда миллий даромад ва ялпи миллий маҳсулотни ўсиш суръати миллий иқтисодиёт ҳолатини тавсифловчи асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳисобланади. Бизнинг фикримизча иқтисодиётни дефицит шароитларида биринчи режага етарли даражада иқтисодий ўсиш суръатини ва ушбу қўйилмалар учун зарур жамғармаларни таъминлаш ҳисобидан истеъмол бозорини товар ва хизматлар билан тўлдириш чиқади, албатта жамиятда сиёсий барқарорлик, қонунчилик ва ҳуқуқий тартибни сақлаш ҳисобидан. Бунда бозор иқтисодиёти шароитларида хусусий сектор ва барча аҳолининг иқтисодий фаоллигини оширилиши, умумий ишлаб чиқаришни яхшиланиши ушбу муаммони хал этишнинг асосий йўли ва услублари бўлиши лозим.

Таъкидлаш лозимки, биздаги мавжуд макроиқтисодий кўрсаткичлар тахлили ва давлат режалаштириш ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг режа ишланмаларида ўртача йиллик даромадлар хажми, киши бошига тўғри келувчи озиқ-овқат истеъмоли ва бошқа ҳисоб-китоблар ҳақидаги маҳаллий статистик маълумотлар мавжуд эмас, модомики улар аҳоли турмуш даражасини реал кўрсаткичлари ҳақида тўғри хулоса чиқариш имконини берар эди. Олтинчи беш йиллик режасида инфляцияга қарши кураш муаммосига бир бет ажратилган, 1992 йилга мўлжалланган дастурда ушбу масала бўйича махсус бўлим йўқ. Шунингдек кўпайиб бораётган ишсизлик муаммоси бўйича мукамал ишланмалар йўқ. Уларни биргаликда мавжуд бўлиши мамлакат иқтисодиётида, гарчи миллий иқтисодиётнинг маълум ўсишига эришилаётган бўлсада, стагфляция жараёнлари юз бераётганидан дарак беради. Шунинг учун таҳлил қилаётганимизда ушбу муаммони тавсифловчи баъзи билвосита маълумотлардан фойдаланишга тўғри келди.

Мисол учун аҳоли ўсиш динамикаси, иш билан банд бўлганлар ва ишсизлар сони, ЯММ ишлаб чиқаришни киши бошига тўғри келиш ўлчамлари ва меҳнаткашлар ўртасидаги ижтимоий қарама-қаршилиқлар ҳақидаги баъзи маълумотларни бериб ўтамиз. Инфляция билан бирга ишсизлик муаммоси ҳақида юқорида тўхталиб ўтдик. Ҳозир таъкидлаш керакки, аҳоли даромадларининг реал ўсиши (битта яшовчи аҳоли бошига инфляцияни ҳисобга олган ҳолда миллий даромад ишлаб чиқариш) миллий маҳсулотнинг умумий ўсишига нисбатан икки маротаба кам бўлган, ҳатто 1991 йили ушбу даромадлар олдинги йилга нисбатан янада пасайган. Ривожланган мамлакатлар кўрсаткичларига мувофиқ келмайдиган аҳолининг юқори ўсиш суръати эътиборимизни жалб қилади.

Албатта Туркия макроиқтисодий сиёсатини ривожланган давлатлар каби олиб бориши ижобий ҳолат. Аммо ушбу мамлакатлар билан ривожланиш даражаси ўртасидаги мавжуд фарқларни эсдан чиқармаслигимиз керак. Масалан, 1990 йил мобайнидаги ишлаб чиқариш бўйича маълумотларни таққослаганимизда йилига бир аҳоли ҳисобидан шартли соф маҳсулот ишланмаси АҚШда 45 минг долларни, Японияда – 31,5 минг, Германияда – 39 минг, собиқ СССРда – 13 минг, Туркияда – 12,5 минг ва Ўзбекистонда – 9,4 минг долларни ташкил қилган. Ушбу йилда аҳоли бошига товар ва хизматлар истеъмоли АҚШда 16175 доллар, Японияда – 10725, Германияда – 1200, собиқ СССРда – 3530, Ўзбекистонда – 3200 доллардан иборат бўлган (маълумотлар мамлакат иқтисодиётини таҳлил қилиш учун БМТ томонидан қўлланилаётган ялпи ички маҳсулот услуги бўйича ҳисобланган. Қаранг: Деловые люди. №1. 1992 йил).

Ҳалқаро бозорга миллий иқтисодиётнинг очиқлиги ўз ичига нафақат юқорироқ ишлаб чиқаришни, балки ўз аҳолисини юқори даражадаги истеъмолини ҳам олувчи ривожланган мамлакатлардаги нархлар бўйича импорт қилинаётган маҳсулот нархларига ўтишни тақозо қилади, шунингдек давлат дотациялари томонидан қўллаб-қувватланаётган истеъмол товарлари нархининг нисбатан паст даражаси кўп ҳолларда ривожланаётган мамлакатларга буни амалга ошириш имконини бермайди (Туркияда ишлаб чиқариш қуввати Германияга нисбатан 3,1 баробарга, истеъмол даражаси эса 3,4 баробарга кам). Ривожланиш даражасини тенглаштиришга фақатгина миллий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш орқали эришиш мумкин. Шунинг асосида замонавий енгил автомобиллар, мураккаб электроника ва маиший техника, умуман барча ғарб цивилизацияси эришган маҳсулотлар импортсиз умумий истеъмол даражасини ошириш мумкин.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, саноат, агросаноат комплекси, ташқи иқтисодий алоқалар, пул-кредит сиёсати ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларини ривожлантириш бўйича Туркиянинг олиб бораётган макроиқтисодий сиёсати асосан давлат томонидан тартибга солиш ва иқтисодиётга давлат аралашувига асосланади. Ушбу ҳолатда иқтисодиётни бюджет томонидан тартибга солиш бўйича неокейнсиан услубларига катта аҳамият берилди. Ушбу тадбирларнинг барчаси истиқболда мамлакатни ривожлантириш ва унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган хусусий инвестицияларнинг ўсишини ва мамлакатдаги барқарорликни таъминлайди. Шунинг ҳам ҳисобга олиш керакки, ушбу натижаларга аҳоли турмуш даражасини жудаям паст суръатлари ҳисобидан эришилмоқда. Баъзида эса меҳнаткашлар аҳволи ёмонлашиб, бу жамиятда маълум ижтимоий кескинликни келтириб чиқарди, улар оқилонга ташвиқот ва самарали маъмурий-ҳарбий аппарат ёрдамида бартараф этилмоқда.

2. Туркияда инфляция ва ишсизлик масалалари.

Маълумки, ҳар қандай миллий иқтисодиётни самарали амалга оширилишининг муҳим кўрсаткичларидан бири инфляция ва аҳолини бандлик даражаси ҳисобланади. Инфляциянинг юзага келиши бу қоғоз пуллар харид имкониятининг пасайиши бўлиб, деярли жаҳоннинг барча мамлакатлари аҳолисига яхши таниш ва хориж иқтисодий назарияларида етарли даражада чуқур ўрганилган. Бошқа томондан социалистик тизим иқтисодиётидаги уни мавжуд бўлиши узоқ вақтлар инкор қилинган бўлиб, бизнинг одамлар давлат савдосидаги

нархлар барқарорлигига нисбатан ўрганиб қолган эдилар. Ваҳоланки, инфляция жараёнлари доимий равишда истеъмол товарларининг очик бозорини қискартириш ва миллий иқтисодиётнинг очик (қора) бозорига уларни кўпроқ кириб келиши билан юз берган. Деҳқон бозорларига келсак, улар ҳар доим эркин нарх белгилаш тизимида фаолят юритиб келганлар.

Миллий иқтисодиётдаги инфляция сабабларини аниқлаш албатта жудаям мураккабдир. Улар нафақат ортикча қоғоз пулларни купайиб кетиши, яъни пул эмиссияси, билан, балки иқтисодиётдаги улкан тузилмавий нуқсонлар, товар ишлаб чиқаришнинг пасайиши, меҳнат бозорини нораціонал ташкил этилиши ва бошқа кўплаб омиллар билан ҳам боғлиқ. Айниқса биз учун кескин инфляция шароитида бир неча йиллар мобайнида фаолият юритаётган Туркия иқтисодиёти тажрибасини ўрганиш жудаям қизиқиш уйғотади. Бунда биз уни аҳоли бандлиги билан мувофиқ равишда кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлаймиз, чунки кўпгина таниқли иқтисодчиларнинг ишларида ушбу муаммолар бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги кўрсатиб ўтилади.

Инфляция муаммоси бевосита бошқа валюта курсларига нисбатан миллий валюта курсини ва пул муомаласининг ҳолати билан боғлиқ. Бошқа кўпгина мамлакатларда, шунингдек Туркияда ҳам шундай таққослаш учун АҚШ долларидан фойдаланилади, модомики ушбу давлатлар валюта заҳираларининг деярли 70%и ушбу пул бирлиги ҳисобидан шаклланади. Қуйида биз турк лирасини бир неча йиллар мобайнидаги АҚШ долларига нисбатан курсини жадвал орқали бериб ўтаимиз.

1-жадвал.

Турк лирасига нисбатан АҚШ долларининг курси (минг лира).

йил	1992	1994	1996	1998	1999	2000	2001	2002	2003
\$	1,8	9,7	1	60	20	23	225	505	493

Манба: <http://www.tcmb.tr/> –Туркия Республикаси Марказий банки сайти, Статистика бўлими.

Бериб ўтилган маълумотлардан кўриниб турибдики, АҚШ долларига нисбатан турк лирасининг курси тахминан 220 баробарга кўпайган. Аммо ушбу маълумотлар бир вақтнинг ўзида мамлакат ялпи миллий маҳсулотининг ўсиши (1,7 баробар) ҳақида, ишчиларнинг реал даромадларининг ўсиши (1,3 баробар), хусусий инвестицияларнинг тўхтовсиз ўсиши (2 баробар), аҳоли бандлик даражасининг ошиши ва ишсизликнинг пасайиши (11,6%дан 7,1%гача) ҳақида

гувоҳлик беради. Бунинг усага мамлакатдаги инфляция жараёни товар бозорини маҳаллий ва импорт маҳсулотлари билан жудаям тўлдирилган ҳолатларида юз бермоқда.

Шундай ҳолат иқтисодий назарияда инфляция жараёнларини классик аниқлаш билан жудаям мувофиқ келмайди. Масалан, юқорида кўрсатиб ўтилган банк фойзининг юқори ставкаси инвестиция ҳисобидан чекланиши лозим эди, аммо улар ўсмоқда. Кўриниб турганидек мамлакатда инфляцияни юзага келтиришига ҳалқ хўжалигининг барча тармоқларининг моддий-техник базасини жадал ривожлантиришга катта аҳамият бераётган ҳукуматнинг иқтисодий сиёсати ва эҳтимол ҳарбий-саноат мажмуасини ривожлантирилиши ва шу билан боғлиқ равишда давлат харажатларининг кўпайиши таъсир кўрсатмоқда.

Чамаси шундай ҳолатда “бевақт” инфляция юзага келади. Яъни фаолият кўрсатмаётган меҳнат ва моддий ресурсларнинг сони тугаши билан иқтисодиётнинг айрим секторларида узилиш юз беради ва корхоналар ўз товарларига бўлган талабнинг ошишига жавоб бера олмайдилар. Бундай ҳолатда улар импорт ресурслари камомадини ёпиш учун янги ишлаб чиқариш объектларини барпо эта бошлайдилар (бизнинг фикримизча импорт миқдорининг тез ортиб кетиши бунга гувоҳлик беради) ва бир вақтнинг ўзида ишчилар ойлик маошларини кўпайтирадилар. Инфляция талаби миллий иқтисодиётда жуда ҳам кўп миқдордаги умумий харажатларни пасайтирмагунча давом этиши мумкин. Чунки мамлакатда улар асосан ҳукумат ва йирик компаниялар томонидан амалга оширилмоқда.

Аҳоли бандлигини ошириш бўйича мамлакатда олиб борилаётган асосий йўналишларга тўхталиб ўтсак. Мамлакатда ишсизлик категориясини аниқлашга бўлган ёндошувлар ривожланган мамлакатларда қўлланилаётган ҳолатларга яқин. Фаол иш қидираётган, бунинг учун мувофиқ органларга мурожаат қилаётган ва таклиф этилган шароитларда ишлашдан бўйин товламаётган шахслар ишсизлар ҳисобланади. Бошқа томондан мамлакатда меҳнат биржалари мавжуд эмас. Ишсизларни аниқлаш меҳнатга лаёқатли аҳолидан анкета олиш ёрдамида аниқлаштирилиб, охириги 1988-1989 йилларда амалга оширилган. 15 ёшдан юқори бўлган аҳоли меҳнатга лаёқатли бўлиб, 1988 йилгача улар сонига 12 ёшдан катта бўлган ўсмирлар ҳам кирган.

**Меҳнатга лаёқатли ишсизлар сони ва Туркия иқтисодиёти тармоқларидаги
бандлик ҳолати (минг киши).**

Йиллар	Давлат сектори				Умумий бандлар сонидан ... банд			
	Меҳнатга лаёқатли	ишловчи лар	ишсиз лар	Ишсизлик %да	Қишлоқ хўжалиги да	Саноат	Хизмат кўрсатиш	Шунингдек тижоратда
1990	20677	19209	1468	7,1	9176	2929	7104	2153
1991	20707	19237	1470	7,1	9602	2869	6766	2105
1992	21057	19541	1516	7,2	9380	2931	7230	2241
1993	22088	20564	1524	6,9	9870	3085	7609	2359
1994	22506	20930	1576	7,0	10046	3140	7744	2401
1995	22984	21329	1655	7,2	10238	3140	7951	2465
1996	23303	21599	1704	7,4	10367	3240	7992	2478
1997	23708	21882	1826	7,7	10503	3282	8097	2510
1998	24065	22236	1829	7,6	10673	3354	8209	2545
1999	24680	22854	1826	7,4	10970	3428	8456	2622
2000	25120	23261	1859	7,4	11165	3489	8607	2668
2001	25987	24090	1897	7,3	11563	3613	8914	2763

Манба: <http://www.tcmb.tr/> –Туркия Республикаси Марказий банки сайти, Статистика бўлими.

Ушбу маълумотлар ишсизлик даражасининг пасайиш тенденциясини яққол намоён қилади. Бундай ҳолатга асосан қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганлар сонини ўсиши ҳисобидан эришилмоқда. Иқтисодиётнинг аграр секторидаги ишчи кучининг жудаям кўпайиб кетиши индустриал ривожланган мамлакатлар тузилмасига унинг тузилмаси мувофиқ келмаслигини англатади. Миллий хўжаликнинг хизмат кўрсатиш сектори ҳам мутаносиб равишда ривожланмаган.

Фридрих Хайекнинг фикрига кўра инфляциянинг юқори суръати ва иқтисодиётнинг нобарқарорлиги шароитларида ҳар қандай мамлакат ҳукумати қуйидаги иқтисодий сиёсатнинг учта вариантыдан фақат бирини танлаб олиши мумкин:

1. Очiq инфляцияга имкон бериш ва ушбу ҳолат барча иқтисодий фаолиятнинг тўла бузмасдан туриб тезликда иқтисодий ривожланишга эришиш.
2. Вақт ўтиши билан давом этаётган инфляцияга сезиларсиз таъсир кўрсатувчи ойлик маош ва нархлар устидан назорат ўрнатиш, аммо бу

бизни марказлашган режалаштиришга, тоталитар иқтисодий тизимга олиб келади.

3. Пул массасининг ўсишини қатъий бартараф этиш, яъни бунда ишсизликнинг юзага келишини олдини олиш, меҳнат ресурсларини жойлаштиришдаги барча тўсиқларни олиб ташлаш.

Ҳозирда Туркия ҳукумати биринчи ва иккинчи йўлда юрибди. Эҳтимол у иқтисодиётда давлат секторининг солиштирма оғирлиги юқори бўлган, ишлаб чиқариш аппаратини ислоҳ қилишдаги аниқ вазифаларни ечиш ва иқтисодий ўсиш учун марказлашган режалаштириш принципларини кенг қўллаётган ушбу мамлакатнинг аниқ шароитларида исботлангандир. Таъкидлаш лозимки, инфляция даромадларни қайта тақсимлашга катта таъсир кўрсатади. Ушбу ҳолатда фиксация қилинган даромадларга эга одамлар ёмон аҳволга тушиб қолади – айниқса, нафақахўрлар, давлат хизматчилари, модомики инфляция тўхтовсиз ошиб бормоқда, даромадларни индексациялаш эса йилига икки маротаба ўтказилади. Айниқса йилига икки марта ҳосилини йиғиб олувчи қишлоқ хўжалиги тармоғидаги ишчилар жудаям ноқулай аҳволда қолиб, ўша пайтда олган даромадаларини йил бўйи сарф қилишга мажбур бўладилар. Ишлаб чиқаришнинг даромадсиз тармоқларида ишлаётган ишчилар ҳам шундай ҳолатга тушиб қоладилар.

Инфляция жараёнидан фиксация қилинмайдиган даромадга яшовчи одамлар ютади – савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишчилар, тадбиркорлар, шунингдек нархи давлат томонидан белгиланмайдиган ҳар қандай маҳсулот ишлаб чиқарувчилар. Инфляция оқибатида бошқа даромад олувчи фирмалар ўз маҳсулотлари нархини олдиндан ошириб оладилар ва шунинг натижасида ўз даромадларини кўпайтирадилар. Бу эса давлат секторини хусусийлаштириш жараёнини тезлаштириш ва ўзининг моддий-техник базасини ривожлантириш учун зарур бўлган хусусий сектор капиталини жадал жамғарилишини таъминлайди.

Бир пайтнинг ўзида жамғармаларни тўплаш муаммоси ҳам жиддий равишда кескинлашди. Оддий жамғарма капиталлари бўйича банк фоиз ставкалари даражаси паст ҳолатда бўлиб, муддатли қўйилмалар 60%га кўтарилиб кетди. Бу банкларга нақд пуллар тушумининг рағбатлантиради, аммо кредит берувчиларнинг ҳолати бирданига ёмон ҳолатга тушиб қолди. Шундай шароитларда айниқса ўз активларидан самарали фойдаланаётган хусусий корхона

бошқарувчилари ва эгаларининг роли ошиб, қисқа вақт ичида улар ёки бойиб кетадилар, ёки молиявий ҳалокатга чидайдилар.

Туркия матбуотида йирик ходинглар таркибига кирувчи қатор компанияларнинг банкротлиги ҳақидаги маълумотлар чоп этила бошланди. Хорижий капитал иштирокида қайта ташкиллаштирилган “Сампаи-холдинг” аралаш компания таркибига кирувчи “Гюней санаи” тўқимачилик компанияси ўзининг молиявий ночорлигини эълон қилди. Малумот берилишича 160дан ортик хусусий фирмалар давлатга молиявий ёрдам кўрсатиши ҳақида мурожаат қилганлар.

Умуман мамлакатда 1995-2001 йиллардаги харажатларнинг юқори даражаси ишлаб чиқаришнинг юқорироқ даражасига эришиш ва юқори инфляция шароитида ишсизлик даражасини пасайтириш (расмий маълумотларга кўра) имкониятини берди. Шундай беқарор макроиктисодий номутаносиблик қачонгача давом этишини яқин келажак кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Буниятов З.Н. Актуальные проблемы современной Турции М.1998
2. Маматказин А.Мухторов А экономика Турции: история и современность Т. 1993
3. Розалиев Ю.Н. Экономическая история Турецкой Республики М., Наука 1980
4. А.Х.Холматов Турция: Государство и рыночные отношения М, 1992
5. Шодиев Т.Ш. Рыночная экономика Турции Т., 1993
6. Ломакин В.К. Мировая экономика.2003
7. Ломакин В.К. Мировая экономика. Учебник для ВУЗов. М. Финанск, ЮНИТИ, 2004
8. <http://www.foreigntrade.gov.tr>
9. <http://www.tcmb.tr/> –Туркия Республикаси Марказий банки сайти, Статистика бўлими.

Таянч иборалар:

1. Ялпи миллий маҳсулот.
2. Ялпи ички маҳсулот.
3. Ишсизлик.
4. Бандлик.
5. Инфляция.

Саволлар:

1. Инфляция муаммосини ҳал этишнинг назарий ҳолатлари.
2. Туркияда ишсизлик муаммосини ҳал этишдаги давлат тадбирлари.
3. Миллий иқтисодиётни макроиқтисодий тартибга солишнинг назарий асослари.
4. Туркия иқтисодий ривожланишида фойдаланган назарий асослар ва ўзига хос хусусиятлари.

Маъруза -4

Мавзу: Туркия саноатининг ривожланиши.

РЕЖА:

6. Туркия саноатига қисқача тасниф.
7. Қайта ишлаш саноати ва энергетика.
8. Мамлакат тўқимачилик саноатининг ривожланиши.
9. Мамлакат иқтисодиётида енгил саноатнинг ўрни.
10. Енгил саноат маҳсулотлари бозорида Туркия Республикасининг эгаллаган мавқеи.

1. Туркия саноатига қисқача тасниф.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги кунда Туркия –таракқиётга юз тутган мамлакат. Шунинг ҳам эсга олиш керакки, собиқ Иттифоқига 5 миллиард АҚШ доллари қарз берган ҳам Туркия мамлакатидир. Ҳозирги кунда аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллийдаромиди 2650 долларни ташкил этади, бу анча юқори кўрсаткич, албатта, ёки Туркияда бир ойлик маошга 16 программали замонавий кўп тармоқлари телевизорни харид олиш мумкин.

Туркия ўтган йили 15 минг юк ташувчи, 125 минг дона енгил машина, 15 миллион тонна ғалла, 3 миллион тонна нефть, ва кўплаб миқдорда қишлоқ хўжалиги ва ҳилма-ҳил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарди.

Туркиянинг аҳолисини меҳнатга лаёқатли аҳолисининг 55 фоизига яқини қишлоқ хўжалиги тармоқларида фаолият кўрсатишади.

1933 йилда Туркияда 1-шакар заводи ишга тушади ва шу йили мамалкатда иккита йирик тижорат банклари, яъни “Этибанк” ва “Сумербанк” очилади.

1965 йилда ҳукумат импорт товарларини чегаралаш, ҳамда импорт товарларини мамалкатнинг ўзида ишлаб чиқаришга катта аҳамият берди.

Туркия йилига ўртача 350 минг дона автомобиль, юк ташувчи автомобил-50 минг, рангли телевизорлар-4 млн. дона, пўлат-21 млн.тонна, нефть-3,5 млн.тонна, кўмир-4,5 млн.тонна ишлаб чиқаради.

Туркияда энг 1- энгил автомобил заводи 1954 йилда ишга туширилди ва унинг номи “Турк Виллас Оверланд Лтд”. 1955 йилда юк машиналарини ва 1963 йилда автобуслар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Кейинроқ мамлакатда, яъни 1971 йилда TOFAS (FIAT, Италия) ва OYAK-RENAVLT (Франция) компаниялари билан тузилган қўшма корхоналар асосидаги заводлар автомобил ишлаб чиқара бошлашди. Ҳозирги пайтда мамлакатда 16 та компания автомобил ишлаб чиқармоқда. Ушбу жами компанияларнинг автомобил ишлаб чиқариш қуввати 1 йилда 1 млн.машина ишлаб чиқариш қувватига эгадир.

Туркиядаги ҳозирги пайтдаги энг йирик ГЭС бу Кебан ГЭСидир. У 1974 йилда Евфрат дарёсида қурилиб ишга тушган, унинг қуввати 1360 МВт. ташкил қилади.

Туркиянинг тўқимачилик саноатининг ишлаб чиқарилиши ва уларнинг сифати бўйича жаҳон ҳўжалигида 6-ўринда туради.

Жун ва шун маҳсулотлари ишлаб чиқариши бўйича дунёда 3-ўринда туради.

Машинасозлик тармоғи ривожланишининг энг асосий даври бу 2-беш йиллик ривожланиш режаси даврида, яъни 1968-1972 йилларда бўлди.

Туркия Европанинг ювелир мраказига айланган. Ҳозирда мамлакатда 6 мингдан зиёд турли хил корхоналар томонидан ювелир ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд. Ҳозирги пайтда 200-240 тонна атрофида ювелир тақинчоқлари ва буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. Туркияда “Тилло” ёки “Олтин”биржаси 1995 йилда Истамбулда ташкил этилган. Туркиянинг оммавий – ахборот воситаларнинг сўзларига қараганда ҳозирда Туркия аҳолисида тахминан 4-5 минг тонна атрофида тилло шахсий мулк сифатида сақланмоқда. Демак, Туркия шахсий тилло захираларини ҳисобга олганда дунёда Ҳиндистондан кейин 2-ўринда туради. Бундан ташқари, Туркия йилига ўртача 60 тонна атрофида ювелир тақинчоқларни ва буюмларни хорижлик сайёҳларга сотмоқда.

Туркия статистик бюросини маълум қилишича, саноатда 2005 йили қуйидаги ўсиш суръатлари қайд қилинган: биринчи квартал – 6,1%, иккинчи квартал – 3,1%, учинчи квартал – 4,5% ва тўртинчи квартал – 7,8%. Умуман йиллик ўсиш 5,3%ни ташкил қилиб, 2005 йил учун ҳукумат томонидан мақсад қилиб қўйилган беш фоизлик ўлчовдан ошиб кетди. Хусусий сектордаги ўсиш давлат секторига нисбатан юқори бўлган: 6,7%га нисбатан 8,1%. Саноат секторлари бўйича маълумотлар қуйидагича: юқори суръатлар тоғ-кон саноатида

кузатилади (16,6%), ундан кейин ёқилғи-энергетика комплекси (8,8 %) ва ишлаб чиқариш тармоғи (7,4%) келади.

2. Қайта ишлаш саноати ва энергетика.

1950-60 йилларда мамлакатни саноатлаштириш жараёни юқори суръатларда ривожлана борди. 1970 йилларда қайта ишлаш тармоқларида барча ишчи кучининг 15%и, 1993 йили – 21%, ЯММдаги уларнинг хиссаси 1952 йилги 12%дан 1995 йили 30,6% гача ўсди. Туркия Европа Иттифоқи билан божхона шартномасини имзоласдан туриб (1996 йилдан аввал), мамлакат саноати сезиларли даражада хорижий рақобатдан турли тариф ва квоталар орқали ҳимоя қилинган бўлиб кўпгина маҳаллий товарларнинг нархи сунъий равишда кўтарилган эди.

Барча саноат ишлаб чиқариш ва унда банд бўлган аҳолининг деярли $\frac{3}{4}$ қисми Истамбул ва Измирда, шунингдек Мармар ва Эгей денгизининг қирғоқ районларида жойлашган. Бошқа муҳим саноат марказлари бўлиб Анқара, Чукурова райони, шунингдек Қора денгиз қирғоғидаги Зонгулдак (тошкўмир қазиб олинади) ҳисобланиб, Карабюк ва Эрегли шаҳарлари яқинида иккита йирик металлургия комбинатлари қад ростлади. Мамлакатнинг барча ҳудудлари бўйича ишлаб чиқаришга улкан хисса қўшувчи кўплаб катта бўлмаган орхоналар жойлаштирилган. Тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати Туркия саноатининг илғор тармоқлари ҳисобланади.

Нефтни қайта ишлаш Батма, Измит, Мерсиндаги Алиага районида амалга оширилади.

Мамлакатда табиий газ қазиб олиш 90-йиллардан бошланган. Газга бўлган эҳтиёж Анқара, Истамбул, Измаиладаги газ заводларининг маҳсулотлари ва қайта ишлаш заводларидаги сиқилган йўлдош газлар ҳисобидан қондирилмоқда.

Минерал ўғитлар, асосан фосфат ва азот, ишлаб чиқариш Измир ва Истамбул районларида жойлашган.

Резина саноати автомобил шиналарини ишлаб чиқариш бўйича тўртта замонавий заводлар орқали намоён бўлади. Хусусий корхоналарда мотоцикл ва велосипедларнинг покришка ва камерлари ишлаб чиқарилади. Бошқа тармоқ – бу оёқ-кийим резинаси, шунингдек резинотехник буюмлар.

Қора ва рангли металлургия. Қора металллар ишлаб чиқариш учта йирик давлат корхоналарида амалга оширилади – Карабюк, Эрегий ва Искандария комбинатлари. Охиргиси чўян қуйиш ва мис эритиш билан ҳам шуғулланади.

1993 йили чўян қуйиш деярли 10,3 миллион тоннага етди. Алюминий саноат корхоналари ҳам мавжуд. Умуман рангли металллар ишлаб чиқариш ўсиб бораётган талабни қондира олмапти.

Машинасозлик ва электротехника саноати дастлаб йиғув корхоналарини ташкил этиш орқали ривожланди. Айниқа ушбу тармоқда хусусий капиалнинг иштироки фаолдир. *Машинасозлик тармоқлари:* транспорт воситаларини йиғиш ва ишлаб чиқариш, темир йўл транспорти воситаларини қурилиши, темир йўллар, вагонлар, музлатгичлар, дизель-моторлар ишлаб чиқаришдир. Верфларда (кемалар қуриладиган ёки ремонт қилинадиган корхона) шаҳар ва каботаж(ички портлар ўртасида) линиялар учун кемалар ишлаб чиқарилади. Ускуна ва эҳтиёт қисмларнинг катта қисми импорт қилинади. Туркия ўрта ва йирик кемаларни хориждан сотиб олади.

Станоксозлик қайта ишлаш саноатининг тармоғи бўлиб, мамлакатда ташкил этилганига хали кўп вақт бўлгани йўқ. Токарли, фрезерли, сверлоли станокларнинг баъзи моделларини йиғиш ғарб фирмаларининг лицензияси асосида амалга оширилади. Буг қозон ва музлатгич ускуналари, саноат газ печлари яхши жиҳозланган хусусий фирма корхоналарида тайёрланади. Хусусий сектор хорижий капитал билан ҳамкорликда маиший техникаларни ишлаб чиқаради – газ печлари, плиталар, тикув машиналари, велосипедлар, калориферлар(иссиқ сув, буг ёки иссиқ ҳаво ўтадиган трубалардан иборат иситиш мосламаси).

Электротехника саноати ҳам ривожланмоқда. Электр ўлчагич, маиший электр приборларни ишлаб чиқариш ғарб фирмаларининг лицензияси асосида амалга оширилади. Радио ва электроника саноати сезиларли суръатда ривожланмоқда – телефон, радио ва телетехника, электроника аппаратларини ишлаб чиқариш, компьютерлар йиғиш.

Электроэнергетика. Туркияда энергетика объектларини қуриш, ишлатиш ва электр энергияни тақсимлаш расмий равишда давлат қўлидадир. Агар 1960-70 йилларда асосан электр энергетикани ривожлантириш қуйиқ ёқилғи (нефт) асосида амалга оширилган бўлса, ҳозирда ўзидаги мавжуд энергия манбаларига асосланмоқда: лигнит (паст нав қўнғир тошқўмир), гидроресурслар, табиий газ, геотермал куёш энергияси ва шамол энергияси.

Электр энергияни ишлаб чиқариш 1963 йилги 4 млрд. квт/соатдан 1995 йили 86,3 млрд. Квт/соатгача етди. Унинг катта қисми саноат корхоналарида истеъмол қилинади, аммо маиший эҳтиёжлар учун ҳам унинг истеъмоли ошиб бормоқда. Маълумки, аҳоли пунктлари, қишлоқ жойларини ҳам қўшган ҳолда,

электрлаштирилган. 1995 йили мамлакатдаги барча электр энергиянинг 3/5 қисми иссиқлик электр станциялари(ИЭС)да, қолган қисми эса гидростанцияларда ишлаб чиқарилган. Туркияда йирикроқ гидроэнергетика объектлари бўлиб Евфрат дарёсидаги Кебен ГЭСи ва Кизил-Ирмак дарёсидаги Хирфанли ГЭСи ҳисобланади.

Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида тадқиқотлар олиб бориш учун атом энергияси бўйича Комиссия фаолият олиб бормоқда. АЭС қурилиши бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Мамлакатда 50та ГЭС ва 30та ИЭС мавжуд. 90-йилларда электр энергия ишлаб чиқариш 54,3 млрд. квт/соатни ташкил қилиб, аҳоли жон бошига 926 квт/соат тўғри келган. Мамлакатда электр энергия танқислиги мавжуд.

3. Мамлакат тўқимачилик саноатининг ривожланиши

Индустриал-аграр мамлакат ҳисобланган Туркия иқтисодиётида сўнгги йилларда бир қадар барқарорлашув кузатилди. 2001 йилдаги оғир молиявий инқирозни бошидан кечирган мамлакат 2002 йилда давлат бошига келган янги ҳукумат бошчилигида халқаро молиявий институтларнинг иштироки ва назорати остида иқтисодий барқарорлашув дастурларини ишлаб чиқди ва изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишга киришди. Барқарорлаштириш сиёсатининг асосий воситаси бўлган иқтисодиётни тубдан либераллаштириш сиёсатини ва Жаҳон Банки томонидан Туркия учун ажратилган 13.6 млрд. доллар миқдорида мислсиз молиявий ёрдам асосида ХВФ тавсиялари бўйича кескин пул сиёсатини амалга оширди.

1-жадвал.

Ялпи ички маҳсулот

	2001	2003	2004
Трлн. Лира (1987 й.даги нархларга қийёсласанда)	107.8	123.1	135.8
ЯИМнинг ўсиш суръатлари	– 10.5 %	5.9 %	9 %

<http://www.itkib.org.tr/> Istanbul Textile & Apparel Exporters Union

Амалга оширилган тадбирлар сабабли мамлакатнинг тўлов балансининг нисбий мувозанати ва 2001 йилдаги инқироз сабабли хорижга чиқиб кетган капиталнинг бир қисмини орқага қайтариш учун бир қадар ўзига торта олувчи муҳит яратишга, бир қатор ислохотларни тугатишга эришилди, шунингдек, мамлакат фонд бозорини парчаланиб кетишининг олдини олинди ва анча юқори макроиқтисодий кўрсаткичларга эришилди. Юқоридаги жадвалда келтирилган

маълумотларга кўра инфляция суръатлари 68 %дан 20 %гача камайди, олтин-валюта захираси 25 млрд. АҚШ долларида 35 млрд. АҚШ долларигача, ЯИМ 2003 йилдаги 5.9%дан 2004 йилда 9% га ошганини кўриш мумкин. Саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари куйидаги жадвалда келтирилган:

2-жадвал.

Саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари
(1997 й.га нисбатан)

Йиллар	Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари			Ўзгаришлар (%)		
	Давлат сектори	Хусусий сектор	жами	Давлат сектори	Хусусий сектор	жами
2001	89.6	93.2	92.4	-	-	-
2002	93.8	104.8	102.5	4.7	12.4	10.9
2003	95.8	116.3	112.0	2.1	11.0	9.3
2004	95.4	131.1	123.6	-0.4	12.7	10.4

<http://www.itkib.org.tr/> Istanbul Textile & Apparel Exporters Union

Шу билан бир қаторда кескин пул-кредит сиёсати шароитларида товар ва хизматлар ички бозорида унчалик жонланиш сезилмади: ЯИМнинг тахминан 5% ини реализация қилинмаган захиралар ташкил этди, пул массасининг ҳақиқий ҳажми эса М2 агрегати бўйича 3%га пасайди. Шунингдек, Туркия компанияларининг умумий биржа қиймати 2002 йил давомида 47 дан 34.4 млрд. АҚШ долларига пасайди, 2003 йилда эса 56 млрд. АҚШ долларигача ўсди. Кредит бозори ҳам торайди: банклар-резидентлар томонидан бериладиган кредитлар ҳажми 19.2 млрд. АҚШ долларига тушиб кетди.

Бир томондан кредит бозорининг торайиши ва молиявий бозорларнинг танқислиги билан иккинчи томондан ЯИМнинг ва саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши ўртасидаги зиддият туркиялик келиб чиқишга эга бўлган хорижий компаниялар томонидан хусусий секторга кредит ажратиш кўринишидаги молия ресурсларининг кириб келишининг ўсиши билан тушунтирилади.

Бундай кредитлар бўйича хусусий секторларнинг қарзи ўтган йил ичида 25,6 дан 28,3 млрд. АҚШ долларига ўсди. Ташқи қарз 2002–2003 йилларда 115,2 дан 138,5 млрд. АҚШ долларига кўпайди. 2002 йилда ташқи қарз бўйича 19844 млн. АҚШ доллари, жумладан ХВФга 7 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги сумма қайтарилди. Давлат сектори 13,1 ва хусусий сектор 6,7 млрд. АҚШ долларини қайтарди. Ташқи қарз таркибини яхшилашга уринишлар кутилган натижаларни олиб келмади. Мамлакатнинг ички қарзлари ташқи қарзни ички қарзга

конвертациялаш оқибатида икки йил ичида 86 дан 128 млрд. АҚШ долларига кўпайди.

Қарз/ЯИМ нисбати бир қадар камайган бўлсада, юқори даражада сақланиб қолди. Мамлакат бюджет танқислиги режадаги 13 млрд.тл. ўрнига 2002 йилда 39 млрд. лирани ташкил этди. Бюджет харажатларининг катта қисми қарзларни тўлашга сарфланди. Импортни 22,1%га, экспортни 11,8%га ўсишида ташқи савдо танқислиги 2002 йилда 13,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Экспортнинг ўсишига 2001 йилда лира курсининг тушиб кетиши ҳамда товарларни ўз таннархига яқин баҳода экспорт қилишга мажбур қилган ички талабнинг стагнацияси ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Жамғармаларнинг ЯИМдаги улуши пасайишда давом этди: 2000 йилда у 21,8%ни ташкил этган бўлса, 2003 йилда тахминан 16%ни ташкил қилди. Мамлакат бир вақтнинг ўзида қарзларни узиш ва айна пайтда ривожланиш мақсадлари учун маблағ ажратишга қодир эмас эди.

Туркияда иқтисодий, молиявий ва фуқаролик институтларини жаҳон, асосан, ЕИ стандартларига мослаштиришга йўналтирилган бир қатор ислохотларни амалга ошириш давом эттирилди. Булар қаторида қуйидагиларни санаб ўтиш жоиз:

- Энергетика ва газ бозорларини тубдан либераллаштириш, давлат яқин орада йирик энергетик қудратларни ва газ объектларини хусусий секторга беришни мўлжалламоқда;
- Халқаро меъёрларга жавоб берувчи янги тендер қонунчилигини қабул қилиш;
- Банк секторини қайта ташкил этиш ва уни соғломлаштириш бўйича тадбирлар пакетини қабул қилиш;
- ЕИ меъёрларига мувофиқ жинойт-процессуал ва фуқаролик кодексларига ўзгартиришлар киритиш (фуқаро ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш);
- Солиқлар бўйича янги қонунчилик пакетларини қабул қилиш: истеъмол учун 20дан ортиқ турли солиқ ва йиғилмалар ўрнига махсус солиқни жорий этиш;
- ЕИ тартиб-қоидаларига келгусида мослашиш мақсадида импорт таркибига тузатишлар киритиш;
- Давлат аппаратини қайта тузиш – вазирликлар сонини 36 тадан 25 тага, шунингдек, давлат хизматчилари ва давлат корхоналарида бандлар сонини камайтириш.

Хусусийлаштириш дастурини амалга ошириш бўйича ҳам ишлар давом эттирилди. Давлатнинг уни ўтказишдан тушган ялпи фойдаси (1984–2003 й.лар) 10,1 млрд. АҚШ долларини ташкил этди, шундан 7,1 млрд. АҚШ доллари – сотишдан тушган фойда, 2 млрд. АҚШ доллари дивидендлар, 1 млрд. АҚШ доллари кредит ва беминнат ёрдам ҳисобига. Жами 167 корхона хусусийлаштирилди, улардан 150 тасида давлат улуши қолмади.

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланишидаги қийинчиликлар ишсизликнинг ўсишига олиб келди 2001 йилга нисбатан ишсизлик 10% га ўсди. Сўнгги икки йил давомида рўйхатга олинган ишсизлар сони 1,078 минг кишига ошди. Мамлакатдаги иқтисодий вазиятнинг оғирлиги, аҳоли даромадининг тушиб кетиши, сиёсий беқарорлик ва ҳоказо салбий ҳолатлар 2002 йил 3 ноябрда муддатидан илгари сайловлар ўтказилишига олиб келди.

Янги ҳукумат биринчи кунлариданоқ иқтисодий барқарорликка эришиш, ЕИ билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, НАТО доирасидаги мажбуриятларга содиқ қолиш ва дунёвий давлат тамойилларига амал қилиш, шунингдек, кўшни давлатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича ишларни амалга оширишга киришди. Сўнгги йилларда мамлакат иқтисодиётининг барча соҳаларида амалга оширилган қайта қурилишлар натижасида ўсиш кузатилмоқда, жумладан тўқимачилик тармоғида ҳам.

4. Мамлакат иқтисодиётида енгил саноатнинг тутган ўрни.

Туркия тўқимачилик саноати ишлаб чиқарадиган маҳсулотларининг турли-туманлиги ва юқори сифатлиги шарофати билан жаҳонда етакчи ўринни эгалламоқда. Айни пайтда тармоқ мамлакат иқтисодиётига катта маблағ келтирмоқда. 2003 йил маълумотларига кўра тўқимачилик саноатининг ЯИМ даги улуши 10%ни, Туркия умумий экспорти бюджет тушумларининг 32,2 %ини ташкил этади. Мазкур тармоқ ўзининг юқори кўрсаткичлари туфайли Туркия иқтисодиётининг локомотиви вазифасини бажармоқда.

Мамлакат нафақат экспортер, балки импортер ҳамдир. 2003 йилда ялпи импорт хажми 5 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Импортнинг катта қисмини хом ашё, тола, ип-калава, мато ва бошқа товарлар ташкил қилади. Бундан ташқари Туркия тайёр кийимлар ишлаб чиқариш учун тўқимачилик жиҳозлари ва станокларини, мувофиқ эҳтиёт қисмлар ва кимё реагентларини ҳам кўп миқдорда четдан келтиради. Бу товарларнинг импорт бўйича кўрсаткичлари 1 йилига 1,7 млрд. АҚШ долларини ташкил этади.

Туркия тўқимачилик саноатининг ривожланиши узоқ тарихга эга. Саноат даражасида бўлмасада тўқимачилик билан Усманийлар салтанати давридан бошлаб шуғулланилади, бироқ 1930 йилда ёш Туркия Республикаси мамлакат иқтисодиётининг энг муҳим йўналишларини ишлаб чиққан пайтда, тўқимачилик саноатини биринчи даражали қилиб белгилади. Тўқимачилик саноати зиммасига мамлакатни индустлаштиришдаги ҳаракатлантирувчи куч сифатидаги вазифа юкланди.

Шу мақсадда мамлакатда мавжуд бир қанча тўқимачилик фабрикаларини бирлаштирган “Сумербанк” давлат саноат холдингига асос солинди. Ускуналарни замонавийлаштириш, замонавий ишлаб чиқаришни жорий этиш, зарур ходимлар билан таъминлаш вазифалари қўйилди. Бир қанча ходимлар малака ошириб, замонавий тўқимачилик ускуналар билан ишлашни ўрганиш учун тўқимачилик саноати ривожланган мамлакатларга жўнатилди. Давлат тармоқни деярли буткул ўз тасарруфи остига олди. Ишлаб чиқариш аввало, ички бозор талабларини қондириш ва импортнинг ўрнини босувчи маҳсулотлар билан таъминлашга қаратилган эди. Дастлаб тўқимачилик саноати маҳсулотларини сотиш билан шуғулланувчи кичик ва ўрта фирмалар секин-аста тайёр кийимлар ёки бошқа тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тўқимачилик компанияларига айланди. Бу ички бозорнинг тўлишига олиб келди ва натижада 60-йиллар ўрталарида Туркия тайёр кийимлар импортидан бутунлай воз кечди. 70-йиллар ўрталарига келиб, импорт ўрнини босишга йўналтирилган иқтисодий сиёсат стратегияси жаҳон ривожланишининг янги шартларига мутлақо жавоб бермай қолди. Ўша йиллардан нефт саноатидаги инқирозлар иқтисодчиларни мамлакатга чет эл валютасини олиб кирадиган тармоқларини ривожлантириш зарурлигига аҳамият беришларига мажбур этди.

Экспортни ривожлантиришга йўналтирилган янги иқтисодий ривожланиш модели, экспорт ишлаб чиқаришини рағбатлантирувчи имкониятларни излаш тўқимачилик саноатининг мутлақо янги концепциясини шаклланишига олиб келди. Экспорт учун ишлаб чиқариш экспортёрларга имтиёзли шартларда кредитлар бериш, экспорт товарлари нархига киритилган солиқларни қисман ёки тўлиқ қайтариш, маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида амалга ошириладиган илмий янгиликларга бўлган ҳаражатларнинг бир қисмини қоплаш, экспорт операцияларини давлат томонидан суғурта қилиш каби давлат томонидан рағбатлантирувчи тадбирлар тизими билан қўллаб турилди.

Қисқа вақт ичида мамлакатдаги пахта йиғириш фабрикаларининг сони кескин ўсди, трикотаж ва тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган

корхоналар кўпайиб кетди. Ҳукумат томонидан экспорт қудратини ошириш мақсадида кўрилган бу каби тадбирлар мувофиқ равишда тўқимачилик саноатининг хом ашё базасини кенгайтирди ва тўқимачилик тармоғининг экспорт қудратини ошириш учун шароит туғдирди. 10 йил ичида тайёр кийимлар экспорти 130 млн. АҚШ долларидан 2,8 млрд. АҚШ долларига, яъни 22 баробар ўсди. 90-йилларда эса экспортга мўлжалланган товарларнинг сифатини яхшилаш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича тадбирлар амалга оширилди. Бу тўқимачилик саноатини модернизациялаштиришга қўшимча маблағлар сарфлашни талаб этди.

Кўпгина турк тадбиркорлари янги технологияларни жорий қилмасдан туриб юқори самарадорликка эришиб бўлмасликни тушуниб етдилар. Энди улар янги технологияларни жорий этишнинг ва иш ҳақи баҳосининг ошиш босқичининг бошланғич жараёнида кузатиладиган ҳолат, яъни ўзларининг аввалги дастаклари – арзонликни қисман йўқотиб, Туркия европа стандартларига ва газлама, гилам, чойшаб, сочик, тиркотаж ва тайёр кийимлар модаси анъаналарига тўлиқ жавоб берадиган, тўқимачилик маҳсулотлари экспортерлигига сазовор бўлди.

Хусусий корхоналар замонавий бозор талабларига нисбатан кўниқувчанроқ, бозор конъюктураси ва мода талабларига мувофиқ равишда тез ўзгарувчан бўлади. Давлат секин-аста ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этишдан воз кечиб, хусусийлаштириш умуммиллий дастурига кирди.

Шуни ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, 90-йиллар охирига келиб Туркия тўқимачилик тармоғи мамлакат умумий иқтисодиётининг муносиб “юзи”га айланди. Тўқимачилик саноати ҳиссасига бутун саноат ишлаб чиқаришининг 9%и ва ишлов берувчи саноатнинг 12%и тўғри келади. Тўқимачилик ва тайёр кийимлар истеъмол товарларининг 1/3 қисмини беради, ишлаб чиқариш саноатида банд бўлган ишчи кучининг ¼ қисми ушбу тармоқда банд.

Тўқимачилик ва тайёр кийимлар экспорти (жумладан, ип газлама, жун ва синтетик газламалар, тола ва унинг маҳсулотлари, трикотаж, тикувчилик маҳсулотлари, гилам ва уй-рўзгор тўқимачилиги) экспорт умумий ҳажмининг 40%ини ташкил этади. Туркия ЕИ мамлакатларига тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қилиш бўйича Хитойдан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Туркия иқтисодиётидаги бошқа тармоқларга нисбатан мазкур тармоққа инвесторларнинг нисбатан кўпроқ аҳамият кўрсатиши ҳам тармоқнинг истиқболли эканлигини англатади. Масалан, 90-йиллар ўрталарида Туркия ишлаб чиқариш саноатига

киритилган инвестицияларнинг 82%и тўқимачилик секторига тўғри келди. Учинчи ва тўртинчи жадвалларда бошқа саноат тармоқлари билан биргаликда Туркия тўқимачилик саноати маҳсулотлари кўрсаткичлари келтирилган.

3-адвал.

Саноат тармоқлари бўйича ишлаб чиқариш кўрсаткичлари (1997=100)

Тармоқлар	2002			2003			2004		
	Давлат	Хусусий	Жами	Давлат	Хусусий	Жами	Давлат	Хусусий	Жами
Жами ишлаб чиқариш	93.8	104.8	102.5	95.8	116.3	112.0	95.4	131.1	123.6
Озиқ-овқат ва ичимликлар	91.9	106.1	104.6	79.0	116.8	112.6	60.1	118.4	112.1
Тўқимачилик маҳсулотлари	18.1	104.1	102.3	4.9	106.6	104.4	0.5	105.1	102.9
Тайёр кийимлар	16.0	111.7	108.8	3.8	113.2	110.7	0.0	114.6	114.6
Кўн-тери	30.5	88.0	84.1	3.1	88.6	82.6	0.0	92.5	92.5
Қоғоз ишлаб чиқариш	64.3	106.3	101.2	26.8	121.7	110.9	8.9	127.0	113.6
Кимёвий маҳсулотлар	87.6	115.5	110.8	84.3	128.0	120.5	86.6	150.9	139.9
Пластик-резина маҳсулотлари	0.0	122.7	122.7	0.0	141.9	141.9	0.0	160.0	160.0

Манба: <http://www.itkib.org.tr/> Istanbul Textile & Apparel Exporters Union

интернет сайти

4 -жадвал

Саноат тармоқлари бўйича ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг ўсиш суръатлари (фоиз ҳисобида)

Тармоқлар	2002			2003			2004		
	Давлат	Хусусий	Жами	Давлат	Хусусий	Жами	Давлат	Хусусий	Жами
Жами ишлаб чиқариш	4.7	12.4	10.9	2.1	11.0	9.3	-0.4	12.7	10.4
Озиқ-овқат ва ичимликлар	-7.8	4.0	2.9	-14.0	10.1	7.6	-23.9	1.4	-0.4
Тўқимачилик маҳсулотлари	-55.8	13.2	12.5	-72.9	2.4	2.1	-89.8	-1.4	-1.4
Тайёр кийимлар	-21.6	3.5	3.3	-76.3	1.3	1.7	0.0	1.2	3.5
Кўн-тери	-34.0	17.2	15.0	-89.8	0.7	-1.5	0.0	4.4	11.7
Қоғоз и.ч.	-16.1	25.1	20.8	-58.3	14.8	9.6	-66.8	4.4	2.4
Кимёвий маҳсулотлар	9.2	15.0	14.2	-3.8	10.8	8.8	2.7	17.9	16.1

Пластик-резина маҳсулотлари	0.0	12.4	12.4	0.0	15.6	15.6	0.0	12.8	12.8
--------------------------------	-----	------	------	-----	------	------	-----	------	------

Манба: <http://www.itkib.org.tr/> Istanbul Textile & Aprarel Exporters Union
интернет сайти

Туркия тўқимачилик саноатининг асосини пахта ташкил этади. Туркияда ишлаб чиқариладиган тайёр кийимларнинг 80%и пахтадан тайёрланади. Бир йилда Туркияда 750 минг тонна пахта етиштирилади ва мамлакат бу жиҳатдан дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Пахта етиштириш учун табиий шароитнинг қулайлиги ва уни етиштиришнинг яхши йўлга қўйилганлиги Туркия тўқимачилик саноатининг ривожланишига мезон бўлди. Пахта мамлакатнинг 3 та асосий ҳудудиди: Анадолу тоғларининг жанубий ва жануби-шарқий туманларида (50%), Ғарбий Анадолунинг Эгей денгизи соҳилларида (46%) ва Жанубий Анадолудаги Анталия туманида (4%) етиштирилади.

Тўқимачилик саноатининг, айниқса тайёр кийимлар ишлаб чиқариш тармоғининг жадал суръатларда ривожланиши пахтага бўлган талабни ўсишига олиб келмоқда, бу эса мамлакат пахта хом-ашёсини четдан келтиришига сабаб бўлмоқда. Йилига тахминан 200 минг тонна пахта импорт қилинади. Бироқ Туркиянинг ЕИ билан Божхона Иттифоқида аъзо бўлиши ва унинг амалдаги квота ҳамда божхона тарифларини қабул қилиши Туркия тўқимачилик саноати учун хом ашё базаси ҳисобланган учинчи дунё мамлакатларидан бу ерга пахта хом ашёси ва пахта ипларни импорт қилиш бир қадар қийинчиликларга учради.

Шу сабабли Туркия ўз ички хом ашё базасини ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда, яъни Жанубий-Шарқий Анадолу районини ривожлантириш лойиҳасини қабул қилиб, бу бўйича қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Янги ерларни ўзлаштириб, пахта далаларини кенгайтириш мақсад қилиб қўйилган. Яқин йилларда мамлакатнинг пахта ҳосилини йилига 1 млн. тоннага етказиш режалаштирилган. Бу эса ишлаб чиқариш харажатларини пасайтирган ҳолда тўқимачилик саноатини ривожлантириш ва тўқимачилик маҳсулотларини ҳамда тайёр кийимлар экспортини оширишга қўшимча рағбат бўлади, ҳамда мувофиқ равишда Туркия тўқимачилик маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширади.

Туркияда пахта ипи ишлаб чиқариш билан 120 дан зиёд хусусий корхоналар шуғулланади (уларга мамлакатда ишлаб чиқариладиган ипнинг 85%и тўғри келади), бундан ташқари 18 та давлат тасарруфидаги ип йигирув фабрикалари мавжуд. Бу тармоқ йилдан-йилга ўсмоқда. Бироқ Туркиядан ип экспорт қилиш ҳажми эса камайиб, импорти ўсиб бормоқда. Мамлакатга асосий

ип етказиб берувчи мамлакатлар қаторида Покистон, Ҳиндистон, Мисрни санаб ўтиш мумкин. Туркия эса Италия, Бельгия, Испания, Исроил, Буюк Британияга экспорт қилади. Бундай вазият эса тўқимачилик маҳсулотларини, энг аввало тайёр кийимлар ишлаб чиқаришнинг хом ашёси сифатида мамлакат ички талабининг пахта ипига бўлган талабининг ошиб боришини кўрсатмоқда.

Туркиянинг тўқувчилик соҳаси, тўқимачиликнинг бошқа тармоқлари каби бир хилда эмас. Йирик тўқувчилик корхоналари билан бир қаторда ўрта ва кичик корхоналар ҳам фаолият кўрсатмоқда. 1980–90-йилларда кўпгина йирик корхоналар ускуналарни жадал замонавийлаштириш жараёнини бошдан кечирдилар. 90-йилларнинг ўрталарига келиб эса бу жараён кичик ва ўрта корхоналарга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Ип газламалар ишлаб чиқариш пахта ипи ишлаб чиқариш тармоғига нисбатан бир қадар секинроқ ўсди. Бироқ 90-йиллар ўрталаридан ўсиш суръатлари жадаллашди, ҳозирги кунга келиб, тармоқнинг ишлаб чиқариш қудратидан тўлиқ фойдаланилмоқда. Ўтган йилдаги 1088 млн. метр ўрнига жорий йилда 1500 млн. метр ип газлама ишлаб чиқарилди. Экспорт ҳам 93 млн. метрдан 200 млн. метрга ўсди. Асосий импорт қилувчилар Буюк Британия, Италия, АҚШ, Эрон. Туркиянинг ип газлама импорти ҳам сезиларли даражада ўсди: 64 млн. метрдан 220 млн. метрга. Буни ҳам тез суръатларда ўсиб бораётган тайёр кийимлар ишлаб чиқарувчи тармоқнинг эҳтиёжлари билан тушунтириш мумкин.

Туркияда ҳам жаҳон анъаналарига мувофиқ равишда синтетик тола (акрил, полиэстер, полиамид ва ҳ.к.) ва улардан тайёр кийимлар ишлаб чиқариш ўсиб бормоқда. Сўнгги ўн йил ичида сунъий тола ишлаб чиқариш 67%га – 255 мингдан 426 минг тоннага ўсди. Йиллик ўсиш 7,6%ни ташкил этди. Туркия тўқимачилик саноатининг 27%ини синтетик тола (асосан, аралаш ип ва газламалар кўринишида) ташкил қилади. Ҳозирги кунда мамлакат сунъий тола ва иплар ишлаб чиқаришда жаҳонда дастлабки ўнталик қаторидан, Европа мамлакатлари орасида тўртинчи ўринни эгаллайди.

Сўнгги йилларда бу тармоққа киритиладиган инвестицияларнинг асосий қисми полиамид ва полиэстер ип ишлаб чиқаришда тўпланмоқда. Мамлакатда ишлаб чиқарилган 426 минг тонна сунъий тола ва ипларнинг 209 минг тоннасини полиэстер, 44 минг тоннасини полиамид толаси ташкил этди.

Туркияда ишлаб чиқариладиган синтетик калава ип экспорт қилинади, асосан, 55%и ЕИ мамлакатларига. Шунингдек, синтетик тола ва иплар тўқимачилик саноати ва тайёр кийимлар ишлаб чиқаришнинг талаби сифатида катта миқдорда четдан, асосан, Германия ва Италиядан келтирилади.

Тўқимачилик секторининг асосий импортини синтетик ип, тола ва газлама ташкил этади, унинг ҳиссасига импортнинг 45%и тўғри келади.

Чорвачилик ва айникса, қўйчиликнинг ривожланганлиги Туркияни жун етказиб берувчи жаҳонда етакчи ўнта мамлакат қаторига киритиб қўйди. Туркияда йилига 40 минг тоннадан зиёд қўй жуни етиштирилади, бу эса жаҳондаги ишлаб чиқариш миқдорнинг 2,5%ини ташкил этади. Бироқ мамлакатда етиштириладиган жун калта ва қалин (30 микрондан кўпроқ) ҳисобланади. Бу эса тайёр кийимлар эмас, балки гилам тўқимачилигини ривожлантиришга қўл келади. Туркияда ҳар йили тахминан 120 минг тонна жун ипи ва 70 млн. метр жун газлама ишлаб чиқарилади.

Уй-рўзғор учун тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан Туркияда бир нечта йирик корхона ва кўплаб майда ва ўрта фирмалар шуғулланади. Уларнинг катта қисми 1991 йилдан бери фаолият юритиб ва бу соҳани бошқариб келаётган Уй-рўзғор учун тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш уюшмасига (ЕТД) аъзо. ЕТД маълумотларига кўра Туркияда ҳар йили 8 млн.та чойшаб, 2,5 млн.та дастурхон ва 1.5 млн.та адёл ишлаб чиқаради. Бундан ташқари тюллар, портьер, гардин ва қоплама матолар ишлаб чиқариш жадал суръатларда ўсмоқда. Ҳаёт тарзининг, айникса, шаҳарларда ўзгариши, шаҳар аҳолисининг даромадининг ўсиши, европа стандартлари бўйича яшаш маданиятининг жадал равишда мамлакат ҳаётига сингиб бориши Туркияда уй-рўзғор учун тўқимачилик маҳсулотларига бўлган талабни оширмоқда.

Шунингдек, Туркия уй тўқимачилиги маҳсулотлари сифати уни катта миқдорларда экспорт қилишга ҳам имкон туғдиради. Бу товарлар экспортидан тушган маблағ тахминан 700 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Сифати учун бу соҳа маҳсулотлари Европа сифат белгиси мукофотига сазовор бўлган. Айникса паҳмоқ сочиқ ва халатлар ишлаб чиқаришни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин, уларнинг сифатини бутун дунё мамлакатлари тан олган. Бу маҳсулотлар экспорти туркиялик экспортёрларга 400 млн. АҚШ долларида зиёд маблағ келтиради.

Энг қадимги ишлаб чиқариш тармоқларидан бири ҳисобланган гилам тўқиш турклар учун 100 йил аввалроқ анъанага айланган. Кўчманчи ҳаёт кечириш услубида гиламлар пол ва девор ўрнини ўтаган. Улар авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтиб келган. Гиламчиликнинг ривожланиш сабабларидан бири Туркия гилам ишлаб чиқариш учун асосий хом ашё ҳисобланган жун етиштириш бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллашидир. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Туркияда ҳар йили, асосан, гилам ва килим (шарқий анъанадаги туксиз гилам) ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган 40 минг тонна қўй жуни тайёрланади.

Туркиянинг қўлда тайёрланган гиламлари ўзининг сифати ва чидамлилиги билан бутун дунёда машҳур. Уларнинг турлари ҳам кўп. Бу ерда қадимдан ипакли, жунли, табиий етиштирилган ипак толаси қўшиб тайёрланган пахтали, шунингдек, 100% жундан тайёрланган гиламлар ишлаб чиқарилади. Безаклари, ранглари, суратлари ва бошқа кўринишлари гиламларни жозибадор қилади.

Туркияда қўлда ҳар йили тахминан 4 млн. кв. км ли гилам тайёрланади. Машинада гилам тўқишнинг кенгайишига сабаб унга бўлган эҳтиёжнинг жадал ўсиб боришидир. Гилам ва килим экспорти ҳажми унча катта бўлмасада, мамлакат тўқимачилигига кўп фойда келтиради. 307 млн. АҚШ доллари суммасидаги гилам экспорт қилинган бўлса, унинг 139 млн. АҚШ долларини қўлда, 153.5 млн. АҚШ долларини машинада тўқилган гилам ташкил этади. Туркия қўлда тўқилган гиламларининг асосий импортерлари Германия, АҚШ, Япония, кейинги йилларда Саудия Арабистони, АҚШ, Россия, Италия машинада тўқилган гиламларни кўп миқдорда сотиб олмоқда.

Кейинги йилларда Туркиянинг турли ҳудудларига тарқок равишда тарқалиб кетган қўлда гилам тўқувчиларни бирлаштиришга интилаётган йирик фирмалар тузила бошлади. Бундай фирмалар ишлаб чиқарувчилар учун ишлаб чиқариш ва экспортнинг ягона дастурини ишлаб чиқармоқдалар.

5. Енгил саноат маҳсулотлари бозорида Туркия Республикасининг эгаллаган мавқеи.

Мамлакат иқтисодиётида локомотив вазифасини бажарувчи Туркиянинг тўқимачилик ва тайёр кийимлар ишлаб чиқариш саноати 1995 йилдан бошлаб, тармоқни модернизациялаштиришга йўналтирилган фаол инвестиция ва Божхона иттифоқига аъзо бўлиб кириш натижасида Туркия халқаро бозорлардаги ўз рақобатбардошлигини оширди ва ўз экспорт қудратини ривожлантиришда давом этди. Экспорт қилинадиган саноат маҳсулотлари умумий ҳажмининг 27,5%ни ташкил этувчи тўқимачилик маҳсулотлари ва тайёр кийимлар ишлаб чиқариш ҳажми 2004 йилда 17,3 млрд АҚШ долларини ташкил этди.

Теридан тайёр кийимлар ишлаб чиқариш бўйича Туркия ҳам сифати, ҳам миқдор жиҳатдан дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. 2004 йилда экспорт учун 328 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот тайёрланди. Уларнинг катта қисми Германияга тўғри келади. Мазкур йилда 149 млн. АҚШ доллари миқдорида мўйнадан тайёрланган маҳсулотлар экспорт қилди. Мамлакат

теридан тайёр кийимлар тайёрлаш бўйича тўртинчи, қоракўл терисидан тайёрланган кийимлар экспорти бўйича 2-ўринни эгаллайди.

Туркияда тўқимачилик саноати экспортнинг ҳаракатлантирувчи кучлари ҳисобланади. Тайёр кийимлар ишлаб чиқарувчилар билан бир қаторда бу жараёнда туркиялик модельерларнинг ҳам хиссаси катта. Улар ўз фаолиятлари давомида умумий қабул қилинган тамойил ва услублардан фойдаланадилар, малакали мутахассисларни тайёрловчи замонавий ўқув дастурларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратадилар.

Шундай қилиб, Туркия тайёр кийимлар экспорти ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 2,6 млрд. АҚШ доллариға ўсиб, ишчи кучига жуда катта харажатлар қилинишиға қарамай 13,1 млрд. АҚШ доллариға етди.

Тайёр кийимлар ишлаб чиқариш тармоғи – Туркия тўқимачилик саноатининг нисбатан динамик ўсиб бораётган соҳаси ҳисобланади. Тўқимачилик маҳсулотлари ва тайёр кийимлар экспортерларининг Истамбул Иттифоқи маълумотларига кўра тармоқ томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми йилиға 20%ға ўсиб бормокда, бу эса Туркия иқтисодиёти ўсишининг умумий суръатларидан уч баробар юқоридир. Тўқимачилик саноати маҳсулотлари экспортидан тушадиган маблағнинг $\frac{3}{4}$ қисмини тайёр кийимлар экспорти ташкил этади. Бу эса тайёр кийимлар экспорти улуши Туркиянинг умумий экспорти фойдасининг 25%ини ташкил этишини англатади. Тайёр кийимлар ишлаб чиқариш, айниқса, Истамбул, Измир, Бурса, Денизли, Адана, Эскишаҳар, Анқара, Малатияда айниқса ривожланган. Охирги 2-3 йил ичида сони анча кўпайган тайёр кийимлар ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар билан бирға дунёда тайёр кийимлар ишлаб чиқариш учун ўзига хос ҳисобланган кичик ва ўрта фирмалар ҳануз кўпчиликни ташкил этади. Бозор иқтисодиёти шароитларида кичик фирмалар бир қатор афзалликларға (мода талаблари бўйича ўзгарувчанлик, бошқарув харажатларидан тежамкорлик ва ҳ.к.) эға бўлиб, ҳеч қачон йирик корхоналарнинг уларни бозордан сиқиб чиқаришиға йўл қўймайди.

Туркиялик экспертлар тайёр кийимлар ишлаб чиқариш тармоғини “уюшган” ва “тарқоқ” шаклға ажратадилар. Бу фарқланишни фирманинг нафақат катта-кичиклиги, балки уларнинг техник жиҳозланганлиги, энг муҳими якуний маҳсулот устидан сифат назоратининг амалға оширилиши ҳисобланади. Хуллас, сифат масаласи Туркия тўқимачилик саноати учун биринчи даражали муаммо бўлиб қолди. Тайёр кийимлар жаҳон бозорининг ҳозирги муваффақияти шарти ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида сифат устидан қатъий назоратнинг ўрнатилиши ва замонавий истеъмолчининг талабларини тўлиқ қондира оладиган

якуний натижага эришишдир. Туркия тўқимачилик саноати маҳсулотларининг сифатини кўтаришдаги сўнгги ўн йиллик ичидаги муваффақиятлар ойдин кўриниб турибди. Европа савдо клубининг тан олишига кўра, ишлаб чиқараётган маҳсулотлари сифати бўйича Туркия ривожланаётган мамлакатлар стандартларидан “ўсиб кетди”. Бунга эришиш учун тайёр маҳсулотлар сифатини ва уни турли мезонлар бўйича жаҳон стандартларига мувофиқлигини назорат қиладиган тўқимачилик лабораториялари ташкил этиш бўйича анча ишлар қилинди.

Тармоқни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш ишлари Туркияда 80-йилларда бошланди. Бунда фақат йирик компанияларнигина дизайнерлик ишлари, газламаларни бичиш, маҳсулотларни тикиш, уларни якуний безаги ва сифат назорати тўғрисида ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида энг янги технологияларни жорий этиш имконини берувчи дастурий бошқарувга эга қимматбаҳо ускуналарни сотиб олишга қурби етарди. Майда фирмалар аксари қисмининг ишлаб чиқаришни замонавий ускуналар билан жиҳозлаши учун маблағлари етишмас эди. Шунга кўра, мамлакат бўйича замонавий тўқимачилик ускуналар билан таъминлаш жараёни Европа мамлакатларига қараганда умуман олганда суст кетмоқда. Масалан, 80-йиллар давомида, 10 йил ичида Туркия тўқимачилик саноати парки 22%га янгиланган бўлса, Италия бўйича мазкур кўрсаткич 70%ни, Германияда 61%ни, Швецияда эса 51%ни ташкил этди.

Тўқимачилик саноати учун малакали кадрлар тайёрлаш ҳам муҳим масала бўлиб қолмоқда. Мамлакатда тўқимачилик жиҳозларида ишлаш учун ходимлар тайёрлайдиган махсус лицейлар мавжуд. Кўпгина университетларда тўқимачилик факультетлари бор. Ҳар йили 200 дан зиёд тўқимачилик муҳандислари тайёрланади. Айни вақтда, учта университетда кийим ва матолар бўйича дизайнерлар бўлимлари тузилган. Шундай бўлишига қарамай, Туркияда тўқимачилик соҳаси бўйича мутахассислар етишмайди. Баъзи тадбиркорлар ўртасида, кийимлар ишлаб чиқариш учун махсус таълим талаб қилинмайди, ишлаб чиқариш жараёнини махсус инструкциялар олинган ҳолда кам саводли инсонлар ҳам ўзлаштириб оладилар деган яна шундай бир фикр ҳам бор. Туркия тўқимачилик саноати, хусусан, тайёр кийимлар тамоғини замонавийлаштириш ва ривожлантириш муаммоларини ўрганиш билан Туркия тайёр кийимлар ишлаб чиқарувчилар уюшмаси (ТГСД), Тўқимачилик ва тайёр кийимлар экспортчилари Истамбул Иттифоқи (ИТКИБ), Трикотаж ишлаб чиқарувчилар уюшмаси (ТРИСАД), Экспортни ривожлантириш маркази (ИГЕМЕ), Туркия тўқимачилик саноати фонди (ТЮТЕВ), Тўқимачилик саноати соҳасида саноатчиларни

тайёрлаш уюшмаси (ТТСД) ва бошқа иттифоқ ва уюшмалар шуғулланадилар. Улар томонидан тўқимачилик саноатини ривожлантириш масалалари бўйича кўплаб конференция ва семинарлар ўтказилади, туркиялик тўқимачиларни мазкур соҳадаги замонавий технологик ютуқлар билан таништирувчи даврий нашрлар чоп этилади. Мунтазам равишда туркиялик ишлаб чиқарувчиларнинг тайёр кийимлар моделларининг кенг намойишлари ташкил этилади. Юқорида қайд этилган иттифоқ ва уюшмалар тармоқ учун кадрлар тайёрлашда қатнашадилар, халқаро кўргазмаларда Туркия фирмалари томонидан вакил бўлиб қатнашадилар, экспортни ривожлантиришга катта кўмак берадилар. Тўқимачилик ва тайёр кийимлар экспортёрлари Истамбул Иттифоқи (ИТКИБ)нинг фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Иттифоқ 1986 йилда Туркия Республикаси бош вазир аппаратининг Ташқи савдо ишлари бўйича қотибияти томонидан тўқимачилик тармоғи экспорт қудратини ошириш ва Истамбуллик тўқимачилик маҳсулотлари ва тайёр кийимлар экспорти билан шуғулланувчиларнинг фаолиятини тартибга солиш мақсадида ташкил этилган. Иттифоқ амалда вакиллари ИТКИБ Бошқаруви таркибига кирган қуйидаги тўртта мустақил иттифоқдан иборат:

- тайёр кийим экспорт қилувчилар иттифоқи;
- тўқимачилик ва хом ашё экспорт қилувчилар иттифоқи;
- тери ва тери маҳсулотлари экспорт қилувчилар иттифоқи;
- гилам экспорт қилувчилар иттифоқи.

Ушбу рўйхатдагилар ўртасида етакчи – 8 минг аъзони бирлаштирган Истамбул тайёр кийим экспорт қилувчилар иттифоқи бўлиб, улар бир йилда тахминан 6 млрд. АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қиладилар, бу эса Туркия тайёр кийимлар экспортининг 85%ини ташкил этади. Истамбул тайёр кийим экспорт қилувчилар иттифоқи тармоқ олдида турган вазифаларни ўзининг умумий вазифалари деб биладилар. Шу мақсадда Истамбул техника университетининг тўқимачилик факультетида улар томонидан сифатни ўрганиш ва назорат қилиш лабораторияси тузилган. Бундан ташқари иттифоқ томонидан 1995 йилда тикувчилик саноати учун кадрлар тайёрлаш маркази таъсис этилган.

Истамбул тўқимачилик маҳсулотлари ва тайёр кийим экспорт қилувчилар иттифоқи тўқимачилик технологиялари соҳасидаги сўнгги ютуқлар, жаҳон тўқимачилик бозори конъюктураси тўғрисида маълумотлар тўплайди ва иттифоқнинг 17 минглик аъзоларини булардан хабардор қиладилар. ИТКИБ шунингдек, экспорт операциялари учун тадбирлар ва ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этадилар. 1996 йилда Туркиянинг ЕИ билан Божхона

Иттифоқига аъзо бўлиши, хусусан, Туркия ташқи савдо қонунчилигининг ЕИ ягона савдо сиёсатига адаптацияси бўйича фаолияти доирасида Иттифок учинчи давлат ҳукумат органлари билан квота ва чегирмалар масаласи бўйича музокараларда фаол қатнашади.

ИТКИБнинг нафақат ўз аъзолари учун, балки Туркия тўқимачилик маҳсулотлари импорти тўғрисида маълумот олишни истаган барча хоҳловчиларга маслаҳат маркази сифатидаги роли ҳам муҳим.

ИТКИБнинг фаолиятининг муҳим йўналишларидан яна бири, тўқимачилик саноатининг у ёки бу ҳолатини аниқловчи тадқиқотлар ўтказиш, бозор конъюктурасини ўрганиш, ўз аъзоларига миллий ва халқаро кўргазма ва ярмаркаларда қатнашишига ёрдам кўрсатишдан иборат.

1992 йилдан бошлаб ИТКИБ Нью-Йоркда доимий фаолият кўрсатувчи кўргазма залига эга, бу ерда Иттифок аъзолари америкалик импортерларга ўз коллекцияларини намойиш этадилар. 1995 йилда Брюсселда ИТКИБ ваколатхонаси очилди ва у орқали ЕИ импортерлари билан узвий алоқа олиб борилади. Москвада иттифок таъсисчи бўлган савдо маркази қурилиши тугалланди.

Шундай қилиб, тармоқнинг экспорт қудрати ҳисобланган тайёр кийимлар ишлаб чиқариш соҳаси Туркияни тўқимачилик маҳсулотлари жаҳон савдоси иерархиясида юқори ўринни эгаллашини таъминлаб беради. Туркияда ишлаб чиқарилган тайёр кийимларнинг иккитасидан биттаси охир оқибатда жаҳон бозорига чиқади. 2004 йилда Туркия тайёр кийимлар экспорти ҳажми 13.1 млрд. АҚШ долларига етди, унинг салкам 2/3 қисмини трикотаж ва қолган қисмини газламалардан тайёрланган маҳсулотлар ташкил этди. Трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш 60-йиллардан, пахта ипини ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан бошланди, бироқ унинг ривожланиш чўққиси 80-йилларга тўғри келади, яъни ушбу ҳолат мамлакатга дастурий бошқарувга эга ускуналарнинг келтирилиши билан боғлиқ. 90-йиллар ўрталарига келиб, Туркия трикотаж маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича дунёда Италия ва Гонконгдан кейин учинчи ўринга чиқиб олди. Ҳозирги кунда жаҳоннинг энг сара фирмалари билан шартнома бўйича уларнинг маркаси остида ва буюртмаси билан маҳсулотлар ишлаб чиқараётган туркиялик трикотаж ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш билан шуғулланувчилар жаҳон бозорларида ўз маҳсулотлари сифати бўйича шуҳрат қозонмоқдалар. Туркия трикотаж маҳсулотларига “Pierre Cardin”, “Christian Dior”, “Cacharel”, “Gianfranco Ferre”, “Hugo Boss” ва бошқа жаҳон мода

уйлари, шунингдек, Европада машхур бўлган “Burberry’s”, “Marks&Spencer”, “Benetton” ва бошқа савдо уйлари буюртма берадилар.

Туркия тайёр кийимлар экспортерлари, асосан, ЕИ мамлакатлари учун мўлжал қиладилар. Уларга нарх билан ўлчаганда тайёр кийимлар экспортининг 71%и тўғри келади. Улар орасида Германия етакчилик қилади: унинг ўзи экспорт қилинадиган Туркия тўқимачилигининг 50 %ини олиб кетади. Ундан кейинги ўринларни Буюк Британия, Франция, Голландия эгаллайди (жуда кўп ҳолларда улар томонидан импорт қилинадиган маҳсулотлар кейинроқ европа маркаси бўйича бошқа мамлакатларга қайта экспорт қилинади, жумладан Россияга ҳам, ва маҳсулотлар бу давлатларда “европа” баҳосида сотилади). Туркиядан Европа мамлакатларига тайёр кийимлар экспорт қилиш ҳажмини кенгайтириш режаси бўйича жуда катта умидлар келтирган Туркиянинг ЕИ билан Божхона Иттифоқи (БИ)га аъзо бўлиши ҳозирча кутилган натижа бермади. БИ тўғрисидаги битимларни амалга ошириш давомида бир қатор муаммолар юзага келди. Мазкур битимга мувофиқ Туркия ўз қонунчилигини ЕИ меъёрлари бўйича кўп жиҳатларни ўзгартиришга мажбур. Экологик мажбуриятлар ва интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар Туркия тўқимачилик тармоғи, хусусан, тайёр кийимлар ишлаб чиқариш соҳасига бевосита тааллуқлидир.

Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ва хорижий савдо маркаларидан ноқонуний фойдаланишни тугатиш мақсадида 1994 йилда Туркия патент институти ташкил этилди. Европа ишлаб чиқарувчиларига нисбатан қўлланиладиган Европада қабул қилинган қатъий экологик талаблар туркиялик ҳамкорлар учун ҳам қўлланилмоқда. Бу, айниқса, маълум бир турдаги бўёқларни ишлатиш, чиқиндилардан фойдаланиш ва бошқаларни ман этишга тегишли. Бундан кўришиб турибдики, Европада мавжуд истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг юридик тизими Туркия товарларининг олдига тўсиқ қўйган ҳолда Туркиядан ЕИ мамлакатларига тайёр кийимлар экспорт қилишнинг ўсишини тўхтатиб қўймоқда. Бу эса туркиялик экспортерларни тўқимачилик маҳсулотларини сотиш учун янги бозор излашга мажбур қилмоқда. Сўнгги йилларда Туркия ўз экспорт маҳсулоти билан АҚШ бозорига киришга уринмоқда. Узоқ Шарқ ишлаб чиқарувчилари билан кучли рақобатга учрашига қарамай, Туркия америка бозорига ўзининг тайёр кийимлар экспортининг 10 %ини киритишга эришмоқда. 90-йилларда МДХ давлатлари бозорининг очилиши Туркия тайёр кийимлар тармоғини ривожлантириш учун қўшимча рағбат бўлди. 1997 йилда Туркия тайёр кийимлар экспортининг 10 %и уларнинг ҳиссасига тўғри келди. Сўнгги йилларда Россия ва бошқа МДХ давлатлари “моккисимонлари”

томонидан Туркия тўқимачилик маҳсулотлари ва тайёр кийимлари ушбу катта минтақа бозорларини тўлиб-тошириб юборди. Бу ҳолатни икки томондан тушунтириш мумкин. Биринчидан, бундай стихияли савдонинг ҳеч ким томонидан ҳисоб-китоб ва назорат қилинмаслиги оқибатида шундай экспортни статистик баҳолаш жуда қийин. Иккинчидан бу каби “моккисимонлар” тўқимачилик маҳсулотларини, уларнинг сифатини эътиборга олмаган ҳолда “уюшмаган” ишлаб чиқариш тармоқларидан энг паст нархларда сотиб олишга ҳаракат қиладилар. Бироқ бозорнинг қатъий қонун-қоидалари мавжуд: бу мамлакатлар бозор расталарининг товарлар билан тўлиши даражасига кўра маҳсулотлар сифатига талаблар кўтарилиб боради. “Моккисимонлар”нинг кам ҳажмли чакана савдо фаолияти ҳам махсус органлар томонидан назорат остига олиниши сабабли нисбатан уюшган шаклни ола бошлади. Шундай қилиб бу давлатлар импорти Туркиянинг нисбатан юқори сифатли ва замонавий русумда бўлган тайёр кийимларига эътиборини кўпроқ қарата бошлади.

Сўнгги йилларда тайёр кийимлар ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритиш бўйича рўйхатдан ўтган янги компанияларнинг 40%и МДҲ мамлакатларига экспорт учун маҳсулот тайёрлашни мўлжал қилиб қўйган. Бу эса Туркия фирмаларининг бу бозорни эгаллашга очикдан-очик интилишларини, шунингдек, туркиялик тўқимачиларнинг хорижий импортерлар талабларига жавоб бера оладиган даражадаги ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ҳаракатларини англатади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, Туркияда экспорт билан бир қаторда тайёр кийимлар импорти ҳам мунтазам равишда ўсиб бормокда. Бу импорт шаҳар аҳолисининг ўзига тўқ қатламлари учун мўлжалланган. Туркия бозорларида замонавий русумдаги ва сифатли кийимларнинг мавжудлигининг ўзи ҳам туркия товарлари учун “сифат планкасини” оширади.

Туркия хом тери ва кўн ишлаб чиқариш бўйича ҳам дунёда етакчи ўнта мамлакат қаторидан жой олган. Унинг улуши 2 % атрофида. Мамлакатда тайёрланадиган кўн-териларнинг 65 %идан тайёр кийимлар тармоғида, 35 %идан пойафзал саноатида фойдаланилади. Теридан кийимлар тайёрлаш Туркия учун анаъанавий ҳолдир. Бироқ 60-йилларгача мазкур фаолият фақат кичик корхона ва цехларда амалга оширилган. 80-йиллардан бошлаб, теридан тайёрланган кийимларга талаб ортиб борди, шунга боғлиқ ҳолда умуман Туркия кўн-тери саноати ва теридан кийимлар тайёрлаш соҳаси ишлаб чиқариш тармоғининг энг динамик ва рақобатбардош экспорт қудрати сифатида шакллана бошлади. Мазкур тармоқнинг энг ривожланган палласи 80-йилларнинг охирларига тўғри келди. 90-

йиллардан бошлаб, Туркияда теридан тайёр кийимлар чиқариш Россия ва бошқа МДХ давлатлари томонидан талаб ортиши билан жуда ривожланиб кетди. Бироқ ҳозиргача Туркия тери маҳсулотларининг энг нуфузли импортери Германия бўлиб қолмоқда. Туркиянинг теридан тайёрланган кийимлари йиллик экспорти ўртача 400–500 млн. АҚШ долларини ташкил қилади. Амалдаги қисқа вақт ичида Туркия тери маҳсулотлари экспорти бўйича дунёда етакчи ҳисобланган Италия учун жиддий рақобатчи даражасига кўтарилиб олди. Бироқ технологик жиҳозлар билан таъминланганлик ва техник жиҳатдан Туркия европалик рақобатчилардан ортида қолмоқда. Тери саноатини ривожлантириш билан шуғулланувчи Туркия уюшмаси прогрессив технологияларни сотиб олиш, рақобатчиларни ҳамкорларга айлантиришга ёрдам берувчи йўллардан бири бўлган – улар билан биргаликда шартнома ва қўшма корхоналар тузиш каби бир қанча ишларни амалга оширишни кўзлаб тўғри йўлни танлаган. Кўп меҳнат талаб қилувчи ва атроф-муҳит учун нисбатан зарарли ишлаб чиқаришларни ривожланаётган мамлакатларга кўчириш каби глобал йўналишни ҳисобга олган ҳолда, яқин йилларда етакчи европанинг дизайнерлик компаниялари моделларни ишлаб чиқиш ва сифат назоратини ўзларида сақлаб қолган ҳолда, ўз ишлаб чиқариш жараёнларини бунинг учун шароит қулай бўлган мамлакатларга кўчирадilar. Туркия бу жиҳатдан энг макул номзоддир, эркин либерал иқтисодий тартибга эга бу мамлакатда хом ашё ҳам, инфраструктура ҳам ва ҳозирча нисбатан арзон ишчи кучининг мавжудлиги ҳам бунга имкон беради. Кўн-тери тармоғи Туркияда 3000 мингдан зиёд хусусий корхоналарни ўз ичига олади – булар унча катта бўлмаган цех ва устахоналардир. Туркия теридан тайёрланган маҳсулотларини жаҳоннинг 80 дан ортиқ мамлакатларига экспорт қилади. Асосий импортер-мамлакатлар – Германия (50%), АҚШ (9%), Россия (8%), шунингдек, Франция, Англия, Австрия ва бошқалар.

5-жадвал.

Туркия экспортининг асосий таркибий қисмлари (млрд. АҚШ доллар)

Турлари	2001	2002	Ўсиши (%)	Улуши (%)
Тайёр кийимлар	7.5	9.3	22.7	25.4
Транспорт воситалари	3.7	4.7	26.9	13.2
Металл ва металл буюмлар	3.9	4.5	17.0	12.6
Электротехника, электроника	2.6	3.5	33.6	9.6
Тўқимачилик хом ашёси ва ярим фабрикатлар	2.2	2.7	22.2	7.4
Кимё маҳсулотлари	2.2	2.7	22.2	7.4

Курилиш материаллари	1.0	1.1	10.0	3.2
----------------------	-----	-----	------	-----

Экспортининг 51.5% ЕИ мамлакатларига, 6.4% МДХ давлатларига тўғри келади.

6-жадвал

Туркия импортининг асосий қисмлари (млрд. АҚШ доллар)

Турлари	2001	2002	Ўсиши (%)	Улуши (%)
Инвестиция товарлари	6964	7100	1.9	14.8
Ёқилғи-энергетика товарлари	8339	8966	7.5	18.7
Истеъмол товарлари	4084	4320	5.8	9.0
Турли даражада ишлов берилган саноат товарлари	13813	16900	22.3	35.3

Бунда импортнинг 45.5% ЕИ мамлакатларига ва 10.8% МДХ давлатларига тўғри келди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. Ўзбекистон.1998 йил.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т. Ўзбекистон.1995 йил.
3. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. Ўзбекистон.1997 йил.
4. Буниятов З.Н. Актуальные проблемы современной Турции М.1998
5. «Мировая экономика», Москва-2000 год.
6. «МЭ и МО» журналы, Москва, сентябрь 1998 йил.
7. Ломакин В.К. Мировая экономика. Учебник для ВУЗов. М. Финанск, ЮНИТИ, 2004
8. <http://www.foreigntrade.gov.tr>
9. <http://www.tcmb.tr/> –Туркия Республикаси Марказий банки сайти, Статистика бўлими.
10. Буглай В., Ливенцев Н. Международные экономические отношения.- М.: Финансы и статистика, 1996
11. Drucker P. Devlet ve politika alaninda, ekonomi bilimi ve is dunyasinda - Yeni gercekler, 5. Baski-Ankara: Is bankasi kultur yayinlari, 1999. 269 s.
12. Drucker P. Gelecek icin yanetim: 1990 yillar ve sonrasi 2. Baski-Ankara: Is bankasi kultur yayinlari, 1997. 378 s.
13. Товарные рынки Турции - Турция - БИЗНЕС - Справочник по экономике Турции

14. <http://www.itkib.org.tr/> Istanbul Textile & Aprarel Exporters Union
интернет сайти

Таянч иборалар:

1. Верф.
2. Ялпи миллий маҳсулот.
3. Ялпи ички маҳсулот.
4. Экспорт.
5. Импорт.

Саволлар:

1. Туркия машинасозлик ва электротехника саноатининг ривожланиши.
2. Иқтисодиётда тўқимачилик саноатининг ўрни.
3. Тўқимачилик саноатини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар.
4. Саноат маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва муаммолар.
5. Туркия тўқимачилик саноатининг ривожланиши.
6. Енгил саноат тармоғида тўқимачилик саноатининг ўрни.
7. Енгил саноат тармоғида кўн-тери саноатининг ўрни.
8. Жаҳон бозорида Туркия енгил саноат маҳсулотларининг ўрни.
9. Туркияда енгил саноат маҳсулотларини ривожлантириш истикболлари.

Маъруза -5

Мавзу: Қишлоқ хўжалигини тармоқлар бўйича ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари.

Режа:

1. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар.
2. Мамлакат қишлоқ хўжалигидаги инвестицион иқлим хорижий сармоядорлар учун жудаям қулай.
3. Дехқончилик тармоғи.
4. Чорвачилик тармоғи.
5. Ўрмон ва балиқчилик хўжалиги.

1. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар.

Туркия ҳукумати мамлакатда қишлоқ хўжалигининг ривожлантиришни инкилобдан кейиноқ бошлаган эди. 1923-31 йилларда Туркиянинг иқтисодий ривожланишида давлатнинг иқтисодий сиёсати қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан иборат бўлган эди.

Мамлакат субтропик иқлимда жойлашган бўлиб, қишлоқ хўжалиги тармоқларининг деярли барча соҳалари ривожланган. Қишда, аниқроғи январ ойида 5С иссиқдан -15С совуқ бўлади.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган асосий дарёлари Евфрат, Тигр, Қизил Ирмоқ ва Сакаръя дарёларидир. Шу билан бирга Туркияда иккита кўл мавжуд бўлиб, улардан қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайди, яъни Ван ва Туз.

Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши билан мамлакат аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини тўла қоплайди. Мамлакатда 6700 га яқин турли хил ўсимлик турлари мавжуд.

1945 йилда мамлакатда аграр ислохот қабул қилиниб, ушбу ислохотда деҳқонларга ер ажратиш ҳақидаги қонун қабул қилинади. Қонунга мувофиқ 5 гектаргача ерга эга бўлганлар фермерчилик, 5 гектардан 50 гектаргача – ўрта, 50 гектардан ортиқ ер эгаларини йирик ер эгалари ҳисобланди.

Туркияда қишлоқ хўжалигининг ривожланишига қадимдан катта аҳамият бериб келинган. Бу тармоқ ҳозирги кунда ҳам барча сиёсатчилар ва давлатнинг диққат марказида туради ва халқ хўжалигининг етакчи тармоғи ҳисобланади.

Аҳолининг аксарият қисми (60%) ҳамон қишлоқларда истиқомат қилади. Умумий ишлаётган ишчи кучининг 50 %и қишлоқ хўжалигида банд. Қишлоқ хўжалиги ниҳоятда кенг қиррали бўлиб, бу Туркиянинг минтақавий хусусиятларидан, табиий шароити, иқлим ва рельефининг хилма-хиллигидан келиб чиқади. Туркия тоғли мамлакат, лекин у чегарасиз қир-адирлар, серҳосил текисликлар, сув хавзаларига ҳам эга. Жами майдоннинг 1/3 қисми ўтлоқ ва яйловлар, яна 1/3 қисми ишланадиган ерлардан (25,5 млн. гектар) иборат. Экин майдонининг 80%и донли экинлар, 15%га яқини техник экинлар эгаллайди. Боғ ва токзорлар 3,3 млн. гектарни ташкил этади.

Ялпи ички маҳсулот таркиби. (фоиз ҳисобида).

	2006 йил
Қишлоқ хўжалиги	13%
Саноат	26%
Хизмат кўрсатиш	61%

Манба: <http://www.tcmb.tr/> –Туркия Республикаси Марказий банки сайти, Статистика бўлими.

Қишлоқ хўжалигида ялпи ички маҳсулотнинг деярли 13%и яратилади. Бу миқдорнинг 60%дан кўпроғи деҳқончиликда, 37%га яқини чорвачиликда (шундан 1,8%и балиқчиликда) ва 2,1%и ўрмончиликка тўғри келади.

Туркия қишлоқ хўжалиги ҳозирги кунда ўз аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлабгина қолмай, балки чет элларга кўплаб ҳар хил маҳсулотларни, шу жумладан дон ва дон маҳсулотларини, цитрус ва меваларни ва ҳар хил қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан ишлаб чиқарилган консерваларни ҳам экспорт қилмоқда.

Туркия ерлари нотекис ва жами майдоннинг 80 %и тоғли бўлиб, тупроқ ва экин экиш учун унча яроқли бўлмагани учун экин экиладиган ерлар ва айниқса суғориладиган ерлар ниҳоятда қадрланади. Шунинг ҳисобга олган ҳолда Туркия ҳукумати 2 млн.га яқин янги ерларни келажакда ўзлаштириш вазифасини қўйган. Бунинг учун янги сув ҳавзалари, омборлари ва бошқа сув иншоотлари барпо этилмоқда. Бу борада бизнинг республикаимиз анча олдинлаб кетганлиги маълум. Шундай экан, биз ўз тажрибамиз ва хизматимизни туркиялик дўстларимизга ўртоқлашиш учун таклиф этсак, ҳар иккала мамлакат учун маъқул иш бўлар эди.

Туркия қишлоқ хўжалигида ҳам умумиқтисодий модели зиддиятлари яққол кўзга ташланади. Биз бу тармоқда баъзи хўжаликларда энг янги агротехника ва технология ютуқларидан, вертолёт ва самолётлардан ҳам кенг фойдаланилаётганлигини кўрсак, бошқа бирларида ҳамон ёғочдан ясалган омор ва от қўшилган плуглар ишлатилаётганлигини кўрамиз. 1990 йилда 600 мингдан ошиқ ёғоч омор, 400 мингга яқин донни ажратадиган ёғоч мосламалар, 600 мингга яқин от оморлари билан бир қаторда, 11,8 минг комбайн, 59 минг самолёт ва вертолёт, 79,8 минг ёмғир ёғдиргич ускуналари ишлатилган.

Бироқ бу бизга Туркия қишлоғида бўлаётган ўзгариш, ривожланиш тенденцияси ҳақида баҳс қилиш учун ҳам имкон беради. Ёғоч омор каби эски меҳнат қуроолларини ҳам миқдор, ҳам нисбий жиҳатдан йил сайин қисқариб бораётганлигидан ва улар ўрнини янги замонавий илғор техника ва технология

эгаллаётганлигидан далолат беради. Ҳозирги кунда мамлакат қишлоқ хўжалик машиналари парки 750 мингга яқин трактор, 12 минг комбайн, 263 минг культиватор, 350 минг сепараторлар ва шукаби машина техникаларга эгалар. Энг муҳими шундаки, бу техниканинг кўпгина қисмини Туркиянинг ўз қорхоналарида ишлаб чиқарилмоқда. Масалан, шу кунларда Туркия қишлоқ хўжалик машинасозлик саноати йилига 30 мингга яқин трактор ва 30 мингдан ортиқ плуглар етказиб бериш, тайёрлаш қувватига эга. Кимё саноати эса 7 миллион тонна минерал ўғит ишлаб чиқармоқда. Булар мамлакатнинг ўсиб бораётган эҳтиёжини тўлиқ қондира олмаслиги табиий. Лекин бу ишлаб чиқариш базасини Туркиянинг ўзида яратилганлиги яқин келажакда бу эҳтиёжни қондирибгина қолмай, балки чет элларга ҳам экспорт қилиш мумкинлигига ишонч туғдиради.

80-йиллар бошидан қишлоқ хўжалигида ўтказилган иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий ўзгаришлар, янги техника ва технология ютуқларини; минерал ўғит, хашоратларга қарши гербицид ва бошқа киёвий янгиликларни, юқори ҳосилдор навли уруғларни ва зотдор моллар ва парранда турларини кенг жорий қилинишини Туркия қишлоқ хўжалигида “Яшил инқилобни” амалга ошириш имконини берди. Ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулдорлиги деярли икки баробарга ўсди.

2. Мамлакат қишлоқ хўжалигидаги инвестицион иқлим хорижий сармоядорлар учун жуда ям қулай.

Туркия ҳукумати хорижий капитални жалб этишнинг ўз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисоблаб, унинг мақсади иқтисодий муносабатларда илғор ўринлардан бирини эгаллашдир.

1980 йилгача мамлакат иқтисодиётига 280 млн. АҚШ доллари миқдорида капитал қўйилган бўлса, 20-аср охирига келиб ушбу рақам 23,8 млрд. АҚШ долларига ўсди. Туркиядаги асосий сармоядорлар – Франция, АҚШ, Нидерландия, Германия, Швейцария, Буюк Британия, Италия ва Япония. Барча хорижий қўйилмаларнинг 64,3 %и Европа Иттифоқи мамлакатларига тўғри келади. Хорижий инвестицияларнинг деярли 57 %и – қайта ишлаш саноатига, 40 % - хизмат кўрсатиш соҳасига (биринчи навбатда туризм ва тижоарт кўчмас мулкка), 1,7 % - қишлоқ хўжалигига ва 1,1 % - тоғ-кон саноатига қўйилган эди¹.

Жаҳон банки ўз эътиборини 2002 йилда қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ жойларини ривожлантириш стратегияси доирасида қишлоқ жойларини

¹ <http://www.villara.ru>

ривожлантиришга қаратгандан бошлаб, қишлоқ жойларини ривожлантиришга қўйилаётган инвестициялар 2002 йил бюджет йилидаги 5 млрд. АҚШ долларида 2004 йил бюджет йилидаги 7 млрд. АҚШ долларига етди, яъни деярли 40 %га ошган. Қишлоқ жойларини ривожлантиришга қўйилаётган инвестицияларнинг учдан бири инфратузилма секторига йўналтириган бўлиб, қишлоқ хўжалиги эса барча капиталларнинг бешдан бирига эга бўлган.

Банкнинг ижрочи директорлар кенгаши томонидан қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ жойларини ривожлантириш – “Қишлоқ жойларида камбағал аҳолини қамраб олиш” – стратегияси бешта асосий ҳолатларга асосланади. Ушбу стратегия ривожлантиришнинг юқори самарсини таъминловчи бешта ўзига хос хусусиятларга эга:

1. Асосий эътибор – камбағаллар. Банк меҳнат ва ердан катта даромадни таъминловчи камбағалларга йўналтирилган қишлоқ жойларини ривожлантириш дастурини амалга оширади.
2. Кенг миқёсда иқтисодий ўсишни таъминлаш. Гарчи қишлоқ хўжалиги қишлоқ жойларида иқтисодий ўсишни асосий двигатели ҳисоблансада, шунингдек Банк ривожланишни жадаллаштиришда нофермер иқтисодий фаолият аҳамиятини ва хусусий сектор ролини тан олади.
3. Қишлоқ жойларидаги барча муаммоларни ҳал этиш. Банк узоқ муддатга мўлжалланган секторлар ўртасидаги ёндошувга ўтади, аммо бир вақтнинг ўзида аввалги барча манфаатдор томонларнинг қизиқишларини қамраб ола олмаган “юқоридан пастга” ёндошувининг камчиликларини бартараф этиш билан ҳам шуғулланади.
4. Барча манфаатдор томонлар бирлашувини шакллантириш. Банк дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишида барча манфаатдор томонларни кенг миқёсда иштирок этишини таъминлайди.
5. Мижоз – мамлакатдаги глобал вазиятлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш. Банк ривожланаётган мамлакатларга тегишли бўлган халқаро глобал муаммоларга катта эътибор қаратади. Масалан, савдо сиёсати масалалари, қишлоқ хўжалиги субсидиялари ва глобал иқлим ўзгаришлари.

Глобал даражада ўзаро мувофиқлаштириш. Жаҳон банки қишлоқ жойлари ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни сармоявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш сиёсатидаги чора тадбирларни тасдиқлаш бўйича донор, мижоз-мамлакатлар ва манфаатдор томонлар билан иш олиб боради. 2003 йилда тузилган “Қишлоқ жойларини ривожлантиришнинг глобал донор платформаси” ўзаро

мувофиқлаштиришнинг асосий механизми бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари Банк БМТ нинг очлик масалалари бўйича Мақсадли гуруҳ ишида иштирок этади, қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ жойларини биргаликда ривожлантириш тадқиқотларини қўллаб-қувватлайди ва минг йиллик Декларациясида қабул қилинган ривожлантириш мақсадларига эришиш учун имкон яратади.

Стратегияни амалга оширилши қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ жойларини ривожлантиришдаги инвестициялар билан боғлиқ вазиятларни сезиларли даражада яхшиланишига олиб келди.

- Ҳозирги кунда деҳқонлар жамоаси негизида ривожлантириш концепцияси кенг амалга орширилмоқда. Масалан, Бразилиянинг шимолий-шарқи ва Ҳиндистондаги камбағалликни қисқартириш учун олиб борилаётган лойиҳа ва дастурлар доирасида.
- Шарқий Европа ва Марказий Осиё, Шарқий Осиё ва Тинч океани минтақаси, Лотин Америкаси ва Кариб бассейнида ер ислохотлари ва қишлоқ хўжалиги маъмурияти бўйича лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.
- Ўрмон лойиҳа портфели Бразилия ва Россия каби мамлакатларда амалга оширилаётган лойиҳалар туфайли жаҳонда қўриқланаётган қўшмча 50 млн. гектар ерни қўшган ҳолда кенгайтирилмоқда. 2004 йили ўрмон дастурлари доирасида ўрмонлар учун мўлжалланган 22 та чора тадбирлар молиялаштирилди.
- Халқаро молия корпорацияси ушбу соҳа учун ўзининг молиявий мажбуриятларини 2001 молиявий йилдаги 5 млн. АҚШ долларида 2005 молиявий йилда 300 млн. АҚШ долларигача кўпайтирди.
- Туркия, Тунис, Ҳиндистон ва Хитойдаги лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширилиши туфайли табиий ресурсларни бошқариш борасидаги ишлар кенгайтирилмоқда.

Инновацион ёндошувлар. Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ жойларини ривожлантириш соҳасида доимий юзага келувчи мураккаб вазифаларни ҳал этиш учун бир қатор ҳолатлар қабул қилинди:

- Туркия ва Руминиядаги табиий офатлар оқибатларини камайтириш бўйича;
- Бразилия, Озарбайжон ва Мозамбикда лизингни молиялаштирувчи молиявий кооперативларни ташкил этиш бўйича;
- Мексика ва Хитойда ирригация тизимини тиклаш ва сувдан фойдаланувчилар ассоциациясини мустаҳкамлаш бўйича;

- Табиий офатлар оқибатларини камайтириш бўйича, масалан, Европа ва Марказий Осиёда ва Тинч океани минтақасидаги орол давлатларда;
- Хитой, Перу ва Угандада қишлоқ хўжалик секторидаги давлат хусусий корхоналар ўртасидаги ҳамкорликни юзага келтириш;
- Шри-Ланка ва Никарагуа каби мамлакатларда қишлоқ жойларидаги инвестицион иқлимни яхшилаш ва Ҳиндистон, Эфиопия ва Украинада об-ҳаводан суғурталашни жорий этиш бўйича;
- Танзания, Ҳиндистон ва Монголияда хом-ашё нархининг ўзгариши ва об-ҳаво омиллари билан боғлиқ таваккалчилик лойиҳаларини амалга ошириш бўйича;²

Туркияда қишлоқ хўжалиги саноат секторига нисбатан жудаям секни ўсиш суръатига эга бўлса ҳам, бир қанча юқори кўрсаткичлар бўйича иқтисодиёт тармоқларида асосий ўринни эгаллаб келмоқда: деҳқончилик, чорвачилик ва бошқа унинг таркибига кирувчи (ўрмон хўжалиги, балиқчилик) иқтисодий фаолият соҳаларида меҳнатга лаёқатли аҳолининг ярмидан кўпи банд бўлиб, ялпи миллий маҳсулотнинг бешдан бирини ташкил қилади. Охириги йилларда мамлакат экспортидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг улуши сезиларли даражада қисқарди, аммо шунга қарамай 20-25 %дан кам бўлмаяпти. Деҳқончиликда ушбу тармоқ даромадининг учдан икки қисми шаклланади. Иккинчи ўринда чорвачилик (33,4%) турган бўлса, ўрмон хўжалиги (1,9%) ва балиқчиликнинг (1,7%) роли сезиларсиз³.

1994 йили иқтисодиётнинг аграр сектори, ўрмончилик ва балиқчиликни ҳам қўшган ҳолда, ЯИМнинг 15,7 %ини таъминлаган бўлиб, мамлакат меҳнатга лаёқатли аҳолининг тахминан 40%ини иш билан банд этиш имкониятига эга бўлган. Анъанавий равишда деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланувчи Анатолия адирларида деҳқонларнинг кўпчилиги хусусий ер эгалари ҳисобланади. Мамлакатнинг бойроқ қирғоқ районларида, хусусан Эгей денгизи қирғоқларида, йирик ер эгалари жойлашган бўлиб, улар ёлланган қишлоқ хўжалик ишчиларининг меҳнатидан фойдаланишади. Ушбу районларда пахта, тамаки ва мевали дарахтлар каби маҳсулотлар етиштирилади.

Туркия қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг ҳамма шакллари сақланиб қолган. Бироқ, улар ичида хусусий мулкчилик улуши деярли 90 %ни ташкил қилади. Шу жумладан ҳосилдор ва экиш учун қулай ерлар ер эгаларининг қўлида.

² <http://wbln0018.worldbank.org>

³ <http://www.antalya.ru>

Улар мулкларнинг хажмига қараб йирик, ўрта ва кичик ер эгаларига бўлинадилар. Туркия қишлоқ хўжалиги учун хос хусусиятлардан бири давлатнинг деҳқонлар учун барча шароитни яратиб берганлигини таъкидлаш лозим. Масалан, давлат, аввало, ёмон ва кам ҳосилли ва бекор ётган ерларгагина эгалик қилади холос. Ҳатто яйлов ва ўтлоқлар ҳам деҳқонларнинг умумий мулки ҳисобланади ва улардан ҳар бир деҳқон тўлиқ ва хоҳлаганича фойдаланиши мумкин.

Давлат хўжаликлари қишлоқ хўжалигида илмий тадқиқот, тажриба ўтказиш каби харжатлари даромадларидан кўп фойда бермайдиган ёки умуман рентабелсиз соҳаларда сақланиб қолган.

Улар деҳқонлар учун янги юқори унумли техника ва технология яратиш, серҳосил уруғлар етказиб бериш, қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарини, машина ва тракторларни ишлаб чиқариш; синовдан ўтказиш, наслдор моллар етказиш каби соҳаларни ўз ичига олади.

Умумий қишлоқ хўжалигидаги мулкнинг ўзгариб, ривожланиб боришини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бу борада ўртаҳол деҳқоннинг улуши ҳар томонлама ошиб бормоқда. Бу албатта, қишлоқ турмуш даражасини яхшиланиб бораётганлигидан далолат беради. Туркияда ўртаҳол деҳқон деб бешдан ўн гектаргача ери бўлган деҳқон тушунилади. Кичик ер эгалари инқирозга учраб қашшоқлашиб бормоқдалар. Оқибатда улар шаҳарларга ёлланма ёки ижарабайлик ишларига ўтмоқдалар. Хуллас, уларнинг улуши қисқариб бормоқда.

Туркия қишлоқ хўжалигида ижарачилик кенг ривожланган. Майда товар ишлаб чиқарувчи бу ижарачилар Туркия иқтисодиётида муҳим рол ўйнамоқдалар. Улар ижарага берилган барча ернинг 40 %идан кўпини ташкил этадилар. Улар дон маҳсулотининг деярли ҳаммасини етказиб бормоқдалар. Туркия қишлоқ хўжалигидаги бу тажриба бизга ҳам қўл келиши мумкин.

Умуман мамлакат бўйича деярли 10% деҳқон оилалари фақатгина катта бўлмаган ер майдонларига эгалар ёки умуман эга эмаслар. Шу сабабли мамлакат шарқида аграр ислохотларни ўтказиш бўйича талаб айниқса юқори. 1973 йили ҳукумат дастур қабул қилган бўлиб, унга кўра 3,2 млн. гектар ер кейинги 15 йил давомида тахминан 500 минг ерсиз деҳқонлар ўртасида бўлиб берилиши кўзда тутилган эди. Ушбу ерларни $\frac{1}{4}$ қисми хусусий мулкка тегишли бўлиб, қолган қисми давлатга ихтиёрида эди. Аммо 1970 йиллардаги сиёсий нобарқарорлик сабабли ушбу дастур амалга оширилмади.

Ғаллачилик ва чорвачиликдаги ишлаб чиқариш барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг $\frac{2}{3}$ қисмини таъминлайди. Иккала тармоқ ҳам Анатолия тепаликларида яхши ривожланган бўлиб, у ерда ҳосилдор уруғлар, минерал

ўғитлар ва порадали чорваларни фаол жорий этилмоқда. 1995 йили ғалла ҳосили умуман деярли 28 млн. тоннани ташкил қилган бўлиб, улардан тахминан 2/3 қисми буғдой ва ¼ қисми қора буғдой хиссасига тўғри келган.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қолган 1/3 қисми тенг улушда мева ва сабзавотлар ва асосан пахта (1995 йили 837 минг тонна), тамаки (178 минг тонна) ва шакар қамиш (11,7 млн. тонна) иборат техник экинлар ҳосилидан шаклланади⁴.

Сабзавот ва полиз экинлари асосан истеъмолчиларга яқинроқ ерларда, йирик шаҳар ва портлар, уларни қайта ишлаш ва консервалаш марказлари атрофида экилади. Ҳозирги Туркия ўзи етиштирган сабзавот ва полиз экинлари билан аҳолининг кундалик эҳтиёжларини тўла қондирибгина қолмай, балки ўзининг қайта ишлаш, консервалаш заводлари қувватларини ҳам тўла банд эта олади. Аҳоли ёзин-қишин ушбу маҳсулотлар билан таъминланибгина қолмай, чет элларга ҳам етказиб берилмоқда. Масалан, Туркиянинг 2001 йилда 1184,2 млрд. лирالي ўсимлик маҳсулотлари экспорт қилинган, шу жумладан 95 минг тоннаси томатлардир.

Пахта ва бошқа техник экинлар етиштириш борасида ҳам Туркия жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Пахта ҳосилдорлиги нисбатан оз бўлишига қарамай (ҳар гектардан 7,5 – 9,0 центнер), умумий ҳосил бўйича Туркия ўз эҳтиёжини тўла қондира олади. Масалан, 2001 йилда 616 минг тонна пахта толаси олинган.

Туркия қанд лавлаги ва шакар қамиш етиштириш учун ҳам яхши табиий шароитга эга. Йилига ўртача 10-12 млн. тонна қанд лавлаги етиштирилмоқда. Бу ўзининг қанд заводларининг эҳтиёжларини тўла қондиради.

Туркия тамакиси ва чойи ҳам жаҳонда машҳур. Бу маҳсулотлар бўйича ҳам Туркия ўз эҳтиёжларини тўла қондирибгина қолмай ҳар йили экспортга ҳам чиқарилмоқда. Туркия боғдорчилиги яхши ривожланган. Унинг ток, зайтун ва мевали боғлари 3 млн.дан ортиқ гектарни эгаллайди. Бу борада ва айниқса, токзорлари ва узум ҳосилдорлиги жиҳатидан жаҳонда энг юқори ўринларни эгаллайди. Туркияда жаҳонда етиштириладиган фундук ҳосилининг 50 %ини олади ва экспортга чиқаришда 1-ўринни эгаллайди. Туркиянинг чорвачилиги яхши ривожланган бўлиб, унинг шарқий қисмида чорвачилик халқ хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланади. Чорвачиликда 3 млн. га яқин йирик шоҳли ва 17 млн. кичик шоҳли моллар мавжуд. Чорвачилик соҳасида қўйчилик биринчи

⁴ <http://turcia.ru/page30.php>

ўринда туради. Уларнинг сони умумий чорва туёғининг ярмидан кўпроғини, яъни 45 млн. бошдан кўпроғини, олинадиган даромад эса умумчорва даромадининг 45 %идан ошиқроғини ташкил этади.

Чорвачиликда эчкичилик иккинчи ўринни эгаллайди. Уларнинг сони деярли 20 миллионга яқин. Туркияда қимматбаҳо майин жун берувчи Ангор эчкиларига кўпроқ эътибор берилади. Бу борда махсус илмий-тадқиқот ва тажриба ўтказиш хўжаликлари мавжуд. Турк олимлари Ангор эчкисининг кўпайиши, ўсиши ва жун бериши устида илмий ишлар олиб бормоқдалар. Чорвачилик ва айниқса, қўйчиликнинг ривожланганлиги Туркияни жун етказиб берувчи жаҳонда етакчи ўнта мамлакат қаторига киритиб қўйди. Туркияда йилига 40 минг тоннадан зиёд қўй жуни етиштирилади, бу эса жаҳондаги ишлаб чиқариш миқдорнинг 2,5%ини ташкил этади. Бироқ мамлакатда етиштириладиган жун калта ва қалин (30 микрондан кўпроқ) ҳисобланади. Бу эса тайёр кийимлар эмас, балки гилам тўқимачилигини ривожлантиришга қўл келади. Туркияда ҳар йили тахминан 120 минг тонна жун ипи ва 70 млн. метр жун газлама ишлаб чиқарилади. Шу каби илмий-тадқиқот ишлари қишлоқ хўжалигининг деярли ҳамма соҳаларини қамраб олган ва айниқса кейинги йилларда яхши натижаларга эришилмоқда. Туркияда қорамолчилик ва паррандачилик ҳам яхши ривожланган. Энг юксак ихтисослашган ва янги замонавий усулда ташкил этилган товар қорамолчилиги ва паррандачилиги аксарият тижоратчи сармоялар томонидан мамлакатнинг ғарбий ва қисман шарқий қисмида ташкил этилган. Умуман Туркияда 3 млн.га яқин йирик шохли моллар мавжуд. Уларда ҳам бу қора моллар ҳар хил ихтисослашган фермалар шаклида боқилади.

Сутчилик йўналишидаги бир қорамолдан ўртача 1200 кг дан ортиқ сут соғиб олинмоқда. Умуман, қишлоқ хўжалиги ва айниқса, чорвачилик маҳсулдорлиги жиҳатидан Туркия Ғарбий Европа мамлакатларидан анча орқада. Бу унинг умумий ҳолатига мос келади. Лекин кейинги ўн йиллик натижалари шуни кўрсатадики, мамлакатда олиб борилаётган актив селекция ишлари, агротехника, фан ва айниқса кимё ютуқларини қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларига татбиқ қилиш яхши натижалар бермоқда.

Паррандачиликнинг ҳам ҳамма соҳалари тез ривожланиб бормоқда. Уй хўжалик паррандачилигининг ўрни Туркияда бошқа мамлакатларга ва айниқса Европа Иттифоқи мамлакатларига нисбатан анча юқори. Ҳамкорликдаги қўшма паррандачилик мажмуалари мамлакатда тез ривожланмоқда ва кенг тарқалиб бормоқда. Бу соҳада давлат мулкисининг улуши камайиб бораётганлиги ҳам мантиқан тўғри бир ҳолдир.

Туркиянинг уч денгиз билан ўралганлиги ва дарё кўллари, сув ҳавзалари, иқлими, ўсимлик дунёси, мусаффо ҳавоси, ипакчилик, асаларичилик ва балиқчилик учун айниқса қулай шароит яратади. Бу тармоқни ривожлантиришда анчагина фойдаланилмаган имкониятлар мавжуд.

Ўрмон хўжалиги Туркиянинг 26% ерини эгаллаб ётибди. Бироқ, унинг ўрмонлари тўлиқ равишда халқ хўжалигида юқори унумда фойдаланиш имконини бермайди. Чунки уларнинг бир қисми қуруқ ерларга тўғри келса (улар бўйи паст ва шохлаб ўсади), бошқаларининг сифати паст ва улардан кўпроқ ўтин тайёрланади.

3. Деҳқончилик тармоғи.

Туркия учун асосан йирик ер эгаллиги характерли. Мамлакат ҳудудининг тахминан 1/3 қисми ишлов бериладиган ерлардан иборат (Европада иккинчи ва Осиёда тўртинчи ўрин). Туркия деҳқончилигида донли, дуккакли, сабзаёт полиз ва техник экинлар, шунингдек мевачилик маҳсулотлари етиштирилади. Бугдой ва арпа деҳқончилик экинларида илғор ролни ўйнайди (экин майдонларининг деярли 82 %и). Маккажўхори, қора бугдой(жавдари), сули, тарик, гурунч нисбатан кам аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалигида ғалла алоҳида ўринни эгаллаб, экиладиган ерларнинг деярли 80 %ини ташкил қилади. Ғалла экинларидан бугдой асосий ўринни тутати. Туркия бугдой етиштириш бўйича дунёда энг олдинги ўринларни эгаллайди. Бугдой ҳосилдорлиги ҳозирги кунда 20 %га яқинлашиб қолган. 2001 йилда 20,4 млн. тонна бугдой етиштирилган. Мамлакат эҳтиёжини бу миқдор тўла қоплаган ҳолда, хорижга 1 млн. тоннадан ортиқроғини экспорт қилиш имконини берган.

Ғалла экинларидан: арпа, маккажўхори, шоли; дуккакли экинлардан: ловия, мош, нўхат кабилар ҳам Туркия тупроғида юқори ҳосил беради. Умуман 2001 йилда 31,1 млн. тонна дуккакли, 0,4 млн. тонна цитрусли каби маҳсулотлар хорижга экспорт қилинган.

Дон экинларининг 65 %дан юқори қисмини ташкил этаётган бугдой асосан ички Анатолия районида етиштирилади. Туркияда асосан баҳорги бугдой экилиб, фақатгина юқори тоғли районларда кузги бугдой етиштирилади. Юқори навли Мексика сортлари ва Россия сортлари (Безостая – 1) экилади.ушбу экиннинг бир қисми экспорт қилинади.

Арпа – озиқ-овқат ва ем-хашак экини. Унинг бир қисми пиво қилинади. Асосий ишлаб чиқариш районлари – Марказий ва Жанубий-Шарқий Анатолия.

Маккажўхори – аҳамияти бўйича озиқ-овқат ва ем-хашак экини. Қишлоқ аҳолисининг асосий истеъмол маҳсулоти ҳисобланган маккажўхори Қора денгиз қирғоқларида етиштирилади. Иккинчи ўринда Мармар райони келади.

Гурунч – Туркия деҳқончилигида унча аҳамиятга эга бўлмасада, сунъий равишда иқлими иссиқ жойларда етиштирилади. Уни етиштирилувчи асосий районлари – Мармар денгизи, Ўрта ер денгизи, Қора денгиз атрофлари.

Бошқа дон экинлари – жавдар(қора буғдой), сули, тарик, полба(буғдойнинг бир нави) кичик миқдорда етиштириладиган бўлиб, бунинг устига уларнинг ҳосили кескин камайиб бормоқда.

Дуккакли экинлар экин майдонларида жудаям кичик жойни эгаллайди (деярли 8 %), аммо уларнинг иқтисодий аҳамияти катта. Дуккакли экинлар таркибига озиқ-овқат (ясиқ, нўхат, фасоль, кўк нўхат ва ловия) ва ем-хашак (хашаки нўхат, беда, люпин(бўрилуқкак) ва эспарцет) маҳсулотлари киради.

Полиз экинлари асосан йирик шаҳарлар яқинида кенг тарқалган. Илдизмевали (картошка, пиёз ва чеснок) ва полиз экинлари (қовун, тарвуз), шунингдек бодринг, помидор, карам, бақилажон ва гаримдори маҳсулотлари кенг талаб қилинадиган маҳсулотлардир.

Техник экинлар нисбатан катта бўлмаган майдонларда етиштирилади (барча экинларнинг 12 %дан ками), аммо уларнинг роли жуда юқори, чунки улар миллий ишлаб чиқаришни хомашё билан таъминлайди ва маълум қисми экспорт ҳам қилинади. Техник экинлар етиштиришда механизация ва ёлланма меҳнат, агроэкиннинг замонавий услублари, сунъий суғориш, ер эгаларига аванс бериб қўйиш ва бошқа шу каби ҳолатларни учратиш мумкин.

Шакар қамиш – Туркия учун янги экин тури. Қачонки 1926 йили биринчи шакар заводи қрилгандан кейин уни экиш бошланган. Ҳозирда фаолият юритаётган шакар заводлари мавжуд районларда шакар қамиш экинлари экилади.

Толали экинлар ичида барча кўрсаткичлар бўйича қадимдан экилиб келинадиган пахта асосий ўринни эгаллайди. Пахта азалдан иккита районда – Ўрта ер ва Эгей денгизи регионаларида етиштирилади. Ёғ-мой экини сифатида зиғир толаси асосан Қора денгизнинг ғарбий қисмида экилади. Ёғ-мой ишида толали экинларнинг уруғларидан ташқари кунгабоқар, кунжут, ерёнғоқ, соя, шунингдек зайтундан фойдаланилади.

Кунгабоқар – шунингдек Туркия учун янги экин бўлиб, унинг бир қисми маҳаллий ёғ-мой ишлаб чиқаришида ишлатилади, қолган қисми экспорт қилинади. Кунгабоқар фақат Мармар районида етиштирилади.

Кунжут – ёғ-мой экини бўлиб, азалдан Эгей, Ўрта ер денгизи ва Мармар районларида етиштирилади. Кунжут ёғи кондитер ва парфюмерия ишлаб чиқаришда фойдаланиб, унинг бир қисм уруғ ва ёғи импорт қилинади.

Туркия Болгария ва Греция билан бир қаторда – асосий шарқий тамаки ишлаб чиқарувчилардан бири. Асосий тамаки етиштириладиган зоналари – Эгей, Қора денгиз, Мармар ва мамлакатнинг жанубий-шарқий қисми.

Чой – шунингдек Туркия учун янги экин. Чойчилик билан асосан нам иқлимга эга Ризо-Хона районида шуғулланилади. Чой маҳсулоти ички бозорни таъминлаб, экспорт ҳам қилинади.

Туркияда мевачилик турли иқлим шароитлари туфайли юқори даражада ривожланган. Узумзор, зайтунзор, мевали боғларга эга умумий ер майдони мамлакатнинг барча ҳудудининг 3,7 %ини ташкил қилади. Мева ва ёнғоқли мева экинлари қадимдан ички товар айланмасига жалб қилинган. Шу билан бирга мевачилик муҳим экспорт тармоғи ҳисобланади. Мевачилик асосан Эгей райони, Мармар ва Ўрта ер денгизи қирғоқларида ривожланган. Иқтисодий аҳамияти жиҳатидан (асосан экспорт нуқтаи назаридан) узум, анжир, ёнғоқ, цитрус мевалар, шунингдек фундук муҳим ўринни эгаллайди. Туркия узум экиладиган майдонлари ва маҳсулотни йиғиш бўйича дунёда биринчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Пардоз берувчи ўрмон ёнғоқининг ҳосили Ғарбий Европанинг кондитер саноати учун жудаям муҳим маҳсулот бўлиб хизмат қилади ва у Туркияда кенг даражада етиштирилади. Туркия жаҳонда фундук етиштириб чиқарувчи ва экспорт қилувчи йирик мамлакатлардан бири. Анатолиянинг турли районларида грек ёнғоқининг маданий ва ёввойи чакалакзорлари кўзга ташланади.

Цитрус мевалар иккита районда етиштирилади: Ўрта ер денгизи (90%) ва Эгей денгизи. Охирги йилларда цитрус меваларини еиштиришда ўсиш кузатилади: экиш майдоналри 3-5 баробарга ва уларнинг ҳосили 10-15 баробарга кўпайган. Улкан миқдорда апельсин (300 минг тонна), лимон (200 минг тонна), мандарин (25 минг тонна), грейпфрут маҳсулотлари йиғиштириб олина бошланди.

Мамлакат бўйича, юқори тоғли районларни истисно қилган ҳолда, айтиб ўтилган мевали ва ёнғоқли экинлардан ташқари олма, нок, беҳи, ўрик, олхўри, гилос, шафтоли, олчалар ҳам етиштилади. Умуман, йилига аҳоли жон бошига деярли 270 кг сабзавот, 180 кг мева ва 100 кг дан зиёд ёнғоқ ва писта тўғри келади.

4. Чорвачилик тармоғи.

Чорвачилик – муҳимлиги жиҳатидан аграр секторнинг иккинчи тармоғи ҳисобланади. Деҳқончиликдан фарқли равишда чорвачилик(паррандачилик бундан мустасно) чорва бошларининг ўсиши ҳисобидан деярли экстенсив асосда ривожланган. Уй ҳайвонлари орасида чорвачилик сони ва иқтисодий аҳамияти бўйича биринчи ўринда қўйчилик туради: улар чорвачилик бошларининг ярмидан кўпини ташкил қилиб, қўйчилик чорвачиликдан тушаётган даромадларнинг 45 %ини таъминлайди. Оддий ва ангор эчкиси Туркияда шохли чорвачилик орасида қўйчиликдан кейинги иккинчи ўринни эгаллайди.

Чорвачилик асосан деҳқончилик билан шуғулланиш қийин табиий шароитлар сабабли чекланган шарқий тоғли районларда муҳим тармоқ сифатида қолмоқда. 1994 йили мамлакатда 36 миллион бош чорва ҳисобланган бўлиб, улардан гиламчилик учун жун, шунингдек тери ва гўшт олинади. 12 млн. йирик шохли чорва сут, гўшт ва тери учун боқилган. Мамлакатда 10 млн. эчки бўлиб, улардан $\frac{1}{4}$ қисми ангор эчкиларидан иборат бўлган. 13 миллион деб ҳисобланаётган йирик шохли моллар таркибига мол ва буқалар, буйвол ва сигирлар киради. Қолганлари – улов чорвалари, шунинг ёш чорва молларидан иборат. Туркияда ишчи ва транспорт чорвалари қуйидагилардан иборат: эшак, хачир ва тоғли жой шароитларида туялар.

Паррандачилик оқ гўшт(товуқ) ва тухумга бўлган бозор талабининг ошиши билан боғлиқ равишда охирги ўн йил ичида сезиларли ривожланди. Исроил капитали ёрдамида йилига 100 миллион бройлер ва деярли 1 млрд. тухум ишлаб чиқаришга асосланган паррандачилик мажмуаси ташкил этилди. Айниқса Қора, Мармар ва Эгей денгизи районларида уй паррандачилигининг (товуқ ва индюк) роли ҳам ошди.

5. Ўрмон ва балиқчилик хўжалиги.

Мамлакат учта денгиз билан ўралганлиги туфайли балиқчиликни ривожлантириш учун улкан имкониятлар мавжуд. Бунга ички сув хавзаларининг ҳам(кўл ва сув омборлари) мавжудлиги имкон беради. Аммо балиқ овлаш техникасининг қолоқлиги сабабли ушбу тармоқ кўзланган натижани бергани йўқ. Овнинг тахминан 90 %ини Қора ва Мармар денгизи беради. Балиқнинг асосий турлари: хамса, ставрида, сардина, сардина, кефаль, скумбария, тунец. Чучук сувда яшовчи асосий балиқ турлари: сазан, форель, кефаль ва бошқалар. Умуман, йилига аҳоли бошига 11 кг балиқ тўғри келади.

Ўрмон ва чакалакзорлар барча малака ҳудудининг 25,9 %ини эгаллайди ва туркия ўрмон майдони бўйича Европада 4-ўринда туради (Россия, Швеция, Финландиядан кейин). 1937 йили қабул қилинган “Ўрмонларни миллийлаштириш ҳақидаги қонун” га мувофиқ деярли барча ўрмонлар ҳозирда давлат қўлида. Турли ўрмон ҳудудларининг таъминоти жудаям нотекис. Ўрмон ҳудудларининг деярли ярми Қора денгиз яқинидаги 150 км узунликка тўғри келади; ўрмонларнинг қолган қисми Тавр тоғлари ва Эгей денгизи қирғоқларига тўғри келади.

Туркиядаги ўрмонларнинг нисбатан шунда салмоқли ҳудуднинг эгаллаши ўрмон хўжалигининг ривожланганлигини ва унинг ривожланиши учун қулай имкониятларнинг мавжудлигини кўрсатмайди. Биринчидан, ўрмон ҳудудларининг бир қисми бу чакалакзорлар ва ёғоч-тахта олиниши учун эмас, балки ўтинбоп дарахтлар ўсадиган ўрмонлардан иборат. Иккинчидан, ўрмонлар юқори сифатли дарахт турлари билан ажралиб турмайди. Асосан булар - қарағай ва қора қарағай (78 %), япроқли дарахтлар (14 %) ва аралаш ўрмонлар (8 %). Барча ҳолатлар бўйича сифатли ўрмон барча ўрмонлар ҳудудининг 30,6 %ини ташкил қилади.

Ғарбда мамлакатлар тери ва бўёқ ишларида фойдаланиладиган эман моддасини (танин) берадиган эман, чўчкаёнғоқ (эман дарахтининг меваси) етиштилади. Ўрмонлар бошқа маҳсулотларни ҳам беради: ёғоч-тахта, дарахт елими, қизилмия илдизи, бухўр (дарахтлар пўстлоғидан олинадиган хушбўй смола) ва бошқалар⁵.

Маъруза -6

Мавзу: Туркияда молия тизимининг ривожланиши

Режа:

- 3. Туркия банк тизими: ўзига хос хусусиятлари ва тузилмаси.**
- 4. Иқтисодиётни бюджет томонидан тартибга солиш.**

Туркия банк тизими: ўзига хос хусусиятлари ва тузилмаси.

Туркия банк тизими Марказий банк, давлат тижорат ва хусусий банклар тармоғи ва хорижий банклардан иборат. 1990 йили Марказий банк активлари

⁵ <http://history.rin.ru>

деярли 65 триллион турк лирасини ташкил қилиб, ундан 4,4 триллион лираси – олтин ва 17,5 триллиони хорижий валюта шаклида бўлган. Марказий банк депозитлари (қўйилмалари) 9,9 триллион турк лираси ва 32,2 триллион турк лираси – хорижий валютани ташкил қилган. У мамлакатнинг барча вилоятларида ва йирик шаҳарларида ўзининг филиалларига эга. Йирик тижорат ва хорижий банкларнинг рўйхати ва активлари қуйидаги жадвалда бериб ўтилади.

1-жадвал.

Туркиядаги асосий тижорат банклари.

	Умумий депозитлар	Даромади, млрд. тл	Филиаллари сони
Давлат банклари			
Зироат	21376,2	1030,9	1252
Емлак	8216,7	113,1	410
Халқ	5290,7	43,0	685
Этибанк	1496,8	--	131
Бошқалар	9859,6	246,7	497
Жами	46240,0	1433,7	2975
Хусусий банклар			
Иш банкаси	11657,0	181,7	940
Яни креди	7663,6	293,0	548
Акбанк	7351,5	733,4	620
Памукбанк	4511,7	51,1	173
Т.Гаранти	4209,9	202,2	301
Т.Тижарет	3490,8	64,2	412
Бошқалар	7920,6	594,7	461
Жами	46805,1	2120,3	3555
Хорижий банклар			
Османди В	918,0	41,5	72
Т.Митсуи Банк	231,9	1,8	2
Сати бэнк	187,2	9,9	3
Бошқалар	935,6	142,9	36
Жами	2272,7	196,1	113
Ҳаммаси	95317,8	3750,0	6543

Манба: <http://www.tcmb.tr/> –Туркия Республикаси Марказий банки сайти, Статистика бўлими.

Иқтисодий сиёсатни амалга ошириш пайтида ҳар қандай мустақил давлат ҳукуматлари олдида одатда иккита танлов йўналиши туради: ёки миллий валюта

барқарорлигини сақлаш учун курашиш (ушбу ҳолат илғор ривожланган мамлакатлар учун хос) , ёки унинг сузувчи курсини жорий этиш. Биринчи ҳолатда пул қадрини ушлаб туриш ва инфляциядан қочиш учун ҳукумат тариф ставкалари ва даромадлар даражасини назорат қилиши, паст фоизли кредит беришларга йўл қўймаслиги лозим. Ушбу ҳолатда доимий равишда жаҳон бозоридаги ўзининг валюта курсини назорат қилиб бориши, мамлакатдан олтин, валюта захираларини олиб чиқиб кетилишини таъқиқлаши керак.

Турк лирасини барқарорлаштиришга бўлган бир неча уринишлардан сўнг 1981 йилдан бошлаб Туркия ҳукумати ва Марказий банки иккинчи йўлдан борди ва миллий валютани сузувчи курсини жорий қилди. Ҳозиргача ушбу курс деярли ҳар куни кўриб чиқилмоқда, доимий равишда матбуотда нашр қилинмоқда ва турк лираси бошқа мамлакатлар банкларида эркин алмаштирилмоқда. Ушбу ҳолатни қуйидаги жадвал орқали турк лирасини қатор йиллардаги ўзгариш динамикасида кўриб ўтаемиз.

2-жадвал.

Турк лирасига нисбатан АҚШ долларининг курси (минг лира).

йил	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003
\$	,8	1	9,7	5	1	52	60	20	23	225	505	493

Манба: <http://www.tcmb.tr/> –Туркия Республикаси Марказий банки сайти, Статистика бўлими.

Бериб ўтилган маълумотлардан кўриниб турибдики, АҚШ долларига нисбатан турк лирасининг курси тахминан 220 баробарга кўпайган. Дастлаб ушбу курс долларга нисбатан пасайтирилиб кўрсатилиб, валютанинг реал қиймати оширилган ва бу мамлакат экспорт имкониятларини яхшиланишини таъминлаган. Кейинчалик эса миллий валюта инфляцияси сабабли алмашув курси юқори даражаларга кўтарилиб кетган.

3-жадвал.

Туркияда инфляция даражаси, 1991-2003 йиллар (фоизда).

ил	1991	1993	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003
	6	6,4	3,1	9,3	5,3	3,6	3,6	3,9	3,9	4,8	5,2

Манба: <http://www.tcmb.tr/> – Туркия Республикаси Марказий банки сайти, Статистика бўлими.

Туркия пул-кредит сиёсатида 1984 йили ҳукумат томонидан қабул қилинган 30-сонли «Туркия валюта курсини ҳимоя қилиш ҳақидаги қарор» муҳим аҳамият касб этди. Ушбу қарорнинг 4-моддасида қарор қилинди: «Мамлакатга олиб кириладиган эркин конвертация қилинадиган валюталар чекловларсиз амалга оширилади». Туркиядаги шахслар ўзлари билан валюта олиб юришларига рухсат берилди. Улар ўз хоҳишларига кўра уни банкка, валюта ҳисоб-китоб рақамига қўйишлари ва у ерда сақлашлари мумкин. Туркиядаги шахслар зарур операцияларни амалга оширишлари учун Туркиядан ташқарида бўлган шахслардан валюта олишлари мумкин. Туркияда истиқомат қиладиган шахслар хорижга чиқиш пайтида ўзлари билан 3 минг АҚШ доллари миқдорида валюта олиб чиқиб кетишлари мумкин. Хорижга товарини сотиши билан унинг эгаси расмий экспорт қилинган кундан уч ой муддат ичида сотилган товар қийматининг 80%ини мамлакатга қайтаришга мажбур. Қолган 20%ини ўзи мустақил тақсимлайди. Транспорт, банк ва бошқа харажатлар билан боғлиқ хорижга валютада пул ўтказишлар Марказий банк ва бошқа банклардаги қоида ва чекловлар(лимитлар) орқали амалга оширилади.

Туркияда хорижликларга эркин равишда капитал қўйилмаларни амалга ошириш, савдо билан шуғуланиш, акционер сифатида иштирок этиш, бўлимлар очиш, акцияга эгалик қилиш, бюро, ваколатхона, агентлик очиш ва шу мақсадда капитал ўтказишга рухсат берилган. Шу асосда Туркияга патент, ноу-хау, лицензия ва бошқалар олиб кириш эркин.

Бундан кўриниб турибдики, Туркия ҳукумати эркин конвертация қилинадиган валютага мамлакатнинг ўтиши учун барча уринишларни амалга оширган. Чунки ундан фойдаланиш жаҳон бозорига, замонавий техника ва технологияларга, билим ва информацияга кенг йўл очади. Шундай валютанинг энг кўп оқимини туризмни ривожлантириш таъминламоқда. Бу ўринда хорижда ишлаётганларнинг ўз қариндошларига юбораётган пул ўтказмалари ҳам валюта даромадларида салмоқли улушга эга. Фақат 1989-91 йиларда шундай ўтказмаларнинг миқдори ҳар йили 3,1-3,3 млрд. доллардан ошган. Буларнинг барчаси 1990 йили валюта захирасини 21,4 триллион турк лира даражасига етказиш имкониятини берди. Умуман, валюта назорат тизими либералроқ, шу билан бир вақтда марказлашган, оммалашган ҳолда эди. Баъзи иқтисодчилар шу пайтларда хазиначилик ва ташқи савдо бошқармаларига фавқулодда кўпроқ ваколатлар бериб юборилганлигини таъкидлайдилар. Шунингдек қимматбаҳо қоғозлар чиқариш ва пул босишга тўла ҳуқуққа эга Марказий банк ваколатлари ҳам булардан кам эмас эди. Айнан ушбу иккита орган халқ хўжалигини тартибга

солишда асосий иқтисодий дастакларни тўла ва мутлақ бошқаришни амалга оширади.

Ушбу ҳолатни Туркия иқтисодиётининг турли тармоқларида чиқарилаётган қимматбаҳо қоғозлар таҳлили мисолида кўриб чиқамиз.

3-жадвал.

**Туркия иқтисодиёти секторлари бўйича қимматбаҳо қоғозлар
чиқариш.(млрд. тл)**

	1997	1998	1999	2000	2001	2002 (январ – март)
Давлат сектори	6509	8931	17679	21713	47316	26800
Давлат облигациялари	2045	3816	9061	12670	12291	16778
Хазиначилик мажбуриятлари	3955	5115	7634	8443	34277	10022
Даромадли акциялар, сертификатлар	809	--	984	600	567	--
Хусусий сектор	683	138	2298	4116	5634	1339
Акциялар	187	365	967	1807	3607	587
Облигациялар	318	211	695	762	576	83
Банк мажбуриятлари	76	238	98	330	726	250
Молиявий мажбуриятлар	56	271	465	238	660	334
Даромадли қоғозлар ва қарз мажбуриятлари	0,8	0,2	2	4	0	--
Иштироки ҳақида гувоҳнома (пайлар)	45	53	162	975	65	25

Манба: <http://www.tcmb.tr/> – Туркия Республикаси Марказий банки сайти, Статистика бўлими.

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, давлат молия бозорининг энг фаол иштирокчиси бўлиб, хусусий секторга нисбатан ўзининг қимматбаҳо қоғозлар, уларнинг хажми ва чиқариши бўйича таклифи деярли 20 баробарга ошади. Бунда акционер жамиятларини ташкил этиш орқали хусусийлаштирилаётган давлат корхоналари акцияси таклифининг ўсиши хали кузатилмайди. Ваҳоланки, уларнинг биржалар, банк ва бошқа конторалар орқали сотилиш хажми 1993 йилги 39,5 млрд. турк лирасидан 2001 йили 326,6 триллион турк лирасига етди. Бу ерда барча савдонинг 78%и банклар хиссасига, қолгани турли компаниялар, воситачилар ва брокерлар хиссасига тўғри келади. Истамбул фонд биржасининг ойлик операция хажми 1996 йил январ ҳолати билан қиёслаганда 2002 йили деярли 40 баробарга кўпайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, давлат облигациялари ва хазиначилик мажбуриятларини асосий сотиб олувчилар банклар ҳисобланади. Агар 1994 йили улар хиссасига барча савдонинг 43,4 %и, 1999 йили 90,3 %и, қолган 6,4 % ижтимоий муассасалар ва 3,3 %и хусусий сектор корхоналари хиссасига тўғри келган. Ушбу қимматбаҳо қоғознинг хусусий эгалари улуши 1994 йилги 3,5%дан деярли нолга тушиб қолган. Бундан кўриниб турибдики, одамлар ўз жамғармаларини инфляциядан ҳимоя қилиш бўйича давлат кафолати асосидаги ишончлироқ банк хизматларини афзал деб билмоқдалар. Ёки банклар ўз фаолиятларини жадаллаштириш, заҳира ва активларини мустаҳкамлаш мақсадида уларни ўзларида ушлаб туришни афзал деб биладилар.

Маълумки, қачонки Марказий банк тижорат банкларидан давлат қимматбаҳо қоғозларини сотиб олишни бошласа, уларнинг заҳиралари, яъни кредит бериш имкониятлари кўпаяди ёки аксинча. Шунга мувофиқ ўз қарзи бўйича давлат фоиз тўлаётган ўша қимматли қоғозлар маълум даромад келтиради. Бу давлат қимматбаҳо қоғозларига нима сабабдан қизиқиш уйғотганлигини англатади.

Бошқа томондан банкларнинг фоиз ставкаларини оширишга йўналтирилган қимматбаҳо қоғозлар сиёсати сармоявий фаолликни пасайтириши лозим эди. Аммо юқорида кўрсатиб ўтилган хусусий сармоялар тахлили аксинча ҳолатни ифода этади – улар тўхтовсиз ўсмоқда. Ушбу ҳолатни мамлакатда тадбиркорликнинг ривожланиши, технологик прогресс ёки келажакда капиталга кўпроқ нарх белгиланишини кутиш, инфляция сабабли реал банк фоиз ставкаларининг пастлиги билан изоҳлаш мумкин.

Туркия банк тизимининг жадал ривожланиши ҳақида қатор йиллар мобайнида Туркия пул муомалаларининг асосий кўрсаткичлари динамикаси ҳам гувоҳлик беради. Буни биз қуйидаги жадвал орқали ифода этамиз.

4-жадвал.

Туркиянинг асосий пул индикаторлари (млрд. тл)

Йиллар	1990	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001
Пул эмиссияси	279	1394	2021	3018	4485	8365	14074	20707
Заҳирадаги пуллар	596	3023	4011	5605	10143	17035	23871	36069
Пул таклифи (M ₁ активлари)	739	3420	5357	8682	11312	19560	31339	42116
Пул таклифи (M ₂ активлари)	924	8540	12276	17702	27195	47142	71571	113566
- Банкнот ва тангалар	218	1012	1415	2275	3426	6841	11378	18546
- Пул депозитлари	707	7528	10861	15426	23770	40302	60194	95020

-Марказий банк кредитлари	655	1300	1828	3439	5142	6699	8294	21632
- Давлат сектори учун	414	931	1303	2270	3164	3887	5112	17671
- Хусусий сектор учун	241	369	529	1168	1978	2813	3183	3961
Банк кредитлари	790	5568	10053	16034	22771	37050	65648	78663
Инвестицияни ривожлантиришдаги банк кредитлари	177	646	1047	1465	2734	4561	6934	10271
Кредитлашнинг хусусий хажми	1622	7514	12928	20938	28670	45497	77694	106605
Умумий қўйилмалар	745	7999	11534	16441	25239	41968	63678	100161
Жамғарма қўйилмалари	343	4849	6513	8259	13860	24792	34901	59381

Манба: <http://www.tcmb.tr/> – Туркия Республикаси Марказий банки сайти, Статистика бўлими.

Юқорида бериб ўтилган маълумотлар банк капитали жамғармаларини юқори даражада эканлигидан далолат беради. Ҳатто пул заҳиралари хажми 6 баробарга кўпайган. Ваҳоланки, 2002 йил апрелида банк заҳиралари 12,2 млрд. АҚШ долларидан иборат бўлиб, турк лираси бошқа валюталарга ҳеч қандай монёликсиз алмашишини таъминлаган. Хусусий тижорат банклари шунчалик кўп заҳирага эга бўлганларки, ҳатто Марказий банкнинг кредит ёрдамларидан фойдаланмаган. Таҳлил этилаётган давр мобайнида кредит ажратишнинг умумий хажми номинал ҳолатда 65,7 баробарга ўсиб 106,6 триллион турк лирасини ташкил қилди. Бу мамлакат бюджетининг умумий харажатлар миқдоридан ошиб кетади.

Албатта банкларнинг барча фаолияти хайр-эхсон ёки ёрдам тариқасида бўлмаган. Бошқа тижорат корхоналари каби банклар ҳам ўз капиталлари ёрдамида пул ишлайдилар ва даромад оладилар. Бу ерда турк иқтисодчиларининг иқтисодий таҳлили ва режали ташкиллаштиришнинг ўзига хос бир қизиқарли хусусиятини таъкидлаб ўтиш лозим. Уларда деярли олинаётган даромадлар ўлчами ва иқтисодиётнинг турли тармоқлари, айниқса хусусий сектордаги ишлаб чиқариш рентабеллиги ҳақидаги маълумотлар йўқ. Бозор даромад олиш учун ишлаётганларни ташқи иқтисодий таҳлил қарашларидан ўз сирлари билан ҳимоя қилади. Шунинг учун биз банк ишининг даромади ҳақида тўлиқроқ маълумот бериш имкониятига эга эмасмиз. У ҳақида юқорида кўрсатиб ўтилган маълумотлар, шунингдек банк фоиз ставкаларининг ўлчами бўйича тахмин қилиш мумкин.

Туркияда банк фоиз ставкалари жуда-жуда юқори бўлиб, деярли мамлакатдаги инфляция суръатларига яқиндир. Имтиёзли кредитлар фақатгина экспорт операциялари ва ташқи молиялаштириш манбаларига қўлланилади. Инвестиция учун ажратилаётган кредитлар йиллик 70%, ишлаб чиқариш йўлга қўйилгандан сўнг 75% ҳисобида амалга оширилади. Шундай юқори фоиз ставкаларига қарамай улардан фойдаланиш ҳолатларининг гувоҳи бўламиз. Чунки инфляциянинг юқори суръати банк фоиз ставкаларини жуда паст ҳолатга тушириб қўймоқда.

Шундай шароитларда тадбиркорлар учун кредит воситаларини тезлик билан даромад келтирувчи ишга йўналтиришлари лозим. Иқтисодчилар томонидан тадбиркорлар учун бир қанча ҳисоб-китоб тизими ишлаб чиқилган бўлиб, унинг ёрдамида инфляция ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда келажакдаги номинал пул харжатлари ўсиш динамикасини аниқлаш мумкин. Буларсиз давом этаётган гиперинфляция шароитида ишлаш мумкин эмас.

Шунга қарамай инфляция шароитида ижобий иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича Туркия банк тизимининг тажрибасини ўрганиш диққат эътиборни талаб қилади. Мамлакатда ҳукумат томонидан амалга оширилган иқтисодий сиёсат натижасида молиявий капиталнинг, айниқса хусусий, тезроқ ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Хусусий капитал ишлаб чиқаришнинг бир ерга (бир қўлга) тўпланиш жараёнларини жадаллаштириши, такрор ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йирик воситаларни йўналтириши учун қўшимча имкониятларга эга эди. Айниқса экспорт операцияларида иштирок этаётган фирмалар қулай имкониятга эга бўлиб, улар хорижий валютадан фойдаланишлари мумкин эди ва даромадларининг кўпайиши натижасида банк ва корхоналар акцияларини сотиб ола бошладилар. Йирик хусусий капитал ўз фаолиятининг янги тармоқларини оча бошлади. Масалан, “Коч холдинг” ва “Эдзаджибаши холдинг” нинг шўъба(дочерний) компаниялари Американинг “Уэн” компанияси билан ҳамкорликда нефт саноатига ҳам кириб борди.

Умуман, ҳукумат хусусий фирмаларнинг бозор муносабатлари бўйича ташкиллаштирилишини, унинг йириклашиши, бир-бирига қўшилиши, ишлаб чиқариш, сотиш, экспорт қилиш соҳасида корпорациялар ташкил этилишини ҳар томонлама рағбатлантириб келган. Масалан, банклар учун яқин йиллар ичида ўз капиталини 4 млрд. турк лирасидан кам бўлмаган миқдорда ошириш таклиф қилинган. Кичик банклар капитални ошириш ҳақидаги талабларни бажара олмаслигини, шунинг оқибатида ўз-ўзидан фаолиятини тўхтатиши ва йирик

банкларга қўшилиб кетишини баён қилди. Кичик фирмалар томонидан кредитларнинг етишмаслиги, юқори банк фоизи ва бошқалар бўйича норозиликлар юзага келди. Шундай сиёсат йирик капитал учун фойдали эди. Бир компаниянинг банкрот бўлганлиги ҳақидаги маълумот бошқа кўпгина компанияларнинг мустаҳкамланиши ҳақидаги маълумотлар билан бирга содир бўлиб турди. Туркияда янги йирик компаниялар рўйхати ҳар йили янги номлар билан тўлиб бормокда.

2. Иқтисодиётни бюджет томонидан тартибга солиш.

80-йилларнинг бошларидаёқ иқтисодчилар Туркиянинг иқтисодий ва ижтимоий тизими “аралаш иқтисодиёт” эканлигини таъкидлаганлар. Ғарбда ушбу тизим унумли ва монанд(гармоник) равишда ишлаётган тизим бўлиб, табиий органик ривожланишнинг “натижаси”дир. Туркияда эса ижтимоий ва хусусий секторларни пайдо бўлиши “давлат аралашуви натижасидир”. Шунинг учун Туркияда Ғарб мамлакатларидан фарқли равишда тизим фалсафаси ва фаолият шакли ўртасида ягона уйғунлик юз бермади.

Мамлакат иқтисодиётига давлат аралашувининг фаолияти халигача аниқ бир мазмун касб этмади, амалий фаолиятни баҳолаш, давлат сектори устидан назорат ва йўналтириш критерияси(мезони) мавжуд эмас. Шу билан биргаликда барқарор иқтисодий ўсишнинг таъминланиши биринчи навбатда давлат аралашувининг қанчалик самарадорлиги ва барқарорлигига боғлиқ. Давлатнинг бевосита ва билвосита аралашуви шакллари бозор механизми фаолиятини, унинг самарадорлигини таъминлашда асосий омил бўлди. Аммо икки томонлама фаолият юритилишига қарамай, Туркияда шундай давлат функцияси халигача моделлаштирилмаган ва аниқлаштирилмаган.

Пировардда Туркиядаги “аралаш иқтисодиёт тизими” тизим сифатида баҳолаш нуқтаи назаридан қоронғу бўлиб қолмокда. Иқтисодчиларнинг фикрига кўра Туркиядаги “аралаш иқтисодиёт” амалиётда муҳим белгини – “бирга мавжуд бўлиш принципи”ни намоён қилди. Давлат аралашувининг характери бўйича анархия даражасини (бозор ҳукмронлиги) ёки аксинча этатистик диктатурани, яъни қаерда бозор диктатураси ва қайси соҳада мавжудлик диктатурасини аниқлаш мумкин. Туркияда ривожланган “аралаш иқтисодиёт” тизими турли қарашлар ва алоқаларни тартибга солиш орқали амалга оширилган бўлиб, монополияни вужудга келтирувчи “лессефер”га ҳам, марксизм-социализмга хос

бўлган қатъий аралашувга ҳам ўхшамаган “иқтисодий эркинликнинг янги турини” вужудга келтирди.

Турк олимлари томонидан тўғри ифода этилган “бирга мавжуд бўлиш принципи” мамлакат иқтисодиётида узоқ давом этган инфляция жараёнларини, шунингдек давлат секторининг устунлигини тушуниш имкониятини беради. Умуман халқаро молия ташкилотлари ёрдами билан бозор иқтисодиётига ўтиш пайтида самарали репрессив аппарат орқали шундай салбий кўринишларни директив услублар билан бартараф этиш осон эди. Аммо мамлакатда бундай ёндошиш кузатилмайди ва бу Туркиянинг макроиқтисодий тартибга солиш услубларининг жудаям ўзига хослигини англатади. Ушбу ҳолат иқтисодиётни бюджет томонидан тартибга солиниш тахлили билан тасдиқланган.

Маълумки, бир қанча мамлакатлар иқтисодиётидаги доимий бюджет танқислиги турли парламент мунозараларига сабаб бўлиб, ушбу танқисликни бартараф этиш улар томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсат асосида ётади. Туркияда охириги етти йил мобайнида бюджет танқислиги доимий равишда кузатилади (1996 йили 504 млрд. Тл ёки 6,9 % бюджет харажатлари ва 2002 йили 31987 млрд. Тл ёки 15,4%). Эҳтимол буларнинг ҳаммаси Халқаро валюта фонди(ХВФ) ва бошқа халқаро молия ташкилотлари томонидан маломатлар ёки норзиликларни келтириб чиқарар, аммо вазият кўриниб турганидек ижобий томонга ўзгармаяпти., ҳатто айрим йилларда жуда ҳам ёмонлашган. Шунга карамай мамлакат кредит берувчиларнинг ишончини йўқотгани йўқ.

1-жадвал.

Туркиянинг умумий бюджети (млрд. тл)

Йиллар	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001
Харажатлар:	5313	8165	12596	21006	38051	67193	101265
Жорий	2095	3051	4537	7444	16607	33380	45177
Транспорт таъминоти	1276	1840	2996	5053	12539	26465	33663
Қолган жорий	819	1211	1542	2392	4068	6915	11614
Капитал қўйилмалар	1030	1624	2295	3141	5067	8902	13458
Трансфер тўловлар	2188	3490	5864	10421	16378	14911	42530
Даромадлар:	4515	5754	10089	17016	30379	55239	84130
Умумий бюджет	4411	6630	9894	16734	29939	54576	83360
Солиқдан тушган даромадлар	3829	5972	9051	14232	25550	45400	89950
Солиқсиз даромадлар	458	574	819	1228	2438	4267	7280
Хусусий даромад ва фондлар	124	83	245	1274	1950	4909	6130
Бюджет тўлдирмалари	104	124	195	282	440	663	770
Даромад ва харажатлар баланси	798	1412	2607	3990	7673	11955	17135
Кечиктирилган тўловлар ва	116	197	32	81	639	400	0

аванслар							
Мавжуд баланс (дефицит)	915	1609	2575	4071	8312	12355	17135

Манба: <http://www.tcmb.tr/> – Туркия Республикаси Марказий банки сайти, Статистика бўлими.

Охирги бир неча йиллар мобайнидаги Туркия давлат бюджетидан асосий харажатлар қисми ва бюджет тушумлари манбаи бўйича жорий фойдаланишини кўриб чиқсак. Кўриниб турибдики, унинг дефицити ҳатто режалаштирилганидан ҳам юқори бўлиб, ушбу ҳолат давлат харажатларини кўзда тутилганидан ошиб кетганлигини англатади. Демак ҳукумат зарур иқтисодий муаммоларни хал этиш пайтида ҳеч қандай бюджет чекловларига эътибор қаратмаган.

Юқорида келтириб ўтилган маълумотлардан кўриниб турибдики, бюджет харажатларининг катта қисми давлат бошқарув органлари ва бошқа давлат хизматчиларини молиявий таъминлаш учун режалаштирилган ва сарф этилган (1995 йили – 24%, 2000 йили -39,4%). Бюджет харажатларининг кейинги муҳим қисми трансферт тўловлар бўлиб, уларнинг улуши 1995 йилги 41,2 %дан 2000 йилда 37,1%гача пасайган. Ушбу ҳолат ҳукумат органларини ижтимоий эҳтиёжларга қилинаётган харажатларни бир мунча қисқартиришга бўлган интилиши ҳақида гувоҳлик беради. Шунга қарамай шундай харажатлар даражаси юқори бўлиб, 2002 йилда бюджет харажатларини 42 фоизгача чиқариш режалаштирилган эди. Бир вақтнинг ўзида давлат капитал қўйилмаларининг солиштирма оғирлигини 19,4 фоиздан 13,2 фоизгача пасайтириш кузатилади. Даромаддан харажатлар микдорининг устунлиги таҳлил этилаётган барча йилларда кузатилиб, бюджет даромад қисмининг 20,3 – 27,4 фоизгача етган.

Шундай хулосаларни давлат ва хусусий сектордаги капитал қўйилмалар динамикасининг таҳлили ҳам тасдиқлайди (2-жадвал).

2-жадвал.

Туркия иқтисодиёти секторлари бўйича жамғармалар ва капитал қўйилмалар динамикаси.

(1998 йил нархларида, млрд. Тл).

Йиллар	Давлат секторидаги умумий капитал қўйилмалар	Хусусий сектордаги умумий капитал қўйилмалар
1990	11302	7841
1991	12734	7090
1992	10616	6703
1993	10668	7980
1994	10482	8555

1995	12695	8922
1996	13620	10503
1997	13767	12033
1998	10990	13056
1999	10789	13112
2000	11637	15624
2001	11853	15141

Манба: <http://www.tcmb.tr/> – Туркия Республикаси Марказий банки сайти, Статистика бўлими.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, давлат сектори ўзининг инвестициялари учун доимий равишда хусусий сектор жамғармаларидан фойдаланган бўлиб, молиялаштиришнинг ташқи манбалари кўпайиб бораётган ички қарзга сарфланган. Бунинг устига ушбу давр мобайнидаги капитал қўйилмалар хажми юқори даражада бўлиб, 10,6 – 13,8 триллион турк лираси атрофида бўлган (солиштирилаётган нархларда). Албатта инвестиция йўналишлари турли даражада ўзгартирилиб турилди. Аммо сақланиб қолаётган давлат харажатларининг юқори даражаси мамлакат иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг таъсири юқори ҳолатда эканлигидан далолат беради.

Бир пайтнинг ўзида хусусий сектор жамғармаларидан унчалик фойдаланилмади ёки мусодара қилинди. Ушбу динамикада банк фоиз ставкаларини пасайтирилиши капитал қўйилмаларини рағбатлантиради деган машҳур макроиқтисодий назария ҳолати кузатилмайди. Масалан, 1990, 1994 ва 1999 йилларда минимал фоиз ставкаларининг фаолияти (кредитга қўйилаётган фоизлар албатта юқори бўлиб, уларнинг миқдори бўйича катта фарққа эга эди) хусусий сектордаги капитал қўйилмаларнинг нисбатан ўсиши билан мувофиқ келган (2,5%, 7,2% ва 1,5%). Шу давр мобайнида, 1993, 1996 ва 1997 йилларда капитал қўйилмалардаги реал банк ставкалари юқори бўлган (мувофиқ равишда 19,1%, 17,8% ва 14,5%). Шу билан биргаликда тан олиш керакки, хусусий сектор капитал қўйилмаларининг реал хажми таҳлил қилинаётган давр мобайнида деярли икки баробарга ўсган. Бу хусусий инвестицияни ривожлантиришга бўлган давлат сиёсатининг умумий йўналиши амалга оширила бошлаганлигидан далолат беради.

Инвестициянинг шундай қарама-қарши ҳаракатига сабаб сақланиб қолаётган давлат секторининг асосий роли, шунингдек мамлакат иқтисодиётидаги инфляция жараёнларининг кескинлашиши бўлиб, хусусий секторнинг ўз жамғармаларидан тезроқ унумли фойдаланишга интилишидан иборат. Шундай

шароитда ҳам аҳоли, ҳам тадбиркорлар мавжуд пул маблағларини кўчмас мулкка ёки юқорироқ ва тез фойда берувчи тармоқларга қўйишни афзал деб биладилар. Ваҳоланки барча ушбу жараёнлар мамлакат банклари орқали амалга оширилади ва улар томонидан назорат қилинади.

Айтишларига қараганда мамлакат Марказий ва тижорат банклари ҳукуматдан ташқари мустақил равишда фаолият юритиб, улар ўз жамғарма ва кредитлари бўйича фоиз ставкалари даражасини ўзлари мустақил белгилашар, Марказий банк эса яна рессконт операциялар ва аванслар, пул эмиссияси ўлчамлари бўйича шуғулланар экан. Шунга қарамай давлат улар ёрдамида осонгина ўзининг инвестиция мақсадларини амалга ошириш учун зарур воситаларни оломоқда. Ушбу ҳолат нафақат ташқи, балки ички займларни амалга ошириш орқали амалга оширилган. Юқорида биз ташқи қарз ўлчамлари ҳақида маълумот бердик. Ички қарз ҳолатига келсак, 2000 йили бюджетни молиялаштиришдаги унинг ўлчами ташқи қарздан 2,7 баробар юқори бўлиб, 14,8 триллион турк лирасини ташкил этган. Шундай қарздорлик давлат облигациялари (12,5 трил. Тл), хазиначилик мажбуриятлари (1,9 трил. Тл) ва Марказий банк векселлари (331 млн. Тл) ҳисобидан юз берди. Ички қарздорлик динамикаси қуйида бериб ўтилади (3-жадвал).

3-жадвал.

Тўланмаган ички қарз қолдиқлари (млрд. тл).

Йиллар	Давлат облигациялари	Хазиначилик мажбуриятлари	Марказий банк ссудаси	Консилидация қилинган қарздорлик	Ички қарз қолдиғи	Бюджет даромадига нисбатан, %
1993	360	56	339	2418	3173	X
1994	531	340	528	3235	4634	X
1995	1032	490	795	4656	6973	X
1996	1511	823	1052	7129	10515	156,3
1997	2407	1923	1407	11481	17219	170,1
1998	4880	2542	2082	18954	28458	154,4
1999	10863	3537	2539	24995	41934	147,4
2000	18801	5469	2870	30040	57180	106,2
2001	24697	18258	13589	37138	93683	111,4
2002 (январ-апрел)	37635	17277	26132	29745	110809	63

Манба: <http://www.tcmb.tr/> – Туркия Республикаси Марказий банки сайти, Статистика бўлими.

Консолидация қилмоқ (давлатнинг қисқа муддатли қарзларини узоқ муддатли ёки муддатсиз қазга айлантириши)

Бериб ўтилган маълумотлар ички қарз қолдиқларини юқори ўсиш суръатига эга эканлигини (1993 йилдан 2002 йилгача 350 баробар), ҳамда бюджетнинг даромад қисми билан қиёсланганда унинг пасайишини намоён қилади. Биринчи ҳолат ҳеч қандай мажбуриятларсиз зарур займ воситаларини олишга давлат интилишининг ошиши ҳақида, иккинчи ҳолат эса хажмнинг жудаям ўсиб кетиши ва инфляция натижасида давлат облигациялари, хазиначилик мажбуриятлари ва бошқа қимматли қоғозларнинг қадрсизлианиши ҳақида гувоҳлик беради.

Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатнинг ички қарз муаммоси Туркия сиёсатчилари ва иқтисодчиларида муҳим бир ташвиш уйғотмайди. Эҳтимол уларга ушбу муаммога замонавий иқтисодчиларнинг қарашлари яхши маълумдир. Уларнинг фикрича давлат қарзи ҳукуматнинг ўз молиявий мажбуриятларини бажариш имкониятидан маҳрум қилиш йўли билан уни барбод бўлишига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Қарзнинг юзага келиши – бу жараён бўлиб, унинг воситасида жамғармалар харажат қилаётган шахсларга ўтади. Агар истеъмолчилар ва бизнес ўзлаштиришга мойил бўлмаса, бундай ҳолатда давлат қарзининг ўсиши юз беради.

Биринчидан, уларнинг фикрича давлат қарзини камайтиришга мажбурловчи бирор бир сабаб йўқ. Амалиётда ҳукумат облигациялари бўйича ойлик тўлов муддатлари етганда иқтисодиётда депрессив жараёналарни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатни юзага келтирмади, яъни харажатларни қисқартирмади ва солиқларни оширмади, фақатгина янги облигацияларни сотиш ва облигациялардан олинган даромадлар ҳисобига ўз қарзи муддатини чўзди.

Иккинчидан, умуман ҳукумат аҳолига солиқ солиш ва уларни йиғиб олиш ҳуқуқига эга. Туркия бундай ҳолатда турли жамғармалар ва бошқа солиқ йиғинларидан кенг фойдаланмоқда.

Учинчидан, ҳукумат ўзи ҳам пул чиқариш ҳуқуқига эга бўлиб, шу йўл орқали асосий қарз суммасини ва у бўйича фоизни тўлаши мумкин. Шу билан бирга амалиётда юз бераётган инфляция ҳисобидан ушбу қарзнинг бир қисмини ҳам тўлаши мумкин.

Тўртинчидан, ички қарз шунинг учун ички қарзки, ҳукумат облигацияларининг катта қисми миллий ташкилотлар – банклар, компаниялар ва бошқалар қўлидадир. Яъни давлат қарзи умумий актив ҳисобланади. Ушбу

мамлакат резидентлари қўлида бўлган давлат облигацияларини тўлаш мамлакат иқтисодиётида сотиб олиш қобилиятини пасайишига олиб келмайди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек бюджетнинг муҳим даромад қисми бўлиб солиқ тушумлари ҳисобланади. Туркия бюджетига уларнинг солиштирма оғирлиги турли йилларда турлича бўлиб, гоҳо 89,7%га етади (1997 йил), гоҳо 82,9 %гача пасаяди (2000 йил). Жамғармадаги носолиқ тушумлар бошқа манбалар бўлиб хизмат қилади. Таъкидлаш лозимки, Туркия етарли даражада самарали ва турли туман солиқ тизимига эга бўлиб, ҳатто хусусий секторнинг жудаям кичик ишлаб чиқарувчиларини ва тадбиркорларни ҳам ҳисобга олади. Шу билан бир пайтда бу ерда солиқ юки унчалик юқори бўлмай, иқтисодчилар маълумотига кўра 1991 йили ЯММнинг 18,3%ини, 1995 йили – 15,3% ва 2000 йили 20,2%ини ташкил этган (таккослаш учун АҚШда – 21,3%, Японияда – 22,1%, ГФРда – 24,3% ва Данияда – 48,7%). Албатта ушбу ҳолат тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Солиқ тушумининг асосий тури даромад солиғи бўлиб, у 2001 йили барча солиқ тушумларининг 49,2 %ини берган, 31,6% солиқлар товар ва хизматларни сотиш, 17,8% - ташқи савдо ва 1,4% кўчмас мулкка солинган солиқлар ҳисобидан ҳосил бўлган. Шунингдек маҳаллий солиқ тушумлари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг хиссаси унчалик катта эмас. Қуйидаги жадвал орқали солиқ тушумларининг ойлик ўзгаришини кўриб чиқамиз (4-жадвал). Ушбу кўрсаткичлар йил давомидаги мамлакат аҳолиси ва тадбиркорларни номинал даромадларининг ўсиши ҳақида аниқ бир тавсиф беради.

4-жадвал.

2000-2002 йиллардаги солиқ тушумлари динамикаси.

	2000 йил			2001 йил			2002 йил		
	Млрд. тл	Олдинги ойга нисбатан %	Январга нисбатан %	Млрд. тл	Олдинги ойга нисбатан %	Январга нисбатан %	Млрд. тл	Олдинги ойга нисбатан %	Январга нисбатан %
Январ	2809	X	100	4558	X	100	8607	X	100
Феврал	2384	84,8	84,8	4053	88,9	88,9	7211	83,2	83,2
Март	2811	117,9	100	4813	118,7	105,6	8573	118,9	99,6
Апрел	8240	115,3	115,3	5703	118,5	125,2	10459	122,0	121,5
Май	4017	124,0	143,0	6679	117,0	146,5			
Июнь	3343	83,2	119,0	4754	71,1	104,3			
Июль	4164	124,6	148,2	7649	160,9	167,8			
Август	3874	93,0	138,0	6755	88,3	148,2			
Сентябрь	3766	97,2	134,0	7274	107,7	189,6			

Октябрь	4925	130,3	175,3	8437	116,0	185,1			
Ноябрь	4958	100,6	176,5	8649	102,5	189,7			
Декабрь	5141	103,7	183,0	9213	106,5	2002,1			
Жами :	45431	X	X	78542	X	X			

Манба: <http://www.tcmb.tr/> – Туркия Республикаси Марказий банки сайти, Статистика бўлими.

Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики, даромад солиғи (бевосита) ва товар ва хизматлардан тушаётган солиқлар (билвосита) ҳажми орқали тавсифланувчи хўжалик субъектларининг даромад ва харажатларининг номинал даражаси йиллар мобайнида сезиларли ҳолатда ўзгариб турган. Солиқ тушумларининг умумий ўсиши 2000 йили 183 фоизни ташкил қилиб, 2001 йили улар 2,02 баробарга кўпайган. Солиқ тушумларининг энг юқори чўққиси январ ва июл ойларида кузатилган бўлиб, феврал ва августда пасайган. Эҳтимол ушбу ҳолат инфляция жараёнларини компенсация қилиш бўйича олиб борилган давлат сиёсати (давлат секторида ойлик маошларнинг оширилиши) ва сотув ҳажмининг ошиши билан юз берган.

Шундай қилиб макроиктисодий тартибга солиш назариясига мувофиқ равишда хулоса қилиш мумкинки, Туркияда иқтисодиётни ривожлантиришда ҳам бюджетдаги давлат органлари, ҳам ўзининг ресурсларига эга давлат иқтисодий ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган давлат харажатлари ва давлат сотиб олишлари асосий ролни ўйнаши лозим. Бунда давлатга хизмат кўрсатиш соҳаси, саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги турли дастурларни амалга ошириш имкониятини берувчи дефицит бюджет томонидан молиялаштиришга катта аҳамият берилади. Умуман Туркиянинг макроиктисодий сиёсати йирик хусусий капитал манфаатидаги дефицит бюджет томонидан молиялаштиришга асосланади. Айнан ушбу ҳолат Ғарб мамлакатларининг асосий концепцияларидан унинг фарқланувчи томонини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Буниятов З.Н. Актуальные проблемы современной Турции М.1998
2. Маматказин А.Мухторов А экономика Турции: история и современность Т. 1993
3. Розалиев Ю.Н. Экономическая история Турецкой Республики М., Наука 1980
4. А.Х.Холматов Турция: Государство и рыночные отношения М, 1992
5. Шодиев Т.Ш. Рыночная экономика Турции Т., 1993

6. Ломакин В.К. Мировая экономика.2003
7. Ломакин В.К. Мировая экономика. Учебник для ВУЗов. М. Финанск, ЮНИТИ, 2004
8. <http://www.foreigntrade.gov.tr>
9. <http://www.tcmb.tr/> –Туркия Республикаси Марказий банки сайти, Статистика бўлими.

Таянч иборалар:

1. Депозит.
2. Инфляция.
3. Конвертация.
4. Қимматбаҳо қоғозлар.
5. Аралаш иқтисодиёт.
6. Бюджет танқислиги.
7. Капитал қўйилма.
8. Консолидация.
9. Валюта.

Саволлар:

1. Банк тизими ривожланишига умумий тасниф.
2. Миллий валюта барқарорлигига эришиш борасидаги уринишлар.
3. Иқтисодиёт секторлари бўйича қимматбаҳо қоғозлар ҳолати.
4. Банкларни кредит ажратиш борасидаги хатт-харақати.
5. Туркиядаги иқтисодий ривожланишнинг ўзига хос хусусияти.
6. Туркия иқтисодиёти секторлари бўйича жамғарма ва капиталлар динамикаси.
7. Туркиядаги пул-кредит сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари.

Маъруза -7

Мавзу: Туркияга инвестиция жалб этиш ҳолати.

РЕЖА:

6. Туркиянинг инвестиция сиёсати.
7. Туркияда инвестиция қилинаётган капиталга солиқ имтиёзлари.
8. Туркияда бевосита хорижий инвестициялар оқими.
9. Туркияда портфель инвестициялар.
10. Туркияда эркин иқтисодий зоналар(ЭИЗ)нинг ривожланиши.

1. Туркиянинг инвестиция сиёсати.

Ҳозирги Туркия инвестиция сиёсатининг асослари 80-йилларнинг ўрталарида иқтисодий кенг қўламда эркинлаштириш ислохотларининг таркибий қисми сифатида қўйилган. Хусусий, шунингдек хорижий инвестицияларни жалб этилишини рағбатлантирувчи аввалги қонуний актлар мукаммаллаштирилди ва янгилари ишлаб чиқилди. Фаолият кўрсатаётган қонунчиликка мувофиқ, миллий капиталга берилган ҳуқуқлар хорижий сармоядорларга ҳам тўлиқ равишда татбиқ қилинган. хорижий сармоядорларнинг ҳар қандай фаолият шаклидаги улуши чегараланмайди. Фирмаларни сотиш ёки иш фаолиятини тугатилиши ҳолатларида даромадларни ўтказиш ва капитал репатриацияси кафолатланади. Деярли Туркияда бир неча ўн йилликлар мобайнида хорижий капитал фаолиятини тартибга солишни либералроқ тартиблари мавжуд бўлиб, турли даврлардаги мамлакат иқтисодий йўналишига мувофиқ қўшимчалар қўшилмоқда ва мукаммаллаштирилмоқда. Хорижий сармоядорлар фаолиятини асосий принциплари 18.01.1954 йилдаги 6224-рақамли қонунда баён этилган. ушбу қонун 1986 йилги №86/10353 декрет ҳолатлари билан тўлдирилган бўлиб, ниҳоят 1995 йили *Туркия инвестиция кодекси* 07.06.1995 йилдаги №95/6990 рақамли хорижий сармоялар ҳақидаги қонунда шаклланди.

Туркия ҳукумати хорижий сармоядорларга нисбатан турли хил рағбатлантирувчи чора тадбирлари қўлламоқда. Инвестицияларни тармоқлар бўйича тақсимотига эътибор қаратилса, биринчи навбатдасаноат ва илм талаб қилувчи ишлаб чиқаришнинг экспортга йўналтирилган соҳаларига қўйилган инвестициялар қўллаб-қувватланилмоқда. Бундан ташқари мамлакат айрим ҳудудларида иқтисодий ривожланиш даражаларини тенглаштириш сиёсати мувофиқ равишда Туркиядаги хорижий капитални қўллаб-қувватланиши ҳудудий характерга эга.

Туркия ҳудудларини иқтисодий ривожланиш даражасига кўра шартли равишда тўртта ҳудудга бўлинади. Ушбу тақсимотда инвестицияларни қўллаб-қувватланишининг турли даражалари эътиборга олинди: энг муҳим даражадаги районлар; иккинчи устунликка эга районлар; нормал районлар; ривожланган районлар.

Энг муҳим даражадаги районларга асосан Туркиянинг шарқий томонларидаги яхши ривожланмаган районлар киради. Нормал районлар мамлакатнинг ғарбий ва қисман марказий ҳудудлари ҳисобланади. Йирик шаҳарлари ривожланган районлар ҳисобланади: Истамбул, Анқара, Измир, Кожаэли, Адан ва Бурса.

Туркияда амалга оширилиши учун таклиф қилинаётган хорижий капитал қўйилмаларнинг лойиҳаси Туркия бош вазири аппаратининг хазиначилик ишлари бўйича котибияти таркибига кирувчи хорижий сармоя масалалари бўйича Бош бошқармаси томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади. Хорижий сармоя лойиҳаларини баҳолашдаги асосий мезонлар сифатида уларнинг технологик даражаси, рақобатбардошлиги, экспорт қилиш салоҳияти, уларни ишга тушириш учун маҳаллий ресурсларни жалб этиш имконияти ҳисобланади. Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳудудий жиҳат ҳам муҳим аҳамиятга эга. Лойиҳалаштирилаётган объектнинг ҳудудий жойлашуви ва инвестиция қилинаётган капитал хажми сармоядорларни *«Рағбатлантирувчи сертификат»* олишлари учун асосий кўрсаткичлар ҳисобланади. Ушбу сертификат юқорида айтиб ўтилган Бош бошқарма томонидан берилиб, у лойиҳани амалга оширилишида имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Масалан, божхона божлари ва баъзи солиқларни тўлашдан қисман ёки тўла озод қилиш, имтиёзли кредит, ҳукумат дотациялари олиш имконияти ва бошқалар.

2. Туркияда инвестиция қилинаётган капиталга солиқ имтиёзлари.

«Рағбатлантирувчи сертификат» корпоратив солиқ тўловида чегирмалар бериши мумкин. солиқ тўловидаги чегирма объектнинг жойлашуви, иқтисодиёт сектори ва инвестиция қилинаётган капитал миқдорига қараб 30 фоиздан 100 фоизгача бўлиши мумкин. Солиқдан юз фоиз озод қилиниши шунинг билан, сармоядор асосий капитални тўла қопламагунча корпоратив солиқни тўламаслик ҳуқуқига эга. Инвестиция қилинаётган капитал учун имтиёзлар режасидаги иқтисодиётнинг устун секторлари қуйидагилар: туристик бизнес яхши ривожланган районларда қурилиш ва инфратузилмалардаги йирик қўламли капитал қўйилмалар; кemasозлик ва кемани таъмирлаш; кўнчилик саноати; қишлоқ хўжалиги ва агросаноат тармоқлари унумдорлигини ошириш; балиқчилик фермаларини ташкил қилиш; таълим; соғлиқни сақлаш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш; электроника; химия саноати; автомобилсозлик ва баъзи бошқалар. Ҳар йили ушбу устун соҳалар қайта кўриб чиқилади, қўшимчалар киритилади ва аниқлаштирилади.

Туркия иқтисодиётидаги бир неча тармоқларга қўйилаётган хорижий инвестициялар *«Рағбатлантирувчи сертификат»* олишга даъво қила олмайди. У Туркияда етарли даражада йўлга қўйилган ишлаб чиқаришга тегишли бўлиб, улардаги капитал қўйилмаларни рағбатлантириш фақатгина ортиқча рақобат ва ортиқча ишлаб чиқаришни келтириб чиқаради холос (масалан, ёқилғи қуйиш

шаҳобчаларини куриш, «фаст-фуд» тамадди тармоқларини кенгайтириш, тяга ва трейлерлар ишлаб чиқариш).

Туркияда имтиёзли кредитлаш тизими мавжуд. Паст нормали фоиз олиш, мамлакатдаги юқори инфляция даражаси ва халқаро валюталарга нисбатан Туркия лираси курсининг доимий пасайиши хорижий сармоядорлар учун берилаётган кредитни жудаям қулай ҳолатда эканлигидан дарак беради.

Алоҳида имтиёзлар экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришдаги капитал қўйилмалар фойдаланишади. Масалан, агар *«Рағбатлантирувчи инвестиция сертификати»* га эга бўлган лойиҳани амалга оширила бошлангандан кейинги беш йил мобайнида корхона ишлаб чиқаришнинг умумий хажмидан маълум бир қисмини экспорт қилишга эришади, шунингдек жалб этилган кредитлар солиқ, турли йиғимлар ва кредит бўйича фоизлардан тўла озод қилинади. Бунда маҳсулот экспортидан туяётган даромадлар «ривожланган районлар» учун 300 минг доллардан кам бўлмаслиги; «нормал районлар» учун – 200 минг доллар; «энг муҳим районлар» учун – 100 минг доллар бўлиши шарт.

Инвестицияни рағбатлантириш ва уларни оқилона тақсимлаш мақсадида ҳукумат истеъмол қилинган электр энергиянинг 25 фоизини тўлашни, ижтимоий таъминот фондидаги 50 фоиз тўловни, шунингдек беш йиллик давр ичида нафақа жамғармасига ажратилиши лозим бўлган тўловларнинг 100 фоизини тўлашни ўз зиммасига олиши мумкин. Бундай ҳолатларда фақат «энг муҳим» ва «нормал» районлардаги йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун қўйилаётган инвестициялар назарда тутилмоқда.

3. Туркияда бевосита хорижий инвестициялар оқими.

Хорижий капитални жалб этиш бўйича олиб борилган сиёсат қисқа муддат ичида ўзининг натижаларини берди. Маълумотларга кўра, 2003 йил охирларида Туркия иқтисодиётидаги бевосита хорижий инвестицияларнинг умумий хажми 17,1 млрд. долларга етди. Улардан 41 фоизи санаот ишлаб чиқаришга, 52 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасига, 7 фоизи аграр сектор ва тғ-кон саноатига тўғри келади. Ҳозирги кунда Туркияда тартиб рақами бўйича хорижий капиталга эга бўлган 6500 компания фаолият юритмоқда. Аммо Хазиначилик қўмитаси мутахассисларини тан олишича, бевосита хорижий инвестициялар оқимининг ушбу кўрсаткичи жуда паст бўлиб, мамлакатнинг иқтисодий имкониятига, унинг реал эҳтиёжларига мувофиқ келмайди. Масалан, фақат биргина 2010 йилга мўлжалланган Туркия энергетика дастури тахминан 45 млрд. доллар талаб

Туркия иқтисодиёти Зуфар Мушаррапов

қилади. Туркия расмий доиралари Туркиянинг шундай инвестицияларга бўлган эҳтиёжини йилига минимум даражада 10 млрд. доллар деб баҳоламоқдалар. Бевосита хорижий инвестициялар жудаям паст даражада бўлиб, йилига тахминан 0,9 млрд. долларни ташкил қилади. Бунинг устига ушбу воситаларнинг катта қисми фаолият кўрсатаётган лойиҳаларни қўшимча молиялаштириш учун сарфланади.

Туркиянинг Европа Иттифоқи (ЕИ)даги Божхона Иттифоқи (БИ)га кириши хорижий сармоядорлар учун қўшимча рағбат бўлди. Масалан, ЕИ бозорларига ўз маҳсулотлари божхона тарифсиз олиб кириш мақсадида Япония, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларнинг йирик компаниялари Туркияга инвестиция қилишга шошилишмоқда. Булар биринчи навбатда «TOYOTA», «HONDA», «HYUDAY», «KIA», «FIAT», «RENAULT» каби автомобилсозлик компанияларидир.

Туркияга бевосита хорижий инвестициялар оқими асосан ЕИ мамлакатларидан келмоқда. Туркия иқтисодиётига Нидерландия, Германия, Буюк Британия, АҚШ энг кўп инвестиция киритмоқда.

Аммо Туркияда хорижий сармоядорларни сиқиб чиқарувчи бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Англия «HSBC» банкининг Туркиядаги филиали директорининг ўринбосари А.Калайлиоглунинг таъкидлашича: «Ҳозиргача хорижий сармоядорлар Туркияга ўз капиталларини олиб киришлар учун турли хил босқичлардаги 147та имзо йиғишга мажбурдирлар ва қачонки бу ерда коррупцияга барҳам берилмас экан сармоядорлар ушбу мамлакатга крмайдилар».

Шунингдек мамлакатга инвестиция оқимини кириб келишига тўсқинлик қилаётган жиддий омиллардан бири тарифсиз савдо тўсиқлари ҳисобланади. БИ га қўшилгандан сўнг Божхона бошқармаси ўрнини Давлат нормалари ва стандартлари институти «TSE» эгаллади. Дунёнинг барча минтақаларидаўз маҳсулотларини ишлаб чиқараётган трансмиллий корпорациялар «TSE» дан ўтишлари ва Туркия сифат сертификатини олишлари мажбур бўлиб, уни олишга жуда кўп вақт ва воситалар керак бўлади.

4.Туркияда портфель инвестициялар.

Бундан 20 йил олдин Туркиянинг кўпгмна аҳолиси қимматбаҳо қоғозлар бозори ҳақида умуман ва қисман акция бозори ҳақида билишмаган. Капитал бозорини ривожлантириш мувофиқ тегишли хужжатлар ва комиссияни тузишни

талаб қилади. 1982 йили капитал бозори бўйича комитет ташкил этилган бўлиб, унга Туркиянинг бирламчи ва иккиламчи қимматбаҳо қоғозлар бозорини тартибга солиш ва назорат қилиш вазифаси юклатилган.

Истамбул фонд бозори жуда ҳам ликвидли бозор ҳисобланади. Истамбул биржасидаги кундалик савдо ҳажми баъзан 1 млрд. долларга етади. Хаттоки 2001 йилдаги инқироз пайтида ҳам кунлик савдо ҳажми ўртача 400 млн. доллардан иборат бўлган. Масалан, хорижликлар иштирокидаги йиллик айланма 2000 йили 33,4 млрд. долларни ташкил этган, аммо 2001 йилги инқироз оқибатида у бирданига 12,1 млрд. долларгача қисқарди. 2002 йил вазият деярли ўзгармади – 12,8 млрд.доллар.

5. Туркияда эркин иқтисодий зоналар(ЭИЗ)нинг ривожланиши.

Туркия Республикасидаги эркин зоналар 1985 йили қабул қилинган 3218-сонли қонун асосида ташкил этилади ва амалга оширилади. ЭИЗ 1987 йилдан ўз фаолиятини бошлаб, шу йили Туркияда биринчи ЭИЗ Мерсин ва Анталия шаҳарларида ташкил этилган. 1990 йили уларнинг сонига Измирдаги Эгей эркин иқтисодий зонаси ва Отатурк номидаги аэропорт ҳудудини қамраб олувчи Истамбул эркин тадбиркорлик зонаси ҳам қўшилди.

1992 йили ЭИЗ Трабзонда, 1993 йили Аданада, 1994-1995 йилларда жудаям қоқ ҳисобланган районларни тезроқ ривожлантириш мақсадида Туркиянинг шарқий томонидаги Эрзурум ва Мардин шаҳарларида иккита ЭИЗ ташкил этилди. Туркияда ЭИЗ деярли ҳар йили пайдо бўлмоқда. 2002 йили ҳозирча охириги ЭИЗ очилган бўлиб, 2004 йил бошларида мамлакат ҳудудида 21та ЭИЗ ҳисобланган.

Туркияда ЭИЗ мамлакатнинг қулай географик жойлашувидан, ҳам Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, ҳам Ғарбий ва Шарқий Европа мамлакатлари бозорларига яқинлигидан максимал даражада фойдаланишга мўлжалланган. Бунда асосий эътибор хорижий капитал ва технологияни жалб этиш, иқтисодиёт ривожланишига мунтазам равишда капитал қўйилмалар қўйишни таъминлаш, молиялаштиришнинг ташқи манбаларидан фойдаланишни ва халқаро савдо имкониятларини кенгайтириш йўли билан Туркиядаги ишлаб чиқаришни экспортга йўналтирилишини жадаллаштиришга қаратилмоқда.

2004 йил 6 февралдаги №5084 ва №25365 – сонли қонунлар билан 3218-сонли эркин савдо зоналари ҳақидаги қонунда кўзда тутилган солиқ имтиёзларига

доир ўзгартиришлар киритилди. Унга кўра 5084-сонли қонун кучга киргунга қадар лицензия олганлар 2009 йилгача барча турдаги солиқ ва божлардан озод қилинади. Кўрсатиб ўтилган муддатдан кейин лицензия олганлар қочонки Туркия ЕИнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган йилнинг охиригача ушбу имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Тадбиркорлик фаолиятининг ҳар қандай тури: ишлаб чиқариш, сақлаш, упаковка қилиш, савдо, банк хизмати – Туркия эркин иқтисодий зоналарида рухсат берилган ва рағбатлантирилмоқда. ЭИЗда зарур инфратузилма объектлари, офислар учун бинолар, устахоналар, омборхоналар ва бошқалар мавжуд бўлиб, имтиёзли шартлар асосида ижарага берилади. Бундан ташқари эркин иқтисодий зоналарни кенгайтирилишида тадбиркорлар бир қатор имтиёзлар билан таъминланган:

1. Худудининг барча томонидан бошқа давлатлар билан чегарадош бўлган ЭИЗ солиқлардан, шу жумладан корпоратив ва даромад солиқларидан тўла озод қилинади.
2. ЭИЗда фаолиятини амалга ошираётган тадбиркорлар турли хил йиғинлар ва божлардан: божхона, гербовый солиқлар (давлат томонидан ҳужжатларни расмийлаштириш учун олинadиган йиғинлар), порт солиқларидан озод қилинади.
3. Бошқа кўпгина мамлакатлардан фарқли равишда Туркияда ЭИЗда ишлаб чиқарилган ёки унинг томонидан импорт қилинган маҳсулотларни ички товар бозорларида сотишга рухсат берилган. Ушбу ҳолатда уларга оддий ташқи савдо меъёрлари татбиқ қилинади.
4. ЭИЗда тўлов воситаси сифатида ҳар қандай конвертация қилинадиган валютадан фойдаланиш мумкин.
5. Сармоядорлар ўзларининг шахсий ва корпоратив даромадларини ҳар қандай ҳолатда ҳеч қандай чекловларсиз, солиқларсиз, йиғинларсиз ва олдиндан рухсат олишларсиз ўтказишлари мумкин.
6. Туркияда истиқомат қилиш учун берилган гувоҳномага эга бўлган хорижлик фуқаролар ЭИЗдаги компанияларга 100% хорижий капитал билан эгалик қилишлари мумкин.
7. Хорижлик мутахассислар ва маъмурий шахсларни ишга қабул қилиш учун рухсат берилган.
8. Эркин иқтисодий зоналар ҳақидаги қонун ва 1983 йил 5 майдаги 2822-сонли қонунга мувофиқ ЭИЗдаги фирмаларда ўз фаолиятини бошлагандан кейинги

- 10 йил муддат ичида иш ташлашлар ва локаутлар (ишчиларни оммавий ишдан бўшатиш ёки корхоналарни ёпиб қўйиш) маън қилинади.
9. ЭИЗда ташкил этилаётган инфратузилма даражаси халқаро стандартларга жавоб беради.
 10. Ерларни ижарага бериш қиймати жудаям мўътадил.
 11. Ёлланма ишчи кучи қиймати шундай ривожланиш даражасидаги бошқа мамлакатлар билан қиёслаганда паст (баъзида у ривожланган мамлакатлардаги ишчи кучи қийматининг фақатгина 10%ини ташкил қилади).
 12. Ҳам капитални инвестиция қилиш босқичида, ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш босқичида бюрократик расмиятчиликлар минимум даражага туширилган.
 13. Туркиянинг бошқа районларида қўлланилаётган товар ва хизматларнинг нархи ва сифатига тегишли бўлган қонунчилик, ҳамда улар устидан назорат ЭИЗда жорий қилинмайди.

Юқорида эслатиб ўтилган имтиёзлардан ташқари эркин тадбиркорлик зоналаридаги сармоялар хусусий капитал қўйилмаларни рағбатлантиришга мўлжалланган давлат сиёсати доирасидаги бошқа имтиёзлардан ҳам фойдаланишлари мумкин.

Туркиядаги эркин иқтисодий зоналарнинг энг муҳим афзалликлари портларга ва бошқа халқаро транспорт йўлларига яқинлиги ҳисобланади. Охир оқибатда эркин иқтисодий зоналардаги тадбиркорликни рағбатлантирувчи ушбу шароитлар қулай инвестиция иқлимини пайдо қилади ва ЭИЗдаги сармоядорларга маълум фойдаларни беради: ишлаб чиқариш харжатларини пасайтиради, у ерда фаолият кўрсатаётган маҳаллий, ҳамда хорижий фирма ва компанияларнинг рақобатбардошлигини оширади.

ЭИЗдаги тадбиркорликларга шароитлар яратиб бериш, ҳамда ЭИЗ учун ажратилган ҳудудда инфратузилма объектлари ва бошқа иншоотларни қуриш борасида Туркия Марказий банки таркибида эркин иқтисодий зонани ташкиллаштириш ва ривожлантириш махсус жамғармаси ташкил этилди. Жамғарма воситалари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия тўлови, ЭИЗ ҳудудини кесиб ўтувчи барча товарлар қийматидаги 0,5%ли солиқ, шунингдек ЭИЗда фаолият юритаётган юридик ва жисмоний шахслар билан имзоланаётган шартномада келишиб олинган махсус тўловлар ҳисобидан шаклланади.

Туркиядаги ҳар бир ЭИЗ маълум даражада жойлашиши ва йўналишига қараб ўз “иқтисослашуви”га эга. Масалан, ҳосилдор қишлоқ хўжалик районларида жойлашган Мерсин ва Анталия эркин иқтисодий зоналари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича корхоналарни ташкил этиш ва ушбу минтақада аграр секторга хизмат кўрсатиш, шунингдек агросаноат сектори маҳсулотларини экспорт қилишга йўналтирилган. Измир ЭИЗда асосий эътибор электроника ва телекоммуникация ускуналарига қаратилади. Ота турк номи аэропорт районидаги Истамбул эркин тадбиркорлик зонаси тайёр кийим ва юқори технолигияли электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотишга йўналтирилган. Адана ЭИЗ оғир саотга иқтисослаштирилган.

Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини тартибга солиш Туркия Республикаси бош вазири аппаратининг ташқи савдо ишлари бўйича Котибияти таркибидаги ЭИЗ масалалари бўйича махсус ташкил этилаг Бош бошқарма зиммасига юклатилган. Айнан ушбу бошқарма ЭИЗда тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш ҳуқуқини берувчи лицензияни бериш билан ҳам шуғулланди.

21та фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналарда 3401та фирма ташкил этилган бўлиб, улардан 652таси хорижий фирмалардир. Зона орқали амалга оширилаётган экспорт-импорт операцияларининг ҳажми 2003 йили 2002 йил билан қиёсланганда 49,6 %га ўсиб, 16608,066 млн. долларни ташкил қилди, яъни бу мамлакат ташқи савдо айланмасининг 14 фоизи демакдир. Олтига ЭИЗдаги савдо айланмаси 1 млрд. доллардан юқори бўлди (“Istanbul Leather” – 4076,782 млн.доллар, “Istanbul Ahl” – 3022,789 млн. доллар, “Mersin” – 2766,312 млн. доллар, “Aegean” – 2642,599 млн. доллар, “Bursa” – 1108,767 млн. доллар, “Istanbul Trakya” – 1145,646 млн. доллар).

Энг яхши савдо алоқалари ЕИ мамлакатлари билан бўлиб, 2003 йили эркин зоналарда амалга оширилган экспорт-импорт операциялари умумий ҳажмининг 30,3 %ини ташкил қилди. ЕИга кирувчи мамлакатлардан ташқари ОЭСР аъзо-мамлакатлари ҳиссасига – 5,2%, МДХ – 3%, бошқа давлатлар – 16% ва Туркиянинг асосий ҳудудларида – 45,5 % тўғри келади. Эркин зоналардаги барча товар айлангмасида қайта ишлаш саноати маҳсулотлари – 94,4%, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари – 5,4 %, қазиб олиш тармоқлари маҳсулотлари – 0,2 %ни ташкил қилди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Бунятов З.Н. Актуальные проблемы современной Турции М.1998
2. Маматказин А.Мухторов А экономика Турции: история и современность Т. 1993
3. Ломакин В.К. Мировая экономика.2003
4. Ломакин В.К. Мировая экономика. Учебник для ВУЗов. М. Финанск, ЮНИТИ, 2004

Таянч иборалар:

1. Ялпи миллий маҳсулот.
2. Инвестиция.
3. Капитал.
4. Бевосита ва билвосита инвестициялар.
5. Эркин иқтисодий зоналар.

Саволлар:

1. Хорижий сармоядорлар учун яратилган имтиёзларнинг қонуний расмийлаштириш жараёни.
2. Инвестицияларни рағбатлантириш бўйича ҳудудий бўлинишга тасниф.
3. “Рағбатлантирувчи сертификат” нима?
4. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ҳолатига тасниф.

Маъруза -8

Мавзу: Туркия ташқи иқтисодий алоқаларининг ривожланиши.

РЕЖА:

5. Ривожланаётган мамлакатлар ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари
6. Туркиянинг ташқи савдо стратегияси
7. Туркия Республикасининг хорижий капиталлар бозоридаги иштироки хусусиятлари
8. Туркия ва Ўзбекистон иқтисодий муносабатлари ривожланиши

1. Ривожланаётган мамлакатлар ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари.

Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва миллий иқтисодиётларнинг жаҳон хўжалик алоқаларига интеграцияси муаммолари ҳозирги даврда барча ривожланаётган мамлакатлар учун долзарб муаммо ҳисобланади. Бу муаммоларга илмий ва амалий қизиқишнинг ортиши жаҳон иқтисодиёти ривожланишида глобаллашув, трансмиллийлашув ва хўжалик фаолиятининг байналминаллашуви каби жараёнларнинг рўй бериши ва барча мамлакатлар иқтисодиётида маълум даражада акс этишининг объектив натижасидир.

Мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолиятини шакллантириш ва ривожлантиришда халқаро савдонинг халқаро ишлаб чиқаришга нисбатан тез ўсаётганлигини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Умумжаҳон Савдо Ташкилоти Секретариати маълумотларига кўра, 1948-1998 йиллар давомида халқаро савдо ўсиш суръатлари 6%ни, жаҳон ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари эса 3,7%ни ташкил этган. Бу даврда савдо ҳажми 17 марта, ишлаб чиқариш ҳажми эса 6 марта ортган. 1990-2000 йиллар давомида ҳам худди шу жараён кузатилган, савдо ҳажмининг ўртача йиллик ўсиши 6,5%ни, ишлаб чиқариш ҳажми эса 3.5%ни ташкил этган.

Шу билан бирга иқтисодий ўсиш суръатлари билан ташқи иқтисодий фаолият ўсиши ўртасида боғлиқлик мавжуд. Халқаро Валюта Фонди томонидан ривожланаётган 126 та мамлакатнинг кўрсаткичлари ўрганилиб чиқилиб, шундай хулосага келинган. Бу мамлакатлар 1984-1994 йиилар давомида иқтисодий ўсиш суръатларига кўра уч гуруҳга бўлинган. Ҳар бир гуруҳга 42 тадан мамлакат киритилган ва энг тез ривожланаётган ҳамда секин ривожланаётган мамлакатлар кўрсаткичлари таҳлил этилган. Бунга кура, экспорт тез ўсган мамлакатларда ЯИМ ҳажми ўсиши юқори суръатларда бўлган. Бундай боғлиқликка савдо шартлари маълум тузатишлар киритиб, мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотига кириш самарасини ё оширади ёки камайтиради. Ишлаб чиқариш-инвестиция ҳамкорлигининг чуқурлашуви товар ишлаб чиқариш жараёнига ўзгартиришлар киритиб, такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг айрим бўғинларининг миллий чегарадан чиқишига олиб келди. Бу жараёнлар кўп жиҳатдан Транс Миллий Компаниялар (ТМК) фаолияти билан боғлиқдир.

ЮНКТАДнинг маълумотларига кўра, 2002 йилга келиб, ТМКлар сони 60 мингтадан ортиб кетди. Улар 500 мингдан ортиқ хорижий филиалларга эга бўлиб, халқаро ишлаб чиқаришда етакчи ўрин эгаллайдилар. Натижада ҳозирги пайтда

жаҳон хўжалиги иккита ўзаро таъсир этувчи қисмдан иборат. Бир томондан жаҳон хўжалик алоқаларининг эски, миллий-давлат доирасида амал қилувчи тадбиркорлар алоқалари сақланиб қолган бўлса, иккинчи томондан, ягона глобал бозорни шакллантирувчи трансмиллий капитал шаклланимоқда.

Ҳозирги даврда кўпчилик мамлакатлар ташқи иқтисодий фаолиятнинг назарий асоси 60-йилларда шаклланиб, унга стратегик йўналишга қаратилган эди:

1. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг таъминот-савдо модели. Бу модел 60-йилларда собиқ СССРда ташкил топган бўлиб, унинг асосида бу мамлакатнинг Шарқий Европа мамлакатлари ва республикалараро алоқалари тартибга солинар эди. Унда ўзаро савдо мажбурий, режали равишда амалга оширилар эди. Унда ташқи иқтисодий фаолият фақат импорт эҳтиёжлари билан белгиланар, экспортга нисбатан эса, импорт учун маблағ манбаъи сифатида қаралар эди.

2. Янги назарий йўналиш конъюнктурашунослик бўлиб, у жаҳон товар бозорларига чиқиш билан боғлиқ назарий-услубий асосга таянади. Бундай моделни бошқача қилиб савдо-воситачилик модели деб аташ мумкин. Унинг асосини умумий меҳнат тақсимооти ташкил қилиб, унда мамлакатлар хом ашё етказувчи, озиқ-овқат маҳсулотлари, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи ва юқори технологик товарлар чиқарувчиларга бўлинади. Бу модель ишлаб чиқарувчиларни жаҳон бозорига кириб бориши учун имконият яратади, лекин жаҳон бозорида ҳозирги давда юз бераётган глобаллашув, трансмиллийлашув ва байналминаллашув жараёнлари билан уйғунликка эга эмас. Ташқи бозорга хом ашё, турли маҳсулотлар, товарлар ва хизматлар чиқариш билан миллий иқтисодиёт жаҳон такрор ишлаб чиқариш жараёнига қўшила олмайди.

3. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг назарий асосларини ўрганишда жаҳон хўжалик тизимининг хусусиятлари ва йўналишларини ўрганишни кўзда тутувчи модель бу ташқи иқтисодий фаолиятнинг ишлаб чиқариш-инвестиция, ёки геоиқтисодий моделидир. Бу модель хўжалик алоқаларининг глобаллашуви, трансмиллийлашуви ва байналминаллашуви, рақобат курашининг усул ва воситалари, минтақавий иқтисодий гуруҳларни шакллантириш соҳасида фундаментал тадқиқотларни кўзда тутуди.

2.Туркиянинг ташқи савдо стратегияси.

Туркия ташқи иқтисодий сектори мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлаш омили бўлган соҳадир. Бир томондан бу мамлакат ресурс базасининг етарли эмаслиги билан боғлиқ бўлса (Туркия саноатининг асосий тармоқлари

фаолияти – тўқимачиликдан тортиб электроникагача импорт қилинувчи хом ашё, энергия манбалари ва ярим фабрикатлар импортига боғлиқдир), иккинчи томондан Туркия иқтисодиётининг экспортга йўналтирилганлиги, унинг салмоқли саноат салоҳияти маҳаллий корхоналарнинг ўз товарларини ташқи бозорга олиб чиқишга интилишга ундайди.

1996 йилда Туркия Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида божхона иттифоқи тўғрисида шартнома тузилиб, бу мамлакат ташқи савдосида ижобий ўзгаришларга олиб келиши кутилган эди. Лекин мамлакат ташқи савдоси таҳлили вазиятнинг ёмонлашганлигидан дарак беради.

1-жадвал

Туркия Республикаси ташқи савдо баланси (млрд. доллар)

	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2000 й.га нисбатан 2001 й., %
Экспорт	23,1	26,2	26,8	26,6	27,3	31,1	113,1
Импорт	42,7	48,5	45,9	40,7	53,9	40,5	75,2
Товар айланмаси	65,8	74,7	72,7	67,3	81,2	71,6	88,1
Баланс	-19,6	-22,3	-19,1	-14,1	-26,6	-9,4	-

Манба: UNCTAD. World investment report, 2001.

Жадвалдан кўриниб турибдики, 1999-2000 йилларда Туркия ташқи савдосида номутаносиблик кучайган, 2000 йилда 1999 йилга нисбатан ташқи савдо камомади 88% га ортган. Бундай ҳолат ушбу даврда импорт ҳажмининг кескин ортганлиги билан боғлиқдир, 2000 йилда у рекорд даража – 54 млрд. долларга етди, экспортнинг ўсиши эса сезиларли бўлмади. Шу билан бирга бу даврда туризмдан келувчи даромадларнинг ортиши (7,0 млрд.доллар), валюта захираларининг етарли даражаси тўлов балансини тўғрилаш ва ташқи қарзлар бўйича тўловларни амалга ошириш имконини берди.

Давлат томонидан миллий экспортчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қанча бевосита (давлат томонидан молиялаштириш ва кредитлар бериш) ва билвосита (турли хил имтиёз, дотациялар берилиши) чоралар кўрилишига қарамай, сезиларли ўзгариш юз бермади. Шу билан бирга экспорт ҳажми ортиши кўп жиҳатдан ташқи бозордаги конъюнктуранинг мос бўлиши ва маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги билан узвий боғлиқдир. Туркия иқтисодчилари сўнгги йилларда юқори сифатга эга бўлмаган турк маҳсулотларининг МДХ мамлакатлари бозорини эгаллаши мамлакат маҳсулотлари обрўсига путур етказди, яъни ташқи бозорда уларнинг рақобатбардошлигига шубҳа вужудга келди деган фикрни билдирдилар. Туркия

экспорти таркибида истеъмол товарлари етакчилик қилади, улардан енгил саноат маҳсулотлари умумий экспорт ҳажмининг 36%, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари - 25% ни ташкил этади. Шу билан бирга мамлакат экспортида сўнгги йилларда машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати маҳсулотлари, кимё саноати маҳсулотлари ҳиссаси ортди. Бу Туркия иқтисодиётида амалга оширилган таркибий ўзгаришларнинг натижасидир.

2-жадвал

Туркия Республикаси ташқи савдосининг товар таркиби.

	2000		2001		Ўзгариш, %
	Ҳажми, млрд. долл.	%	Ҳажми, млрд. долл.	%	
ЭКСПОРТ					
Жами	27,7	100	31,1	100	12,3
Инвестиция товарлари	2,1	7,7	2,6	8,4	22,4
Оралик товарлар (хом ашё)	11,5	41,7	13,2	42,6	14,9
Истеъмол товарлари	14,0	50,5	15,2	48,8	8,0
Бошқалар	0,04	0,2	0,04	0,2	-1,2
ИМПОРТ					
Жами	54,5	100	40,5	100	-25,7
Инвестиция товарлари	11,3	20,8	6,9	17,2	-38,6
Оралик товарлар (хом ашё)	35,7	65,5	29,0	71,8	-18,6
Истеъмол товарлари	7,2	13,3	4,0	10,1	-43,8
Бошқалар	0,1	0,4	0,3	0,9	104,1

Манба: www.krugosvet.ru

Туркиянинг 2001 йилдаги ташқи савдоси бўйича маълумотларни таҳлил этиш импорт ҳажмининг сезиларли қисқарганлигини кўрсатади. Бу 2001 йилда юз берган иқтисодий инқироз ва унга боғлиқ ҳолда долларнинг қимматлашуви билан боғлиқдир. Бундай вазиятда иқтисодий субъектлар хориждан сотиб олинувчи товарлар ва хизматлар миқдорини, улар ишлаб чиқариш динамикасига салбий таъсир кўрсатишига қарамай, қисқартиришга ҳаракат қиладилар. Туркия ташқи иқтисодий алоқалари географияси сўнгги йиллар ичида деярли ўзгармади. Унинг асосий савдо шериклари Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо мамлакатлардир. Бу мамлакатларнинг Туркия экспортидаги ҳиссаси 2001 йилда 68,5% ни, импортида 65,5% ни ташкил этади. Шу билан бирга бу мамлакатларнинг Туркия экспортидаги ҳиссаси ортиб, импортидаги ҳиссаси

камайиб борди. Европа Иттифоқи мамлакатлари ичида Германия етакчилик қилади (савдо айланмаси 10 млн. долл.ни ташкил этади).

Кейинги ўринларда АҚШ (5,0 млрд. долл.), Италия (4,5 млрд. долл.), Франция (3,0 млрд. долл.), Буюк Британия (3 млрд. долл.) туради. МДХ мамлакатларидан Россия Туркиянинг йирик савдо шериги ҳисобланади (4,7 млрд. долл.). Сўнгги йилларда Туркия ташқи савдосида МДХ мамлакатлари ҳиссасининг камайганлигини кўриш мумкин.

3-жадвал

Туркия Республикасининг асосий савдо шериклари (млрд. долл.).

Мамлакат	2001		2002		2003	
Экспорт	Ҳажми	Ҳиссаси, %	Ҳажми	Ҳиссаси, %	Ҳажми	Ҳиссаси, %
Германия	5,5	20,2	5,5	20,6	5,15	18,8
АҚШ	2,3	8,3	2,4	9,0	3,15	11,2
Буюк Британия	1,7	6,4	1,8	6,7	2,02	7,4
Италия	1,5	5,8	1,68	6,4	1,75	6,4
Франция	1,3	4,87	1,56	5,8	1,64	6,0
Голландия	0,88	3,3	0,93	3,5	0,87	3,2
Россия	1,35	5,0	0,58	2,2	0,63	2,3
Импорт						
Германия	7,3	15,9	5,9	14,5	7,5	13,3
АҚШ	4,0	8,7	3,08	7,5	3,86	7,16
Россия	2,15	4,7	2,37	5,8	3,86	7,16
Франция	3,0	6,5	3,1	7,6	3,51	6,5
Италия	4,2	9,1	3,2	7,8	4,3	7,9
Буюк Британия	2,7	5,9	2,2	5,4	2,7	5,0

Мамлакат	2005
Экспорт	Ҳиссаси, %
Германия	12.9
Буюк Британия	8.1
Италия	7.6
АҚШ	6.7
Франция	5.2
Испания	4.1
Импорт	
Германия	11.7

Россия	11
Италия	6.5
Хитой	5.9
Франция	5
АКШ	4.6
Буюк Британия	4

Манба: www.cia.gov

Статистик маълумотлар таҳлили Туркиянинг Божхона Иттифоқига аъзо бўлганининг дастлабки йилидаёқ Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ташқи савдосидаги вазият ўзгарганлиги кўрсатади. Лекин бу ўзгаришлар Туркия фойдасига юз бермади, мамлакатга Европа Иттифоқидан товарлар импорти ҳажми кескин ортди. Натижада мамлакат ташқи савдо балансида камомад миқдори ҳам кўпайиб борди. Божхона Иттифоқига кириш асосида олинган имтиёзлар натижасида тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ортиши кутилган эди. Бундай ҳол юз бермади ва аксинча, экспорт ҳажми қисқарди. Бунга сабаб бир томондан, Туркиянинг йирик савдо шериклари бўлган Германия ва Италияда ушбу маҳсулотларга талабнинг қисқариши бўлса, иккинчи томондан, Шарқий Европа мамлакатлари ва Хитойнинг бозорга кириб келиши рақобатни кучайтиришидир. Шунингдек, Туркиянинг Божхона Иттифоқига кириши бир қатор ижобий натижаларга ҳам олиб келди. Жумладан, Туркия импорти ҳажми ортиши асосан машина ва ускуналар ҳисобига юз бериб, уларнинг умумий импорт ҳажмидаги ҳиссаси 40%дан ортди. Бу Туркия иқтисодиётини Европа Иттифоқидан келтирилувчи сифатли ва замонавий ускуна ва технологиялар билан қуролланишидан далолат беради. Туркия Республикасида эркин иқтисодий минтақаларни ташкил этиш ва фаолиятини тартибга солиш тўғрисидаги қонун 1985 йилда қабул қилиниб, 1987 йилдан бошлаб амал қила бошлади. 1987 йилда мамлакатда биринчи эркин иқтисодий минтақалар – Мерсин ва Анталияда ташкил этилди. 1990 йилда Измирда Эгей ва Истамбул тадбиркорлик минтақалари, 1992 йилда Трабзон, 1993 йилда Адан, 1994-1995 йилларда Эрзурум ва Марзинда ташкил этилди. Туркия эркин иқтисодий минтақалари унинг географик ўрни афзалликлари, яъни унинг Яқин ва Ўрта Шарқ, Ғарбий ва Шарқий Европада яқинлигидан фойдаланиш имконини бериши керак. Шу билан бирга хорижий капитал ва технологияларни жалб этиш, молиялаштиришнинг ташқи манбаларидан иқтисодиётни ривожлантиришда кенг фойдаланиш, халқаро савдо имкониятларидан кенг фойдаланиш йўли билан Туркия ишлаб чиқариши ва

инвестицияларининг экспортга йўналтирилганлигини кучайтиришга алоҳида эътибор берилади. Турк эркин иқтисодий зоналарнинг асосий афзаллиги, порт ва халқаро транспорт тармоқларига яқинлигидадир.

Оқибатда эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорликни рағбатлантирувчи бу шарт-шароитлар, ЭИЗ ларда инвесторлар учун қулай шароит яратади ва катта имкониятлар беради, яъни, ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиради, маҳаллий ва хорижий компаниялар, фирмаларнинг рақобатбардошлигини оширади.

3. Туркия Республикасининг хорижий капиталлар бозорида иштироки хусусиятлари

Мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларида унинг хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати муҳим аҳамиятга эга. Туркия Республикаси иқтисодий сиёсатининг муҳим жиҳати хорижий инвестицияларни жалб этишни ҳар томонлама рағбатлантиришдан иборатдир.

Амалдаги қонунчиликка биноан хорижий инвесторларга миллий капиталга берилган ҳуқуқларнинг барчаси берилган. Хорижий инвесторлар ҳоҳлаган тартибда капиталда иштирок этиши мумкин. Фирма сотилган ёки тугатилган ҳолда фойда капитални репатриация қилиш кафолатланган. Амалда Туркияда бир неча ўн йилликлар давомида хорижий капитални тартибга солиш бўйича энг эркин қонуний асос яратилган бўлиб, унга мамлакат иқтисодий ривожланиш йўналишига боғлиқ ўзгаришлар киритилиб борилади. Туркия ҳукумати хорижий инвестицияларга нисбатан шундай сиёсат олиб борадики, мамлакатга киритилувчи инвестиция мамлакат умумий иқтисодий ривожланиш стратегиясига мос бўлиши керак. Хорижий инвестицияларнинг тармоқ таркиби таҳлили шунни кўрсатадики, биринчи галда улар ишлаб чиқаришнинг экспортга йўналтирилган соҳаларига ва фан-техника тараққиётига, шунингдек, туризм, қурилиш, таълим, соғлиқни сақлаш тизимига киритилади. Хизмат кўрсатиш соҳасининг асосан банк, ва бошқа молия хизматлари тармоғида 10,6%, алоқа тармоғида 9,4%, капитал қурилиш тармоғида 5,3% ва бошқа ижтимоий хизматлар тармоғида 4,9% хорижий сармоялар жалб этилган. Ишлаб чиқариш соҳасининг қуйидаги йирик тармоқлари кимё саноатига 7,6%, озиқ-овқат саноатига 6,1%, транспорт воситаларига 5,1%, электроникага 2,4%, тамаки маҳсулотларига 1,9%, тайёр кийимларга 1,6%, темир-пўлат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга 1,4%, нефть

маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасига 0,8%, тўқимачилик саноатига 0,2% сармоялар киритилган.

4-жадвал.

Т-б №	Тармоқлар	Хорижий инвестицияли корхоналар сони	Хорижий сармоялар хажми, млн. АҚШ долл.
1.	Ишлаб чиқариш, жумладан	1667	3182.7
	Тоғ-кон саноати	101	37.9
	Озиқ-овқат саноати	168	446.7
	Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	14	141.5
	Кимё саноати	100	581.7
	Электроника	95	185.2
	Тайёр кийимлар ишлаб чиқариш	224	124.7
	Темир-пўлат маҳсулотлари	20	108.6
	Нефть ва нефть маҳсулотлари	11	61.6
	Тўқимачилик саноати	67	16.3
	Энергетика	51	367.1
	Транспорт воситалари	37	392.9
	Цемент ишлаб чиқариш	12	74.2
	Бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари	132	92.0
2.	Қишлоқ хўжалиги	151	278.4
3.	Хизмат кўрсатиш	4541	3799.7
	Банк ва молия хизмати	37	809.2

Мамлакат алоҳида ҳудудлари ривожланиш даражасини тенглаштириш сиёсатига мувофиқ хорижий капитални жалб этиш ҳудудий хусусиятга эга. Иқтисодий ривожланиш даражасига кўра мамлакат ҳудуди қуйидаги тўртта гуруҳга бўлинади:

- биринчи даражадаги устувор ҳудудлар;
- иккинчи даражадаги устувор ҳудудлар;
- нормал ҳудудлар;
- ривожланган ҳудудлар.

Устувор ҳудудларга мамлакатнинг энг кам ривожланган шарқий минтақалари киритилиб, уларга жалб этилувчи инвестиция энг юқори даражада рағбатлантирилади. Нормал ҳудудлар бу – мамлакатнинг ғарбий ва қисман марказий қисмидир. Ривожланган ҳудудларга Туркиянинг йирик шаҳарлари Истамбул, Анқара, Измир, Адана, Бурса ва уларнинг атрофлари киритилади.

2001 йилнинг охирида Туркия иқтисодиётига киритилган умумий хорижий инвестициялар ҳажми 31,3 млрд. долл.га етди. Улардан 58% саноат ишлаб чиқаришига, 38% хизмат кўрсатишга, 4% аграр ва тоғ-кон саноатига жалб қилинган. Туркия хорижий сармояларининг миқдорига кўра дунёда 49- ўринни эгаллайди. Киритган хорижий сармоялари миқдори бўйича биринчи ўринни Франция эгаллайди (1980-2003 йиллар давомида 5758 млрд. долл.), иккинчи ўринни Голландия, ундан кейинги ўринни Германия эгаллайди.

Туркия Республикаси хорижий инвесторлар учун миллий валютада имтиёзли кредитлар ҳам берилади. Ушбу кредитларнинг ҳажми мамлакатнинг қайси ҳудудига инвестиция киритилиши билан боғлиқдир, жумладан, кредит миқдори инвестиция қилинувчи капитал миқдорига нисбатан фоизларда ўлчанади, яъни:

биринчи даражали устувор ҳудудларга умумий инвестиция қилинувчи капиталнинг 60% миқдорида;

иккинчи даражали устувор ҳудудларда – 50%;

нормал ҳудудларда – 40%

ривожланган ҳудудларда – 30%;

кемасозлик, янги технологиялар, атроф муҳитни ҳимоя қилиш бўйича лойиҳаларда – 50%;

хунурмандчиликни қўллаб-қувватлаш лойиҳаларида – 25%.

Кредитлар турк лирасида берилиб, уларнинг фоиз ставкаси ҳам инвестиция киритилувчи ҳудудга боғлиқ бўлади. Жумладан, биринчи даражали устувор ҳудудлар ҳамда икинчи даражали устувор ҳудудларда ташкил этилган эркин иқтисодий минтақалар ва ташкилий саноат минтақаларида у 10% ни, икинчи даражали устувор ҳудудларда ва нормал ҳудудларда жойлашган эркин иқтисодий минтақалар ва ташкилий саноат минтақаларида 15% ни, нормал ва ривожланган ҳудудларда 30%ни ташкил этади.

Кредитлар турк лирасида берилиб, уларнинг фоиз ставкаси ҳам инвестиция киритилувчи ҳудудга боғлиқ бўлади. Жумладан, биринчи даражали устувор ҳудудлар ҳамда икинчи даражали устувор ҳудудларда ташкил этилган эркин иқтисодий минтақалар ва ташкилий саноат минтақаларида у 10% ни, икинчи даражали устувор ҳудудларда ва нормал ҳудудларда жойлашган эркин иқтисодий минтақалар ва ташкилий саноат минтақаларида 15% ни, нормал ва ривожланган ҳудудларда 30%ни ташкил этади. Мамлакатдаги инфляция даражаси юқорилиги ва турк лирасининг курсининг пасайишини ҳисобга олинган ҳолда бундай кредит меъёри уларни инвесторлар учун жуда қулай бўлишига олиб келади.

Туркиянинг иқтисодий курсаткичлари (2005й) млрд. дол.

ЯИМ	584,5
Экспорт	72,49
Импорт	101,2
Бюджет	93,58

ишсизлик	10.2%
инфляция	8.2%
ЯИМнинг ўсиш сурати	7.4%

Манба: www.cia.gov/ the world fact book.

4. Туркия - Ўзбекистон иқтисодий муносабатларининг ривожланиши.

Жаҳоннинг кўпчиликлари мамлакатлари тажрибаси миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим омили бўлиб ички бозорнинг халқаро савдога очиқликлари хизмат қилади.

Ташқи савдони ривожланишида 2005 йилда 2004 йилга нисбатан ижобий ўзгаришлар кузатилди. Ташқи савдо айланмаси 109,6 %га кўпайди ва 9,5 млрд. долл. ташкил этди (3.3.1-жадвал). Бунинг асосий сабаблари экспорт-импорти билан шуғулланувчи тадбиркорларни рўйхатга олиш амалиётини соддалаштирилиши; Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида импорт контрактларини дастлабки рўйхатга олишнинг бекор қилиниши; қўшимча қиймат солиғидан ташқари барча турдаги солиқ ва йиғимларни тўлашдан озод қилинган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан рақобатбардош тайёр истеъмол товарларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чораларнинг қўлланилиши; Давлат божхона қўмитаси (ДБК), Марказий Банк (МБ), Давлат солиқ қўмитаси (ДСК) ва Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги (ТИАА) ўртасида ташқи савдо амалиётларини айрибошлашнинг ягона электрон тизимининг яратилиши; жорий халқаро амалиётлар бўйича миллий валютани (сўмни) эркин айрибошлаш, конвертациянинг киритилиши; юридик шахслар, шунингдек экспорт-импорт амалиётларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган яқка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатга олинган жисмоний шахслар учун ёғоч ва ёғоч маҳсулотларини импорт қилишда божхона тўлови ставкаси нолга тенглаштирилиши бўлди.

Туркия билан Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалари таҳлили кўрсатадики, Туркия мамлакатимиз ташқи савдо айланмасида салмоқли ҳиссага эга бўлиб, 3,7% ни ташкил этади. 2001 йилга қадар Ўзбекистоннинг Туркия билан ташқи савдо баланси мусбат бўлган, 2001 йилга келиб у манфий кўрсаткичга эга бўлди.

6-жадвал

Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

(млн. долл.)

Кўрсаткичлар	2002	2003	Шу жумладан		Ҳажмининг ўзгариши, %	
			02/IV*	03/IV*	2003 й 2002 й-га нисбатан	03/IV 02/IV га нисбатан
Ташқи савдо айланмаси	5700,4	6689,2	1537,6	1965,2	117,3	127,8
МДХ мамлакатлари	1823,8	2105,4	500,2	606,2	115,4	121,2
Хориж мамлакатлари	3876,6	4583,8	1037,4	1359,0	118,2	131,0
Экспорт	2988,4	3725,0	862,8	1105,5	124,6	128,1
МДХ мамлакатлари	823,5	969,2	243,0	274,4	117,7	112,9
хориж мамлакатлари	2164,9	2755,8	619,8	831,1	127,3	134,1
Импорт	2712,0	2964,2	674,8	859,7	109,3	127,4
МДХ мамлакатлари	1000,3	1136,2	257,2	331,8	113,6	129,0
хориж мамлакатлари	1711,7	1828,0	417,6	527,9	106,8	126,4

Савдо баланси	276,4	760,8	188,0	245,8	X	X
МДХ мамлакатлар	-176,8	-167,0	-14,2	-57,4	X	X
Хориж мамлакатлари	453,2	927,8	202,2	303,2	X	X
Ташқи савдо айирбошлаш таркиби, %	100,0	100,0	100,0	100,0	X	X
МДХ мамлакатлар	32,0	31,5	32,5	30,8	X	X
хориж мамлакатлари	68,0	68,5	67,5	69,2	X	X

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган. *Чораклик кўрсаткичлар ҳисоблаш йўли билан аниқланди.

Ўзбекистон 2003 йилдан импорт қилишга нисбатан сезиларли равишда кўпроқ экспорт қилишни бошлаган. Товар айирбошлашнинг умумий ҳажмида экспортнинг салмоғи 55,7 %, импортнинг эса 44,3%ни ташкил қилди. Экспорт ва импорт амалиётлари ўртасидаги фарқ 2002 йилда кам бўлган ташқи савдо айирбошлашнинг экспорт салмоғи 52,4%, импорт салмоғи эса 47,6%га тенг бўлган. Савдо балансининг актив қисми 2002 йилга нисбатан 484,4 млн. долларга кўпайди ва 760,8 млн.долларни ташкил этди (3.3.1-жадвал) ва сўнгги йилларда илк маротаба 1995 йил кўрсаткичига яқинлашди. Ўша даврда қолдиқ максимал даражада қайд қилинган - 827,2 млн. долл. Товар айирбошлашдаги ижобий қолдиқ (сальдо) хориж мамлакатлари билан савдо қилиш ҳисобига эришилди. МДХ мамлакатлари билан товар айирбошлашдаги салбий қолдиқ камайди ва 167,0 млн. долл. ташкил қилди.

7-жадвал

Туркия билан Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси, минг долл.

йиллар	экспорт	импорт	Экспорт/ импорт	Умумий савдо айланмаси
1992	54,439	21,019	2,59	75,5
1993	213,518	31,934	6,69	245,5

1994	64,550	78,625	0,82	143,2
1995	138,542	61,529	2,25	200,1
1996	230,492	58,054	3,97	288,5
1997	210,588	94,772	2,22	305,4
1998	156,179	96, 205	1,62	252,3
1999	99,139	47,477	2,09	146,6
2000	82,647	85,794	0,96	168,4
2001	89,725	36,045	2,49	125,8
2002	93,472	75,196	1,24	168,7
2003	138,300	97,196	1,41	236,1
2004	144,389	177,058	0,82	321,5

*Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги ташқи савдо таркибининг таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Туркияга пахта толаси, рангли металллар, озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт қилинади, импортнинг катта қисмини эса машина ва ускуналар ташкил этиб, бу мамлакатимизга Туркиядан келган инвестиция лойиҳаларини ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда автомобиль заводи учун деталлар олиб келиниши билан боғлиқдир.

8-жадвал

Туркия билан Ўзбекистон ташқи савдосининг товар таркиби (2004 йил)

	Минг долл.	% ларда
Экспорт, жами	81377,5	100
Пахта толаси	1350,6	1,6
Кимё маҳсулотлари	120,3	0,2
Рангли металллар	60938,5	74,8
Энергия манбалари	13,2	0,1
Машина ва ускуналар	350,7	0,4
Озиқ-овқат маҳсулотлари	4146,9	5,1
Хизматлар	6089,1	7,5
Бошқалар	8368,2	10,3

Импорт, жами	105879,7	100
Кимё маҳсулотлари	16314,4	15,4
Рангли металллар	6613,4	6,3
Қора металллар	10575,9	10,0
Энергия манбалари	104,6	0,1
Машина ва ускуналар	45624,3	43,1
Озиқ-овқат маҳсулотлари	2904,1	2,7
Хизматлар	4117,0	3,9
Бошқалар	19626,0	18,5

*Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Кўриниб турибдики, Туркиянинг Ўзбекистонга экспорти импортига нисбатан хилма-хиллашган, Ўзбекистон эса асосан хом ашё маҳсулотлари экспорт қилади. Ҳозирги даврда Туркиянинг Ўзбекистон билан иқтисодий алоқаларининг ривожланиш йўналишларини таҳлил этиш натижасида қуйидаги хусусиятларига эътиборни кучайтириш зарур:

- «моқкисимон» савдо ҳажмини қисқартириб, иккала томондан юқори сифатли маҳсулотлар экспортини кенгайтириш;
- пудрат ва субпудрат муносабатларидан бевосита инвестицияларни жалб қилишни кенгайтиришга ўтиш;
- икки томонлама савдонинг эски механизмларидан воз кечиб, - Халқаро савдо ташкилот меъёрлари асосида савдо қилишган ўтиш;
- Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий интеграциясини чуқурлаштириш бўйича тадбирларни амалга ошириш.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т. Ўзбекистон.1995 йил.
2. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. Ўзбекистон. 2000 йил.
3. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. Т. Ўзбекистон.1997 йил.

4. Буниятов З.Н. Актуальные проблемы современной Турции М.1998
5. “Statistical outline of Turkey 1998-99”, Туркия, Анкара, 2000 йил.
6. Ломакин В.К. Мировая экономика. Учебник для ВУЗов. М. Финанск, ЮНИТИ, 2004
7. Sayidoglu H. Uluslararası iktisat: teory, politika ve uygulama. 10 baski-
Istanbul: Guzen yayinlari, 2000. 708 s.
8. UNCTAD. World investment report, 2001.

Интернет сайтлари:

1. www.cia.gov
2. www.mynet.com
3. www.polpred.com
4. www.krugosvet.ru
5. <http://www.foreigntrade.gov.tr>
6. <http://www.tcmb.tr/> –Туркия Республикаси Марказий банки сайти,
Статистика бўлими.

Таянч иборалар:

1. Экспорт.
2. Импорт.
3. Капитал.
4. Ташқи савдо сальдоси.
5. Сармоя.
6. Квота.
7. Демпинг.

Саволлар:

1. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришнинг назарий ҳолати.
2. Туркия ташқи савдо йўналиши.
3. Туркия ташқи савдо таркиби.
4. Туркия ташқи савдо шериклари.
5. Туркияга хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳолати.
6. Туркия-Ўзбекитсон ўртасидаги савдо айланмаси.
7. Туркия билан Ўзбекистон ўртасидаги савдонинг товар таркиби.

Маъруза -9

Мавзу: Туркиянинг ҳалқаро иқтисодий ташкилотлар билан алоқалари.

РЕЖА:

- 1. Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЧЭС).**
- 2. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ).**

1. Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЧЭС).

ЧЭС 1993 йилнинг феврида Истамбулда бўлиб ўтган Албания, Озарбайжон, Армения, Грузия, Молдавия, Руминия, Россия, Туркия ва Украина давлат парламентлари раҳбарлари ўртасидаги учрашувда ташкил топди. 1995 йилга келиб бу ташкилотга Греция ҳам аъзо бўлди. Ҳозирги кунга келиб ушбу ташкилот раҳбарлигини Туркия давлати бошқармоқда (1996 йилнинг октябридан бошлаб).

ЧЭС ни ташкил топишига бир қатор омиллар таъсир этган. Булар собиқ СССРнинг парчаланиши; ЕИ ва НАТОнинг қаршиликлари; бир қатор иқтисодий инкироз ҳолатига келиб қолган давлатлар; иқтисодий аҳволнинг таранглашуви; собиқ СССР даврида тузилган иқтисодий, сиёсий алоқаларнинг бузилиши ва уларнинг Ғарб мамлакатлари билан рақобатлаша олмайдиган ҳолатга тушиши ва ҳоказо.

Биз ЧЭСнинг тузилишини иқтисодий ва сиёсий томондан келгусида тегишли самара, ҳамда ҳалқаро даражадаги кучларни жойлаштиришда асосий туртки бўлди дейишимизга тўла асос бўлиши мумкин. Шуларга қарамасдан мазкур ташкилотнинг фаолиятига таъсир этувчи омиллар ҳам мавжуд бўлиб, уларни четлаб ўтиш мумкин эмас.

Ҳозирда ҳам ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида ўзаро келишмовчиликлар мавжуддир (Арманистон ва Озарбайжон). Айрим давлатлар ўзларининг ички қарама-қаршиликлари билан олишмоқдалар (Грузия, Молдавия ва Россия). Ер майдони ва мулклар бўйича давлатлар ўртасида ўзаро келишмовчиликлар давом этмоқда (Россия ва Украина). Тарихан давом этаётган Туркия ва Греция ўртаисдаги тафовутлар, мамлакатлар томонидан ЧЭСдаги фаолиятларида улардаги ички тафовутлар натижасида бир йўналишда ишларни олиб боришга қаршилик кўрсатмоқда (масалан, Туркия бир томондан ЧЭСга аъзо

ҳисоблансада, бир қатор мамлакатлар билан қарама-қаршиликлари мавжуд бўлиб улар Дарданелла ва Базфур бўғозларини Туркиянинг ички сувлари таркибига киритилиши ва уларни Туркия Бўғози номи билан юритилишини талаб этилиши, бундай ҳатти-ҳаракат эса кемалар ҳаракатига ўз таъсирини кўрсатмоқда). Кўпгина мамлакатлар ЧЭС ассамблеясига кириш хоҳишини билдирмадилар. Ушбу ҳолат уларни ҳамкорлик бўйича суства фаолият кўрсатиши, ҳамда шу ўринда бир-бирларига бўлган зид муносабатларидан далолатдир.

Шу билан биргаликда кўпгина давлатларнинг ўзаро қарама-қаршиликлари мавжудлигига қарамай ягона иттифокка кириш истаги ҳам мавжуддир. Масалан: ЧЭС томонидан Солоника шаҳрида ташкил этилган банк айрим мамлакатларнинг тегишли ишларини молиялаштиришга ўз таъсирини ўтказди.

ЧЭСга кирувчи мамлакатлар ўзларининг аҳолиси ва ер майдони нуқтаи назаридан 3 гуруҳга бўлиниши мумкин:

1. Кичик мамлакатлар – Албания, Арманистон ва Молдавия.
2. Ўрта мамлакатлар – Озарбайжон, Болгария, Греция, Грузия ва Руминия.
3. Йирик мамлакатлар – Россия, Туркия ва Украина.

Иқтисодиётининг умумий аҳоли нуқтаи назаридан: Туркия ва Греция иқтисодий даражаларининг нисбий барқарорлиги билан ажралиб туради; Болгария ва Руминияда эса ишлаб чиқариш даражаларининг пасайиши кузатилмоқда; МДХ давлатлари ишлаб чиқариш даражаларида ҳозиргача суства ривожланиш кузатилади;

2. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ).

ИХТ мамлакатлараро ва уларнинг аъзолари ўртасидаги иқтисодий, маданий ва илмий-техникавий алоқаларни таъминловчи минтақавий ташкилотдир. ИХТ биринчи бор 1962 йили Эрон, Покистон ва Туркия томонидан “Тараққиёт учун минтақавий ҳамкорлик ташкилоти” номи билан ташкил этилган эди, аммо ўзаро ҳамкорлик ва 70-йилларга келиб мазкур мамлакатларнинг минтақалараро савдо манфаатларининг пасайиши туфайли у ўз фаолиятини тугатди. Ушбу мамлакатлар ўзаро муносабатларининг яхшиланиши 1985 йилда минтақавий ташкилотнинг ИХТ номи билан ўз фаолиятини ривожланишига олиб келди. 1992 йилга келиб ИХТга Марказий Осиё, Озарбайжон ва Афғонистон давлатлари қўшилиб бунинг натижасида мазкур ташкилотга аъзо бўлган мамлакатлар сони 10тани ташкил этди. Аъзо давлатлар қуйидагилардан иборат:

Туркия, Эрон, Покистон, Грузия, Афғонистон, Озарбайжон, Туркменистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон. Ўзбекистон ИХТ аъзолигига 1992 йил 28 ноябрида қабул қилинди.

ИХТнинг асосий мақсади:

- Аъзо давлатлар ўртасидаги савдо муносабатларини кенгайтириш;
- Ҳар бир мамлакатда аҳолининг турмуш даражаси ва иқтисодий ўсишини таъминлаш;
- Аъзо мамлакатларни ўзаро боғловчи маъмурий ва маданий алоқаларининг боғлиқлигини таъминлаш;

ИХТ фаолиятини бошқарувчи орган ташқи ишлар вазирларининг кенгаши ҳисобланиб, унинг асосий вазифаларидан бири ташкилотнинг асосий стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш ва тегишли қарорлар қабул қилишдан иборатдир. Вазирлар кенгаши ИХТга аъзо бўлган давлатларнинг ташқи ишлар вазирларидан ташкил топган бўлиб, бир йилда бир маротаба кенгаш томонидан уюштирилган йиғилишда қатнашадилар.

ИХТнинг иккинчи асосий бошқарув ташкилотидан бири бу Вазирлар кенгаши йиғилишлари доирасида йиғилувчи ва ташқи ишлар вазирлари томонидан қабул қилинган асосий йўналиш ва сиёсатни ҳаётга татбиқ этувчи вакиллар кенгашидир.

1996 йилга келиб ИХТнинг ташкилий масалалари қайта кўриб чиқилиши муносабати билан у доимий вакиллар кенгаши деб юритила бошлади. 1997 йил 3 февралдан бошлаб ИХТда Ўзбекистон Республикаси томонидан доимий вакил этиб Эрон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси А.Хайдаров тайинланган. ИХТнинг асосий ташкилотларидан бири минтақавий ривожлантириш кенгашидир. Мазкур кенгашга ҳалқаро ташкилотга аъзо бўлган давлатларнинг режалаштириш ташкилотларининг раҳбарлари ва улар ташкилотининг Техронда жойлашган штаб квартирасида йилига бир маротаба йиғиладилар.

ИХТнинг доимий ҳаракатдаги ташкилоти бу унинг котибияти бўлиб, у бутун жорий даврдаги ташкилотнинг масалаларини ечиш билан шуғулланади ва Техронда ўзининг штаб квартирасига эгадир. ИХТнинг котибияти ташкилотни бошқариш учун Вазирлар кенгаши томонидан 3 йил муддатга бош котиб тайинланади. 1992-1996 йилларда бош котиб вазифасини Шамшод Аҳмад (Покистон) бошқарди. 1996 йил 11-12 майда Ашхободда ташқи ишлар

вазирларининг 6-йиғилишида ИХТ котибият бўлими бош котиб вазифасига Туркиянинг Робот (Марокаш)даги элчиси Ондер Озар сайланди.

Ташкилотнинг котибият бўлимида иқтисодиёт, фан ва маданият соҳаларида иқтисодий ҳамкорлик борасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқувчи 8та техник қўмита фаолият кўрсатади.

ИХТ фаолиятига асос бўладиган ҳужжатларга қуйидагилар киради:

“Измир шартномаси” – мазкур шартнома ИХТнинг устави сифатида юритилади. Шартнома ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, мақсади ва вазифаларини ҳамда ташкилотнинг бошқа томонларини ўзида мужассамлаштиради. Биринчи бор шартнома барча ташкилотга аъзо мамлакатлар томонидан 1992 йил 28 ноябрида Исломободда имзоланган. Сўнгра 1996 йили ИХТнинг қайта ташкил топиши билан “Измир шартномаси” яна бир бор кўриб чиқилди, ҳамда навбатдан ташқари 1996 йил 14 сентябр куни Измирда чақирилган Вазирлар кенгашининг йиғилишида аъзо мамлакатлар томонидан имзоланди. Ушбу шартнома ўн йил мобайнида ҳар уч мамлакатда божхона тўловларини бекор қилиш, саноат, савдо, транспорт соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш, банк иши, суғурта, туризм, алоқа, қўшма савдо палаталарини ташкил этиш сингари бандларни ўз ичига олади.

ИХТ фаолиятининг Кветтин режаси – мазкур ҳужжат ташкилотнинг транспорт, савдо энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги ва туризм соҳаларидаги режаларни ўз ичига олади. Режа 1993 йил 7 февралда Кветта (Покистон) шаҳрида ташкилотнинг вазирлар кенгашида қабул қилинган ва Истамбулдаги ИХТнинг олий даражада бўлиб ўтган 2-учрашувида кўриб чиқиб маъқулланган.

ИХТ тараққиётининг узоқ муддатга 2000 йилгача ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган Истамбул декларацияси. Ушбу ҳужжатда ИХТ фаолиятининг иқтисодиёт, фан ва маданият каби соҳаларидаги асосий вазифалари белгилаб берилган. Декларация 1993 йил 7 июлда Истамбулда бўлиб ўтган ташкилотга аъзо бўлган давлат раҳбарларининг 2-учрашувида қабул қилинган.

ИХТнинг жорий тартиблари – Ушбу ташкилот томонидан ўтказиладиган маросим ва анжуманларни ташкил этиш тартиби ва ҳисоботларни тайёрлаш бўйича тартиблар белгиланган.

80-йилларда ИХТ билан қуйидаги соҳалар бўйича биргаликда ишлар олиб борилди:

- Иқтисодиёт ва тижорат.
- Транспорт ва телекоммуникация.
- Индустриал ҳамкорлик.

- Қишлоқ хўжалиги.
- Энергетика.
- Таълим, фан ва маданият.
- Инфратузилма ва ижтимоий ишлар.
- Наркомания ва наркобизнесга қарши кураш.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Буниятов З.Н. Актуальные проблемы современной Турции М.1998
2. Маматказин А.Мухторов А экономика Турции: история и современность Т. 1993
3. Розалиев Ю.Н. Экономическая история Турецкой Республики М., Наука 1980
4. А.Х.Холматов Турция: Государство и рыночные отношения М, 1992
5. Шодиев Т.Ш. Рыночная экономика Турции Т., 1993
6. Ломакин В.К. Мировая экономика.2003
7. Ломакин В.К. Мировая экономика. Учебник для ВУЗов. М. Финанс, ЮНИТИ, 2004
8. <http://www.foreigntrade.gov.tr>

Таянч иборалар:

1. Иқтисодий уюшма нима?
2. Шартнома.
3. Декларация.

Саволлар:

1. Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЧЭС)ни ташкил этишдан мақсад нимадан иборат?
2. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ)нинг фаолияти қайси соҳаларга қаратилган эди?